

496  
1981/3



3  
1981

ПОМОЩНИК ПЕШЕРЫ



ЦЕНИ МИНУТУ!





1981 йил 3 февраль куни Тошкентдаги В. И. Ленин номи Халқлар дўстлиги саройида Ўзбекистон Компартияси XX съездининг очилиш маросими.

# БУЮК ҒОЯЛАР ТАНТАНАСИ

Ленин партиясининг содиқ ва жанговар отряди — Ўзбекистон Компартиясининг юксак сиёсий кўтаринкилик руҳида, монолит бирлик вазиятида ўтган XX съезди республикамиз меҳнаткашлари КПСС XXV съезди қарорларини бажариш борасида улкан зафарларни қўлга киритганликларини, Совет Ўзбекистони эришган ютуқлар Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини ўстиришга муҳим ҳисса бўлиб қўшилаётганини, саноат ва қишлоқ хўжалигида чинакам сифат ўзгаришлари рўй берганини, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг унумдорлиги янада кўпайганини ёрқин намойиш қилди. КПСС Марказий Комитетининг партия XXVI съезидига тақдим этган «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» лойиҳасини яқдиллик билан қўллаб-қувватлади ва маъқуллади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг Ўзбекистон Компартияси XX съезидига Ҳисобот докладыда республика коммунистларининг, барча меҳнаткашларнинг куч-ғайратлари ўнинчи беш йиллик мобайнида ишлаб чиқариш қувватларини янада юксалтиришни ва улардан тўла-тўқис фойдаланишни, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришни, меҳнат унумдорлигини оширишни, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва сифатини кўтаришни таъминлашга қаратилди, деб алоҳида таъкидланди.

Республика коммунистларининг улғу анжумани Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ўз иш услубини зўр сабот-матонат билан планли равишда мукамаллаштирганини, хўжалик ва маданий қурилишга, партия, совет ва жамоат ташкилотларига раҳбарлик методларини такомиллаштирганини ўқитиб ўтди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республикамиз меҳнаткашлари партиямизнинг ленинча доно йўл-йўриқларини ўртоқ

Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитетининг барча қарор ва кўрсатмаларини оғишмай амалга оширишларини таъминлаш йўлида ибратли фаолият кўрсатмоқда. Дарҳақиқат, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев ҳақли равишда таъкидлаганидек: «Ўзбекистон партия ташкилоти — бу партиямизнинг катта, жуда катта отрядидир, у жуда ғайрат билан ишламоқда ва фақат ўз республикасининггина эмас, балки бутун Совет Иттифоқининг ҳаётида ҳам катта роль ўйнамоқда...»

Ўртоқ Л. И. Брежнев томонидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети фаолиятига берилган бу юксак баҳо ҳамда унинг республика ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлари, зиёлиларининг шонли зафарлари муносабати билан йўллаган табрикномалари меҳнаткашларнинг ташаббускорлиги ва ижодкорлигини янада камол топтиришда муҳим омил бўлмоқда.

КПСС XXVI съезди, Ўзбекистон Компартияси XX съезди бутун мамлакатимизнинг, республикамизнинг янги буюк истиқболларини аниқ жонлантириб берди. КПСС XXVI съезди асосий йўналишларида таъкидланганидек, ўн биринчи беш йилликнинг бош вазифаси халқ хўжалигини тобора барқарор ривожлантириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, экономикани интенсив ривожланиш йўлига ўтказиш, ресурсларнинг ҳамма турларини ишга солиш ва иш сифатини яхшилаш асосида совет кишиларининг фаровонлигини янада оширишдан иборатдир.

Ҳеч шубҳа йўқки, шонли КПСС XXVI съездининг ҳаётбахш қарорлари билан маънан қуролланган ҳолда, коммунистик қурилиш жабҳасида катта ғалабаларни қўлга киритаётган бутун совет кишилари, жумладан, Ўзбекистон меҳнаткашлари 80-йилларни коммунизм идеалларининг тантанаси йилларига айлантирадилар.

Ленин замонасида ҳар томонлама камолотга эришган хотин-қизларимиз коммунистик қурилишнинг ҳамма соҳаларида самарали меҳнат қилмоқдалар. Ҳозир Ўзбекистоннинг саноат, қурилиш ва транспорт ходимларининг 40 процентидан кўпрогини хотин-қизлар ташкил этади. Республикаимиз илғор хотин-қизларидан бир гуруҳи КПСС XXVI съезидига делегат бўлиб қатнашиш ва мамлакатимиз халқ хўжалигини ривожлантириш программасини тасдиқлашда бевосита иштирок этиш бахтига муяссар бўлдилар. Улар жонажон партиямизнинг тарихий XXVI съезди қарорларида ва Асосий йўналишларида белгиланган улғувор режаларни амалга оширишда қаҳрамонлик намуналарини кўрсатмоқдалар. Суратларда: КПСС XXVI съезидига Ўзбекистон ССРдан сайланган делегат вакиллардан бир гуруҳи. 1. Тошкент пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмасининг 3-цех бошлиғи С. Земьянский тикувчи мотористна Фарида

Аҳмедовани КПСС XXVI съезидига иштирок этишдек катта бахтга сазовор бўлгани билан қутламоқда. 2. Пахтакор районидagi Ульянов номи совхознинг пахтачилик комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи, Ленин комсомоли мукофоти лауреати Холбуви Рустамова КПСС XXVI съезди Асосий йўналишларида алоҳида таъкидланган Жиззах даштини ўзлаштиришни давом эттиришдек улғу ишнинг каймарбасталаридан бири экани билан фахрланади. 3. ЎзССР 50 йиллиги номидаги Наманган Тикувчилик бирлашмасининг илғор ишчиси Тўхтаҳон Тўрабоева ўз шоғирдлари ва ҳамкасблари билан суҳбатлашганда, КПСС XXVI съезди қарорлари совет кишилари меҳнат шижоатини мислсиз даражада жўш урдириб юборганига яна бир марта ишонч ҳосил қилади.

Е. БОТИРОВ, В. МОЛГАЧЕВ ва Р. АЛЬБЕКОВ фотолари

ГВУССР  
Ж



Хўжалик ва жамоат ишларини бошқаришда хотин-қизларни янада фаолроқ қатнашишга кенг жалб этиш республика партия ташкилотларининг муҳим вазифаси ҳисобланади. Ҳозир Ўзбекистонда ҳар уч инженернинг бири — аёллардан, врачларнинг 57 проценти, ўқитувчиларнинг 45 процентдан кўпроғи хотин-қизлардир. 45 мингдан зиёд аёл халқ депутатлигига сайланди. Улар шаҳар, район партия комитетлари секретарларининг 28 процентини ташкил этадилар.

Ш. Р. РАШИДОВ

Наима МАҲМУДОВА,

Ўзбекистон Касаба союзлари республика советининг раиси

# ОЛДИНГИ САФДА

**Б**У ЙИЛ Халқаро хотин-қизлар байрами — 8 Март халқимизнинг сиёсий ва меҳнат кўтаринчилиги гоят ошган бир пайтда нишонланмоқда. Мамлакатимизнинг ижтимоий ҳаётида оламшумул аҳамиятга эга бўлган КПСС XXVI съезди ва унинг илҳомбахш қарорларидан руҳланган халқимиз халқ хўжалигининг барча соҳаларида янги куч ва ғайрат билан унумли меҳнат қилмоқдалар. Съездда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев томонидан қилинган Марказий Комитет ҳисоботида съезддан съездгача бўлган даврда бунёдкор халқимиз эришган улкан зафарлар мамлакатимизнинг ижтимоий ва маданий ҳаётида юз берган буюк ўзгаришлар, ленинчи партияимизнинг йўлбошчилик фаолияти чуқур таҳлил қилиб берилди. Докладда ва съезд қабул қилган тарихий қарорларда мамлакатимиз иқтисодини янада ривожлантириш, халқимизнинг моддий ва маданий турмуш даражасини юксалтириш, инсоннинг ҳар томонлама камол топиши учун барча шароитлар яратиш истиқболлари белгиланди. Бекиёс сиёсий ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган бу партиявий ҳужжатлар барча совет кишилари сингари республикамиз меҳнаткашларини ҳам ўн биринчи беш йиллик планларини бажариш учун янги ютуқлар сари илҳомлантирмоқда.

Ривожланган социалистик жамиятда буюк ижтимоий кучга айланган мамлакатимиз хотин-қизлари ҳам жонажон партияимизнинг XXVI съезди қарорларида ва съезд тасдиқлаган «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлар»да белгиланган улуғвор вазифаларни муваффақиятли бажариш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Негаки, Асосий йўналишларнинг ҳар бир сатри моҳият эътибори билан совет кишиларининг фаровонлигини янада ошириш, турмуш даражасини кўтариш руҳи билан суғорилгандир. Бинобарин, ҳар бир совет кишиси, у ишлаб чиқаришнинг қайси соҳасида меҳнат қилаётган бўлмасин, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини адо этиш учун курашаркан, ўз бахти учун, меҳнат коллективининг истиқболи учун, пировардида, она-Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши учун интилаётганини яққол ҳис қилиб турибди. Шунинг учун ҳам мамлакатимизнинг барча граждандари, жумладан, коммунизмнинг фаол қурувчилари бўлган хотин-қизларимиз ҳам янги беш йилликнинг биринчи йили вазифаларини бажариш учун мислсиз жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Саноат ишлаб чиқаришида ва қишлоқ хўжалигида, халқ маорифи, соғлиқни сақлаш, маданий ва илмий муассасаларда самарали меҳнат қилаётган хотин-қизларимиз ўнинчи беш йиллик вазифаларининг муваффақиятли амалга оширилишига салмоқли ҳисса қўшдилар. Улар КПСС XXVI съездида ўзларининг коммунистик қурилишдаги фаолиятига юксак баҳо берилганлиги билан ҳақли равишда фахрландилар.

Коммунистик партияимиз ва Совет ҳукуватимиз буюк Ленин васиятларига изчил амал қилиб,

хотин-қизларни ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб қилиш учун улкан ишларни амалга оширмоқда. Айни вақтда уларнинг меҳнатини энгиллатиш ва саломатлигини сақлаш учун барча шароитлар яратилмоқда, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, мактабгача тарбия муассасаларини, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналарини ривожлантириш тадбирлари амалга оширилмоқда.

Совет жамиятида хотин-қизларимиз нималарга эришганликларини, уларнинг ривожланган социализм жамиятидаги камолотини республикамиз мисолида яққол кўриб турибмиз.

Ўртоқ Л. И. Брежнев республикамизга Халқлар дўстлиги орденини топшириш маросимида сўзлаган нутқида шундай деган эди: «Биз бугунги кунда ўзбек хотин-қизлари коммунизм қурилишида фаол қатнашаётганликларини, улар орасидан ўнлаб ва юзлаб меҳнат қаҳрамонлари, муаллималар, врачлар, атоқли олималар ва маданият арбоблари етишиб чиққанини фахр билан қайд этиб ўтамиз».

Дарҳақиқат, хотин-қизларимизнинг социалистик қурилишдаги ҳиссалари бекиёс. Ҳозир республикамиз халқ хўжалигида 150 мингга яқин олий маълумотли мутахассис аёллар самарали меҳнат қилмоқдалар. Саноат, қурилиш ва транспорт ходимларининг 40 процентдан ошиқроғини хотин-қизлар ташкил этади. Улардан 260 минг нафари инженер ва техниклардир. Халқимиз саломатлиги ҳақида ғамхўрлик қилаётган шифокор опа-сингилларимиз эса 20 мингдан ошди.

Ўтмишда бойлар ва руҳонийлар томонидан «Сочи узун, ақли калта» деб камситилган ўзбек хотин-қизларининг бугунги авлоди орасидан кўп-кўп таниқли олималар етишиб чиқди. Техника фанлари доктори, академик М. Ҳожинаова, Ўзбекистон фанлар академиясининг муҳбир-аъзолари, тарих фанлари докторлари Р. Аминова, М. Охунова, геология-минералогия фанлари доктори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби М. Сайдалиева, медицина фанлари доктори, профессор Н. Деҳқонхўжаева сингари атоқли олималар фанимиз фахри бўлиб қолди.

Ривожланган социалистик жамиятимизда давлат бошқарув органларида хотин-қизларимиз тобора кўпроқ қатнашмоқдалар. Агар биринчи қақариқ Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатларининг 23,3 процентини хотин-қизлар ташкил этган бўлса, ўнинчи қақариқ Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари орасида улар 178 кишини ташкил этдилар. Маҳаллий халқ депутатлари Советларида депутат хотин-қизларимиз сони қарийб 50 минг киши. Биз бу ўринда ўз меҳнати ва жамоатчилик фаолияти билан бошқаларга ибрат бўлаётган ва элнинг эътиборини қозонган аёлларимизнинг номларини фахр билан тилга оламиз. ЎзССР Олий Совети депутатлари — Бухоро Тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг мотористкаси М. Кароматова, Гузор районидаги «Дружба» совхозининг сут соғувчиси Г. Бозорова, Норин районидаги Калинин номили колхоз пахтачилик звеносининг бошлиғи Х. Мингбоева, Самарқанд Сут саноати бирлашмасининг бригадири

Т. Темурова, Беруний районидаги Ўзбекистон ССР 40 йиллиги номили совхозининг маккажўхори-корчилик бригадаси бошлиғи Ф. Абдуғафорова, Фарғона Тўқимачилик комбинатининг ишчиси Д. Содиқова, Самарқанддаги «Гелион» заводи йиғувчиси М. Жабборова, Гагарин районидаги Абдулла Набиев номили совхоз механизатори У. Жўраева, Фориш районидаги «Чимқўрғон» совхозининг чўпони Қ. Тоштемирова, Андижон шаҳридаги Трикотаж фабрикасининг бичиқчиси Т. Бобохўжаева сингари ишлаб чиқариш илғорлари ўнинчи беш йиллик топшириқларини тўрт йилда бажаришга муваффақ бўлдилар. Олтириқ районидаги Энгельс номили колхознинг пиллачиси Фазилат Қўзибоева эса ишлаб чиқаришда эришган юксак кўрсаткичлари учун 1980 йилда СССР Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Маълумки, республикамиз пахтакорлари ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида мисли кўрилмаган ютуқларга эришдилар. Улар 6 миллион 230 минг тонналик «оқ олтин» хирмони уйдилар. Бу улкан муваффақиятда қишлоқ хўжалигида катта куч бўлган хотин-қизларимизнинг ҳиссалари жуда салмоқли. Ленин мукофоти лауреати, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Чиноз районидаги Киров номили совхознинг бригада бошлиғи Турсунои Охунова, СССР Олий Советининг депутаты — «Малик» совхозининг пахтачилик бригадаси бошлиғи Тўхтаҳон Қирғизбоева, Ленинград районидаги Охунбобоев номили колхоз бригада бошлиғи Ҳамрохон Турдиматова, ЎзССР Олий Советининг депутаты, Қарши районидаги Собир Раҳимов номили совхознинг механизатори Мастура Файзиева, Ўзбекистон Олий Советининг депутаты, Ўзбекистон районидаги «Ғаниобод» совхозининг бригада бошлиғи Маҳбубахон Абдусаматова, Нишон районидаги Карл Маркс номили совхознинг бригада бошлиғи, Ленин ордени ва Октябрь революцияси ордени кавалери Маҳкам Ҳазратқулова каби моҳир ташкилотчи ва ишбилармон аёлларимиз деҳқончилик маданиятини оширишда, пахтачиликни механизмлаш даражасини кўтаришда ажойиб натижаларни қўлга киритдилар.

Республикамиз пахтакорлари уйган юксак хирмон — олтин чўққидан туриб ўтмишга назар ташласак, хотин-қизларимиз босиб ўтган шонли йўлни янада ёрқинроқ тасаввур қиламиз.

В. И. Ленин совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаёқ «Меҳнаткашларнинг катта қисмини ташкил этувчи хотин-қизларнинг фаол иштирокини таъминламасдан социалистик бурилишга эришиб бўлмайди», деб башорат қилган эди. Мамлакатимизнинг 63 йиллик қаҳрамонона тарихи буюк дохийимиз ҳикматининг ҳаққонийлигини тасдиқлади.

Республикамиз хотин-қизларининг фаоллигини оширишда 1927 йили ВКП(б) Марказий Комитети Урта Осие бюросининг махсус қарори билан бошланган «Хужум» ҳаракати муҳим роль ўйнади. Уша йили Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Март бу ҳаракатнинг кенг намойишига айланди. Шу тариқа хотин-қизларнинг социалистик ишлаб чиқаришдаги маъқеи бекиёс ошди.

Ўзбек хотин-қизлари биринчи беш йиллик

# МЕН, ЎЗБЕКИСТОН ҚИЗИ, ДЕЙМАНКИ...



КПСС XXVI съезди Ленин партияси раҳбарлигида совет халқи ўнинчи беш йилликда эришган буюк ғалабаларни, мамлакатимизнинг келгуси ўн йиллик даврдаги ёрқин истиқболлини тўла-тўқис кўрсатиб берди. Ўнинчи беш йиллик сарҳисобини, ўн биринчи беш йиллик режаларини таҳлил этиб, Коммунистик партияимизнинг мислсиз яратувчилик қудрати, Совет давлати жаҳонда тинчлик таянчи экани ҳақида ўйлаб, чексиз фахрланади киши. Бу ифтихор сувдек покиза ва ҳаётбахш. Чунки у партия ва халқ билан бир жон, бир тан бўлиб, меҳнатда мўъжизалар яратаётган совет кишиси юксак мақсадларининг ифодасидир. Фахрланмай бўладими ахир! XXVI съезд КПССнинг иқтисодий ва социал ривожланишининг энг муҳим масалаларига доир стратегияси ва тактикасини 80-йилларнинг конкрет шароитларига татбиқан тўла ифодалади, иттифоқдош республикалар ва иқтисодий районларни ривожлантиришнинг асосий йўналишларини ҳам ленинча донолик билан белгилаб берди. Биз, Ўзбекистон делегатлари, бу тарихий съезд Ўрта Осиё республикаларида, жумладан, пахтакор диёримизда меҳнат ва табиий ресурслардан, ишлаб чиқариш қувватлари-

дан тўлиқроқ фойдаланишга, пахта етиштиришни янада кўпайтиришга, унинг сифатини анча оширишга, чорвачилик, қишлоқ хўжалигининг бошқа сермеҳнат тармоқларига, энгил саноат ва машинасозликни жадал ривожлантиришга, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати ҳамда сув билан таъминланишини яхшилашга алоҳида эътиборни қаратганидан ниҳоятда мамнун бўлдик. КПСС XXVI съездининг Асосий йўналишларида таъкидланган шу ҳаётий масалалар амалга ошгач, бутун мамлакатимиз, серқуёш республикамиз янада камол топиши аниқ. Шунинг учун ҳам ўн биринчи беш йилликда Ўзбекистон қишлоқ хўжалик ялли маҳсулотининг ўртача йиллик ҳажми 17—19 процентга кўпаяди.

Қарши ва Жиззах даштларини ўзлаштиришни давом эттириш ҳам ленинча съезд диққат-эътиборида бўлди. Демак, йилдан-йилга рекорд ҳосил чўққиси юксалиб бораётган Ўзбекистон хирмони биз чўлқуварлар етиштирган «оқ олтин» ҳисобига янада баландлайди. Областиимиз, районимиз, ўнинчи беш йилликнинг якуновчи йилида ҳар гектар ердан 55 центнердан пахта ундирган бригадамиз меҳнаткашлари эса янги меҳнат

қаҳрамонликлари кўрсатишга руҳан тайёрдирлар.

Бутун совет халқи, серқуёш ўлкаимизнинг барча меҳнаткашлари КПСС XXVI съездининг ҳаётбахш режаларини амалга оширишга зўр ғайрат билан киришдилар. Буни бепоеён мамлакатимиз, республикамиз бўйлаб мисли кўрилмаган даражада қизгин давом этаётган социалистик мусобақа мисолида ҳам кўриш мумкин.

КПСС XXVI съезди қарорлари ҳар бир совет оиласига саодат, ҳар бир совет кишининг руҳига илҳом бошлаб кирди. Партия режаларини амалга ошириш жараёнида давлатимиз янада камол топади, маданиятимиз тобора гуллаб яшнайди, янгидан-янги меҳнат мўъжизалари яратилади. Жонажон партияимизнинг, она халқимизнинг жаҳон миқёсидаги нуфузи тагин ҳам ортадир.

Мен—Ўзбекистон қизи КПСС XXVI съезди делегати сифатида бунга аминман.

**Холбуви РУСТАМОВА,**

Жиззах область, Пахтакор районидagi Ульянов номли совхоз комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи, Ленин комсомоли мукофоти лауреати

## ПАРТИЯ ИРОДАСИ—ХАЛҚ ИРОДАСИ

Жаҳонда энг илғор фан-техника билан қуролланган бунёдкор ижодий меҳнат совет кишилари энг эзгу фазилатларининг мужассам тимсоли бўлиб қолди. Мен ишчи сифатида бунга яхши биламан.

Ленинчи Коммунистик партияимиз бизнинг яратувчи меҳнатимизни юксак мақсадлар сари йўналтирмоқда. Ҳар бир меҳнаткашнинг истеъдоди, меҳнат қобилияти тўла-тўқис намоён бўлишига имкон яратмоқда. Шахсан мен—оддий бир экскаваторчи Ўзбекистон Компартияси XIX съездида иштирок этганим, 1980 йили, СССР Давлат мукофотида сазовор бўлганим ана шу катта ҳаётий ҳақиқатнинг яна бир кундалик мисоли деб биламан.

Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси ғолиблари сафидан ўрин олишимнинг сабабларидан бири—партия билан халқнинг мендек оддий ишчига нисбатан катта ишонч билан қараганидир. Мен ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилидаёқ пландаги 110 минг кубметр ўрнига 279 минг кубметр тупроқ ишларини бажардим. Ҳозирги кун-

ларда эса 1987 йилнинг иккинчи ярми ҳисобига ишламоқдаман.

КПССнинг шонли XXVI съезди кўп миллатли Ватанимиз, барча социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари, тараққийпарвар башарият ҳаётида улуғ сиёсий воқеа бўлди. Шубҳасиз, Асосий йўналишларда таъкидланганидек, ўн биринчи беш йиллик режаларининг муваффақиятли адо этилиши мамлакатнинг иқтисодий потенциалини янада кучайтиришни ва халқ фаровонлигини оширишни, совет давлати мудофаа қудратининг янада мустаҳкам бўлишини таъминлайди, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада юксак даражага кўтаради, жаҳон социализм системасини мустаҳкамлашга ва тинчлик ҳамда социал тараққиёт учун курашаётган барча кучларни жипслаштиришга ёрдам беради.

Мамлакатимиз коммунистларининг тарихий анжумани 1981—1985 йилларда ва 1990 йилгача бўлган даврда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг асосий йўналишларини партиянинг иқтисодий стратегиясига мувофиқ ишлаб

чиқди. Замин унумдорлигини ва ҳосилдорлигини бутун чоралар билан оширишни, дон, пахта, озуқа ва бошқа маҳсулотларни янада кўплай етиштиришни энг муҳим вазифалардан деб белгилади. Бу режани амалга ошириш учун ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув таъминотини мақсадга мувофиқ даражада йўлга қўйиш керак, албатта.

Хуллас, КПСС XXVI съезди режалари бутун мамлакатимизни, шу жумладан, серқуёш республикамизни камолотнинг янада юксак чўққиларига кўтаради. Ўн биринчи беш йиллик коммунистик фаровонлик беш йиллиги бўлади.

Биз, ишчилар, КПСС XXVI съезди қарорларини тўла-тўқис амалга ошириш йўлида фидокорона меҳнат қиламиз. Чунки Коммунистик партия ўзининг тарихий съездида совет кишиларининг кўнгилдаги ҳамма эзгу муддаоларни, улуғ орзумидларни ёрқин намоён қилди.

**Ёқубжон МАРАСУЛОВ,**

Шаҳрихон Қурилиш монтаж бошқармасининг экскаваторчиси, СССР Давлат мукофоти лауреати

планларини бажаришда, республикамиз халқ хўжалигини социалистик индустриаллаштиришда, қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришда ва маданий инқилобни муваффақиятли амалга оширишда фаол иштирок этдилар.

Улуғ Ватан уруши йилларида хотин-қизларимиз она юртимизга бўлган чексиз садоқат ва муҳаббатларини, сабот ва матонатларини намоён этдилар. Ўзбекистонлик хотин-қизлар Ватанимизнинг озодлиги ва мустақиллиги учун қўлга қурол олиб мардонавор жанг қилдилар. Улуғ Ватан уруши фронтларида қаҳрамонлик намуналарини кўрсатган моҳир мерганлар Зебо Ғаниева ва Роза Иброҳимова, довурак алоқачилар Раҳима Алимова, Хосият Усмонова, Сора Шукурова ва бошқаларнинг номлари ёш авлод учун қаҳрамонлик рамзи, ватанпарварлик намунаси бўлиб қолди.

Оғир уруш йилларида минглаб опа-сингилларимиз завод-фабрикаларда, колхоз-совхоз далаларида туну кун ишлаб, ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан душман устидан ғалаба қозонишга улкан ҳисса қўшдилар. Оналаримиз эса урушда ота-оналаридан жудо бўлган ва республикамизга келтирилган етим болаларни ўз бағирларига олдилар, фарзандларининг насибаларини

улар билан баҳам кўрдилар. 14 нафар етим болани тарбиялаб вояга етказган тошкентлик Шоаҳмад Шоаҳмудов ва Баҳри Акрамованинг номи буюк инсонийлик тимсолидир.

Оқорида айтганимиздек, урушдан кейинги тинч қурилиш даврида хотин-қизларимизнинг ижтимоий фаолияти янада кучайди. Республикамиз халқ хўжалигининг барча соҳаларида миллионлаб серғайрат хотин-қизларимиз меҳнат қилмоқдалар. Улар коммунистик меҳнат зарбдорлари, ишлаб чиқариш илғорлари, рационализаторлари ва новаторлари сифатида ишлаб чиқаришда етакчилик қилмоқдалар. Хотин-қизларимизнинг илғор вакиллари КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездида делегат бўлиб қатнашиш шарафига муяссар бўлдилар. Биз уларнинг баъзиларининг номларини фахр билан тилга оламиз.

Гулчехра Бекбўлатова Гулистон шаҳридаги Ўзбекистон Комсомоли 50 йиллиги номидаги Тикувчилик фабрикасининг илғор тикувчи мотористкаси. Энди йигирма беш баҳорни қаршилаган ёш коммунист. Сирдарё область партия комитети бюросининг аъзоси. У фабрикага бундан етти йил илгари келган эди. Утган шу қисқа вақт ичида ишчанлиги ва серғайратлиги билан кол-

лектив эътиборини қозонди. Ишчи коммунистларнинг тавсияси билан у КПСС аъзолигига ўтди, жамоат ишларида фаол қатнашди. Область коммунистлари унга катта ишонч билдириб КПСС XXVI съездида делегат қилиб сайладилар. Гулчехра ўн биринчи беш йилликнинг биринчи квартали планини бажариб, съездга ғалаба рапорти билан борди. Гулчехранинг тенгдоши Пахтакор районидagi Ульянов номли совхоз комсомол-ёшлар бригадасининг бошлиғи, Бутуниттифоқ Ленин комсомоли мукофоти лауреати Холбуви Рустамова эса мамлакатимиз коммунистларининг тарихий анжуманида қўриқ Жиззах область коммунистларининг вакили сифатида қатнашди. У Кремлдаги мухташам Съездлар саройида партияимиз Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг ёрқин докладыни ҳаяжон билан тингларкан, Жиззах қўлларининг порлоқ истиқболлини янада чуқур ҳис этди. Ўз юртини яшнаётган воҳага айлантиришдек улуғвор ишга ўз ҳиссасини қўшаётганлигидан чексиз қувонди. Гулчехра ва Холбуви бошқа вакиллар қатори мамлакатимиз халқ хўжалигини ривожлантиришнинг Асосий йўналишларини тасдиқлашда иштирок этди. ЎзССР Олий Советининг депутати, Таллимаржон районидagi «Коммунист»

совхозининг бригада бошлиғи Адолат Носирова ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида ўн кишилик коллективи билан 150 гектар майдонда 960 тонна ҳосил етиштириб, республикамизнинг юксак хирмониға муносиб ҳисса қўшди. Бу моҳир пахтакор Ўзбекистон Компартиясининг XX съездиға азамат чўлқувар коммунистларнинг муносиб вакили сифатида қатнашди. Оддий ўзбек қизлари учун бундан ортиқ бахт борми! Бирорта капиталистик мамлакат хотин-қизлари бундай саодатли ҳаётни тасаввур ҳам қилолмайдилар.

Хотин-қизларнинг коммунизм қурилишида фаол иштирокини таъминлаш билан бирға уларнинг меҳнатини энгиллатиш ва саломатлигини муҳофаза қилишда республикамизда ҳам катта ишлар амалға оширилмоқда. Хотин-қизлар банд бўлган ишлаб чиқариш операциялари механизмлашди, улар учун санитария-маиший шароитлар яхшиланди, хотин-қизлар учун белгиланган имтиёзларнинг амалға оширилишини назорат қилиш кучайди.

Давлатимиз меҳнаткашларнинг иш шароитини яхшилаш ва саломатлигини муҳофаза қилишға йилдан-йилға кўплаб маблағ ажратмоқда. Халқ хўжалиғи корхоналарида ва ташкилотларида ишлаётган хотин-қизларнинг меҳнат, турмуш ва дам олиш шароитлари бўйича 1977—1979 йилларда Бутуниттифоқ жамоатчилик кўригининг ўтказилиши аёлларнинг иш шароитларини янада яхшилашға имкон берди. Кўрик давомида киритилган тақлифларнинг, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш ва иш шароитларини яхшилаш бўйича коллектив шартномалар ва комплекс планларнинг, санитария-соғломлаштириш тадбирларининг амалға оширилиши натижасида хотин-қизлардан 40 минг киши ўз малакасини яхшилаш ҳамда 25 мингдан ортиқ киши иккинчи касбни эгаллашға муваффақ бўлди.

Хотин-қизларнинг меҳнатини энгиллатиш, уларға фарзандларини тарбиялаш ва уй-рўзғор ишларига қарашиш учун қўлай шароит яратиш масаласига КПСС XXVI съезди тасдиқлаган мамлакатимиз халқ хўжалигини ривожлантиришнинг Асосий йўналишларида алоҳида эътибор берилган. «Ишловчи аёлларнинг меҳнат ва турмуш шароитлари янада яхшиланиши таъминлансин,— дейилади Асосий йўналишларда.— Ишловчи аёллар учун мамлакат районларига қараб 1981 йилдан бошлаб бола бир ёшға тўлгунға қадар уни парвариш қилишға қисман пул тўланадиган отпусқа жорий этилсин. Гўдақлари бўлган аёлларға тўлиқ бўлмаган иш кўнида ёки тўлиқ бўлмаган иш ҳафтасида, узлуксиз графикка мувофиқ, шунингдек, уйда ишлаш имконияти яратилсин».

Табиийки, бу янги имтиёзлар хотин-қизларимизнинг ишлаб чиқаришда фаоллигини оширишға, уларнинг она ва уй бекаси сифатидаги бурчларини адо этишлари учун катта имконият тўғдиради. КПСС XXVI съезди қарорларида мактабгача тарбия муассасаларини ҳамда мактабларда узайтирилган кун группаларини кўпайтириш ва уларнинг ишини яхшилаш кўзда тутилган.

Республикамизда меҳнаткашларнинг, жумладан, хотин-қизлар ва болаларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш учун барча имкониятлар мавжуд. Касаба союзларига қарашли 16 санаторий ва дам олиш уйида, саноат корхоналари қошида ташкил этилган санаторий типидаги 91 профилакторийда ҳар йили минглаб кишилар дам олиб, даволанмоқдалар. Ҳозир республикамиздаги 7 минг ясли ва боғчада қарийб 1 миллион бола тарбияланмоқда. Кейинги йилларда ёз фаслида оналарнинг болалари билан дам олишини уюштирмоқдамиз. Ўтган йили ёзги каникул даврида мавжуд 432 пионер лагерида 452 минг бола дам олди. Бу йил ёзда ҳам ўқувчи ёшларнинг дам олишларини намунали уюштириш учун катта тайёргарлик кўрмоқдамиз.

Хуллас, «Ҳамма нарса инсон учун, унинг бахт-саодати учун!», деган улўғ ҳикмат асосига қурилган социалистик жамиятимизда инсон камолоти учун барча имкониятлар муҳайёдир.

Барча совет халқи сингари Ўзбекистон хотин-қизлари ҳам жонажон партияимизнинг XXVI съезди қарорларини қизғин кутиб олдилар.

Республикамиз меҳнаткашлари шу кунларда саноат корхоналарида, колхоз-совхозларда ва илмий муассасаларда бўлиб ўтаётган йиғилиш ва митингларда Коммунистик партияимизға, унинг ленинчи Марказий Комитетига сидқидилдан миннатдорчилик изҳор этмоқдалар. Улар барча куч ва ғайратларини партияимиз тарихий съездининг қарорларини амалға ошириш учун курашға сафарбар қилажакларини билдирмоқдалар.

Ҳеч шубҳа йўқки, ривожланган социализм жамиятида ҳар томонлама камолотға эришган хотин-қизларимиз КПСС XXVI съезди қарорларида белгилаб берилган улўввор программани амалға оширишға муносиб ҳиссаларини қўшадилар.



Бутун совет халқи каби Шўртан газ кони коллективи ҳам ўн биринчи беш йиллик биринчи йили топшириқларини муваффақиятли бажармоқда. Кон ишчиларидан Н. Нормуродов, Ч. Исмамов, С. Савин, И. Рисмухамедов, С. Рейнвальд сингари зарбдорлар КПССнинг XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди тарихий қарорларини зўр кўтаринки руҳ билан амалға ошира бориб, Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида қизгин иштирок этмоқдалар.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ фотоси

Беш йиллик режалари амалда

## ЗАМОНАГА МУНОСИБ

Ер қаъридан пишқириб чиқиб, гувиллаб ёнаётган газ фавворасини кўрганмисиз? Айниқса кечалари... Кўкка отилаётган олов тим қора осмонни тилкалайди... Шунда, 4 миллион кубметр газни ҳайдашға тайёрлайдиган Шўртан комплекси эса чўл бағрида пайдо бўлган мўъжизакор кошонаға ўхшайди.

Шўртан кони билан Сирдарё ГРЭСигача бўлган масофада ёстаниб ётган, бир метр кенгликдаги 400 километрдан иборат қувур йўлини тасаввур қилиб кўринг.

Шўртан газ комплексининг манзараси ана шундай!

Бу комплекс қисқа муддат ичида қурилиб, фойдаланишға топширилди. Катта кўламдаги мураккаб ишға тез ва ажойиб якун ясалди. Шўртан — Сирдарё трассаси Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё областлари бўйлаб ўтди. Пахта, маккажўхори, шולי ва полиз экинларига зиён етказмаслик керак эди. Қузда бошланган иш экинтиники бошлангунға қадар — гоят қисқа муддатда тугалланди. Деҳқонлар ишиға ҳалал берилмади: Қашқадарё, Бухоро, Сирдарё областлари газопровод ўтказилган йили ҳам юксак ҳосил олдилар. Табиийки, УзССРдаги газ саноати ва газлаштириш Бутуниттифоқ саноат бирлашмасининг барча ишчи, хизматчилари бундан мамнун бўлдилар. КПСС Марказий Комитетининг Бош сек-

ретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Леонид Ильич Брежневдан табрик хати келганда, Шўртан газ комплекси қурувчи ва монтажчиларининг кўнгиллари тоғдек кўтарилди. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг: «Азиз ўртоқлар, сизларнинг ҳар бирингизға сиҳат-саломатлик ва катта бахт тилайман», деган сўзлари комплекс меҳнат аҳлини ниҳоятда руҳлантириб, илҳомлантириб юборди. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг табрик хати республика геологлари томонидан ўнинчи беш йилликда топилган энг катта газ кони қурувчилари меҳнатига берилган юксак баҳо бўлди. Кўз илғамас чўл бағрида яшириниб ётган бу бекиёс хазина эндиликда халққа хизмат қила бошлади. У сўнги йигирма йилликдаги энг катта газ кони, деб топилган машҳур Газли конидан уч баробар катта. Бу ердан чиқадиған газ таркибида юқори даражадаги олтингургут мавжуд. Табиийки, Шўртан газини инсон измиға бўйсундириш осон бўлмади: олимлар, геологлар, мутахассислар кўплаб муаммоларни ечдилар. Чунончи, олтингургут минерал ўғит ишлаб чиқаришда қимматли хом ашё. Аммо уни қувурлар орқали ҳайдаш мумкин эмас: олтингургут пўлат қувурларини ҳам ўйиб юборади. Уни газ таркибидан ажратиб олиш учун эса кон ёнида бутун бир завод қуриш керак.

Бирлашма бошлиғи Алихон Отажонов бундан

уч йил муқаддам бир гуруҳ олимларни тўплаб, маслаҳатлашган эди. «Хал қилиниши ниҳоятда зарур бўлган битта муаммо бор. У хал қилинса, бу газни қувурлар орқали ҳайдаш соҳасида жаҳон миқёсида янгилик бўлар эди,— деган эди у.— Уни бир ой муддат ичида хал қилишимиз лозим!»

Бу муаммо Отажоновга кўпдан буён тинчлик бермас эди.

Ахир, Сирдарё ГРЭСининг ўзидаёқ бир кечакундузда миллион-миллион кубметр соф газ сарфланаётган эди. Ваҳоланки, уни олтингургуртли газ билан ишлатса ҳам бўлади. Соф газдан эса халқ эҳтиёжини қондириш мақсадида фойдаланиш зарур. У миллионлаб хонадонларнинг ҳожа-тига яради. Ўзбекистон мамлакатда газ билан юқори даражада таъминланган бўлса-да, ҳали республика аҳолисининг қарийб тўртдан бир қисми уйда кўмир, саксовул ёки ғўзапоя ёқади. Тўғри, бугун газ электр қуввати ҳосил қилаётибди, мартен печларида пўлат ва чўян эритаётибди. Лекин у кўпроқ хонадонларни иситгани, аҳолининг жонига ора киргани маъқул. Партия XXVI съездининг халқ фаровонлигини ошириш соҳасидаги йўналишлари — бош мақсади бу фикрни исботламайдими?

КПСС XXVI съезди томонидан қабул қилинган «СССРнинг иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари»да: «Табиий газ слишни жадал ривожлантириш программаларини амалга ошириш энг муҳим вазифа деб ҳисоблансин... Тармоқни янада жадал ривожлантириш учун шароит яратилсин», дейилган.

Бу сатрлар мағзини қақиш мақсадида ёқилгандан фойдаланиш тарихига бир назар ташлалики: ўтин — нефть — газ — атом ва ядро қуввати. Эндликда одам асосий ёқилғи сифатида газдан фойдаланмоқда, дейиш мумкин. Беш йиллик планда яна: «Табиий газни комплекс қайта ишлаб, ундан этан, олтингургурт ва бошқа йўлдош компонентлар ажратиб оладиган қувватлар кўпайтирилсин. Газ конденсати чиқариш оширилсин, ундан янада тўла-тўқис фойдаланилсин», деб таъкидлангани бежиз эмас.

Шўртан газни фақат ёқилиғини эмас, ундан олтингургурт, этан, бутан, пропан, шунингдек, барча хусусиятлари бўйича бензинга жуда яқин ҳисобланадиган газ конденсати олинади; чорва моллари ҳамда паррандалар учун гоят муҳим озуқа бўлган оқсил моддаси тайёрланади.

Шўртан бош қурилмасининг қуввати ва имкониятлари ана шундай.

Келажаги порлоқ бу коннинг жуда кўп қудуқлари энди ишга туширилади. Бу ерда йилига 12 миллиард кубметр газ тозалайдиган улкан газ ва кимё комплекси қуриб битказилади. Яқин келажакда газ олиш 16 миллиард кубметрга етади. Яъни газ олиш ва ҳайдашга тайёрлаш бош қурилмасининг қуввати яна тўрт баробар ортади. Шундай қилиб, Шўртан кони мамлакатдаги энг катта газ конларидан бирига айланади.

Шўртанда XXVI съезд очиладиган кунга қадар умумий қуввати 4 миллион кубметр газ берадиган бир қанча газ қудуқлари фойдаланишга топширилди.

Бу улкан муваффақиятлар асосини бутун комплекс меҳнат аҳлининг шижоати, ташаббускорлиги, қаҳрамонлиги ташкил этади. Шўртан — Сирдарё трассаси қурилиши ижодий меҳнатнинг ёрқин мисоли сифатида тарихга кирди.

Газ қувурлари занглашининг олдини олиш технологияси яратилди. Бу жаҳон фани ва амалиётида янгилик бўлди. Газнинг олтингургуртдан тозаланмай, тўғридан-тўғри ҳайдалиши натижасида иш муддатидан бир неча йил илгари битди. Завод эса бемапол қурилаверди. Газ қувури вақтли ишга туширилди. Сирдарё ГРЭСи Шўртан газига уланди. ГРЭСда ҳар йили ёқиладиган 1 миллион тонна қорамойдан бошқа соҳаларда фойдаланиш имконияти туғилди. Оренбург, Тюмень, Сибирдан қорамой ташийдиган юзлаб темир йўл составлари бўшади. Хуллас, бу янгилик келтираётган фойдани аниқ ҳисоблаш учун электрон ҳисоблаш машинаси керак.

Сирдарё ГРЭСига Шўртан газни етиб келиши натижасида янги қувватлар ишга туширилди. Газ улаши арафасида 10-энергия блоки фойдаланишга топширилди. Шўртан газига — ишончли ёқилғи манбаига эга бўлгач, Сирдарё ГРЭСи Урта Осиёдаги энг катта ва энг кучли иссиқлик электр станциясига айланди.

...Кўёш ботаётган пайтда Сирдарё ГРЭСини кўрганмисиз? Шу вақтда Урта Осиёнинг энг катта электр станциясининг Илчи чироқлари порлайди. Офтоб «Ўзбекистон кўёши» деб ном олган Сирдарё ГРЭСига навбат беради.

Ирисмат АБДУХОЛИҚОВ

Бибисора ТУРОБОВА

## Наврўз сайли

Гумбазларнинг жилосидан қамашар кўзлар,  
Қизлар, бунда бахт ҳақида гурун қиламиз.  
Сўнг, оҳиста шўх кулгудан қолдириб излар,  
Афросиёб қасри сари кўтариламиз.  
Баланд супа теграсида давра кенгаяр,  
Шўх Сиёбга тўлқин солар биз айтган кўшиқ.  
Қояларга, далаларга кўшиқ сеп ёяр,  
Ошиқларга гул отамиз меҳр, шеър кўшиб.  
Соғинтириб-соғинтириб юз очди кўклам,  
Қўлга олиб, кўзга суртиб, ўпдик кўкатни.

Атлас кийиб, баргак тақиб йўл тўссак там-там,  
Алл йигитлар ҳуши оғиб тўхтатар отни...  
От жилови, дил қалови бизларда эмиш,  
Рашклисини танладим мен, шуниси азиз.  
Уни кутиб, пинҳон тутиб, ўтиб кетди қиш,  
Гул наврўзга чирой бўлар, эрта тўйимиз.  
Гурур тўла юрагимни қўлга олган у,  
У туфайли — гул, кўкатга дилдан ўчлигим.  
У бор экан узоқларга ёйилган кулгум,  
Афросиёб! Севги шунча ўктам, кучлими?..

\* \* \*

Кўнглимдаги кўкламлар  
Чечак очмоқда бугун.  
Атрофимда бўстонлар  
Ифор сочмоқда бугун.  
Фақат сизни куйласин  
Ҳаёт эҳсони — қалам.  
Фақат сизни ўйласин  
Бу кўнгли, билмай алам.  
Гул баҳорга сўқланиб,  
Меҳрим ортади сизга.

Иқбол чорлар чўғланиб,  
Нелар тутмоқчи бизга?  
Ҳаёт мураккаб эмиш,  
Кўклам ҳавоси мисол.  
Сизда бўлгач ақлу ҳуш,  
Қора сочларим тол-тол —  
Мажнунтолга қарайман,  
Яшиланар эгилиб.  
Еллардан шеър  
сўрайман,

Олчазорга термулиб.  
Жуфт қанот-ла учайлик,  
Кузатганлар яйрасин.  
Мушуқларни ечайлик,  
Ҳеч бўлмасин қаро кун.  
Баҳорда кўкарган ишк,  
Завол кўрмайди, бегим.  
Ҳамроҳи бўлгач кўшиқ,  
Яшин урмайди, бегим...  
Хатирчи

Замира РҲЗИЕВА

\* \* \*

Суюк бойчечакнинг изидан  
Ҳувиллаган боғлар соғинчи бўлиб  
Туғилди маъсум куртаклар.  
Минг айланади юзу кўзидан  
Гўдагини қучган онадай кулиб  
Қуёш қучар нурга йўргаклаб.  
Табассум тўплайди ғунчалар,  
Ифор хаёллари саралайди ранг.  
Йўқотган кўшиғин топиб анҳорлар,  
Майсаларни сергак тортирар оҳанг.  
Ялпиз кулгуларини кўксига жойлаб,  
Бодомзор оралаб қайтган шамоллар  
Бир майин.  
Тушида оқ, ҳарир либослар кийиб  
Энтикиб уйғонган қизнинг тонг саҳар  
Сурган ойдин-ойдин ўйлари каби  
Бир ширин.  
Ютасан чанқоғинг қонмай,  
Шунда беихтиёр, олов кўксингга —  
Сизмаган кичкина жонингни  
Кўкламнинг табаррук пойига  
Бахш этгинг келади қизғонмай.

Андижон

Ойгул СУЮНДИКОВА

\* \* \*

Тонг отар, қуёшга кўзини тикиб,  
Юрак титраётир оҳанглар ютиб.  
Яшагим келади, ота, энтикиб,  
Сиз босган изларга меҳримни битиб.  
Қанча истасам ҳам, қанча кўмсасам,  
Болалик иложсиз қолди қайтгани.  
Худди шундай сизга отажонингиз,  
Умрим етмас барча сўзим айтгани.

\* \* \*

Саратон кезади оловлар тўкиб,  
Нигоҳларим ютар қуёш рангини.  
Саратон ҳам севар, тинглар энтикиб  
Ўзбекистон деган ном жарангини.  
Оташдан яралган бағрини очиб  
Қучоқлаб олади далаларини.

Москва

Мени деб, биласиз — нимадир қайғу,  
Сочингиз оқарди менинг ғамим еб.  
Йиқилсам, дедингиз: «Менинг болам шу,  
Мендан бошқа кимни чорлар отам деб?..»  
Атайман мен сизни умримдан азиз  
Ва орзумдан улуг, яшайсиз дилда.  
Бахтлиман, сиз менга хушнуд боққан кез  
Гар тупроқ бўлсам сиз босган йўлда...

Ҳар бир чаноғига бормоқда сочиб  
Меҳнат кўшигини, ялаларини.  
Саратоннинг неки титроқларига,  
Оҳ, менинг юрагим ўхшаб кетади.  
Саратон ҳам ўтли нигоҳларига  
Ўзбекистон деган кўшиқ битади.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Ўзбекистон Компартияси  
Марказий Комитетининг  
ойлик ижтимоий-сиёсий,  
адабий-бадний журнали



№ 3 (373)

Март

1981

Журнал 1925 йилдан  
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти

**К**ОЛХОЗ ИДОРАСИ олдидаги хиёбон гавжум — игна ташласанг — ерга тушмайди. Бу ерда посёлка кўчалари бўйлаб дружина байроғини баланд кўтарганча горн ва барабан садолари остида саф тортган пионерлар, жонажон колхозларининг илк пойдеворини қўйишда иштирок этган, унинг гуллаб-яшнаши учун умр бўйи тер тўккан оқсоқоллар, эндиликда областда донг таратган бу илғор хўжалик шўхратини яна ҳам ошириб, шонли меҳнат анъанасини қизғин давом эттираётган ёш-яланглар тўпланган. Йигилишдан мақсад — умрининг ўттиз йилдан ошиқроқ қисмини ана шу машхур коллектив ҳаёти билан чамбарчас боғлаган адиб, колхознинг фахрий аъзоси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Назир Сафаровнинг 75 йиллик тўйини нишонлаш. Назир ака бу ерга яқин ва қадрдон дўстлари билан қувончини баҳам кўриш учун келган.

Очиғини айтганда, колхоз Назир аканинг ўз уйи бўлиб қолган. Бу ерга илк марта бундан ўттиз йил муқаддам келган эди. Колхознинг ҳар қарич ери, боғ-роғи, паст-баланди, одамлари унга беш қўлдай таниш. Хўжаликнинг ҳар бир ютуғини ўз ютуғи деб билади. Унинг бугунги қиёфаси, камолотида Назир аканинг гоҳ бевосита, гоҳ билвосита ҳиссаси бор. Ўзи бўлмаса ҳам сўзи билан ёрдам берган. Шунинг учун ҳам колхоз аҳли ундан миннатдор.

Назир ака қувонч ва ҳаяжондан лов-лов ёнаётган юзлаб чехраларга мамнун нигоҳ ташлайди, бу чехралар унга таниш, қадрдон. Ана, Эрка Нурхонова. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони. Назир ака бу қаҳрамон аёлни ёшлигидан билади. Ушоқ кўрингани билан тоғни урса талқон қиладиганлардан. Кечагидек эсида, Эрка кўксига олтин Юлдуз медалини тақиб келганида Назир ака шу ерда эди. Ушанда бу жасур жувоннинг



Каттақўрғон районидаги Крупская номли колхозда хотин-қизлардан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг кўллаб моҳир усталари етишиб чиқди. Суратда (чапдан): Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари Шаҳри Раҳматова, колхоз раисаси Мукаррама Мирзаева, Раҳима Исломова ва Эрка Нурхонова.

## ОДАМЛАР ТАҚДИРИ—

меҳнатдаги ғалабаларидан бутун колхоз аҳли билан баб-баравар қувонган. Олтин Юлдуз тақиб келган Шаҳри Раҳматовани ҳам, Раҳима Исломовани ҳам Назир ака чин юракдан табриклаган.

Хув, ана икки қадрдон дугона, доимий мусобақадош бригадирлар—Хайринисо Муродова билан Зулайҳо Ҳамидова: кўкракларига орденларини тақиб, савлат тўкиб ўтиришибди. Аломат жувонлар! Назир ака уларни танибдики, хўжаликда пешқадамликни қўлдан беришмайди. Колхоз бўйича энг юқори ҳосил ана шу икки толмас жувон бошлиқ бригадаларда кўтарилади. Мукаррама Мирзаева! Ишбилармон, ўқимишли, тажрибали пахтакор. Шу илғор хўжаликнинг рўзгор бошиси. Тиришқоқ, ҳаракатчан раҳбар. Ҳар соҳада билимдон. Замондан орқада қолмасликка, давр билан ҳамқадам бўлишга ҳаракат қилади. Негаки, дастлаб педагогика техникумини битириб, ишни муаллимликдан бошлаган Мукаррама ҳаёт тақозоси билан Тошкент Давлат университетининг тарих факультетини тугатди, кейин эса Самарқанд Қишлоқ хўжалик институтининг агрономия факультетига ўқишга кирди. Ҳозир бешинчи курсда ўқимоқда. Бундан бир неча йил аввал қишлоқ Совети раисаси эди, энди эса колхоз раҳбари. У беш фарзанднинг онаси. Колхоз — коллектив рўзгор. Рўзгорда ҳамма нарса бут бўлиши керак. Оила — ўзингники, шахсий. Колхозда бўлса... одамлар ҳар хил. Ҳаммасининг кўнглини топиш, феъл-атвориға қараб муомала қилиш лозим. Ёши, билим савияси, табиати, тушунчаси, қобилияти, муомаласи ҳар хил одамларнинг кўнглига йўл топиш, уларга ҳамдард, ҳамдам бўлиш осон



Колхознинг Хайринисо Муродова ва Зулайҳо Ҳамидова бошлиқ мусобақадош бригадалари аъзолари КПСС XXVI съезди тарихий қарорларидан руҳланиб, ўз зиммаларига оширилган мажбурият олдилар.

ЗАМОНДОШЛАРИМИЗ



Дугоналар. «Қирқиз» бригадасининг илғор аъзолари Гулнора Маҳмудова ва Фароғат Турсунова.

эмас. Бу борада у собиқ раиса, моҳир ташкилотчи, устози Раҳима Исломовадан жуда кўп фазилатларни ўрганди. Ҳозир ҳам бирор масалада оқсағудек бўлса, дарҳол Раҳима опага мурожаат қилади, унинг маслаҳатини эшитади.

Раҳима бўлса, бир неча йилдирки оғир дард билан олишмоқда. Хўжаликнинг камолоти, келажаги деб, ўзини ўтга ҳам, сувга ҳам урди. Уни областдаги энг илғор колхозлардан бирига айлантирди...

Назир ака Раҳима Исмова билан илк танишган кунларини, 50-йилларнинг бошларини эслаб кетди. Ушанда «Қизил Ўзбекистон» газетасини ўқий туриб, ўзаро текшириш бригадасининг ҳисоботида кўзи тушиб қолди. Унда ҳамма раҳбарлик ишларини нуқул хотин-қизлар бажараётган колхоз ютуқлари газетада юқори баҳоланган эди. Хотин-қизлар колхозини Назир акада уни бориб кўриш, республикада ягона бўлган бу колхоз ҳаётини ўрганиш ва ибратли ташаббусни оммалаштириш истаги туғилди. Бу истак уни Катта-қўрғон районидаги Крупская номли колхозга олиб келди. Уни колхоз раисаси Раҳима Исмова кутиб олди.

— Хотин-қизлар колхозини билан танишишни нимадан бошламоқчисиз?— деб сўраган эди ўшанда Раҳима Исмова.

— Гап бундай,— деган эди Назир ака,— сиз режадаги ишларингизни қилаверинг. Ёнингизда менинг борлигимни унутинг.

Исмова қаерга бормасин, одамлар уни мамнуният билан кутиб олар, у билан худди ўз ораси ёки синглисидек муомала қилар эдилар. Уша кунни қарийб бутун колхозни айланиб чиқдилар. Исмова механизаторлар, сувчилар, чопиқчилар билан гаплашди, ҳар бирига алоҳида топшириқлар берди, кимнидир қойиди, кимнидир мақтади. Айни тушлик пайти улар чекка бригадалардан бирининг дала шийпонига етиб келдилар.

## МЕНИНГ ТАҚДИРИМДА



«Қирқиз» бригадаси аъзолари ишдан сўнг маданий ҳордиқ чиқармоқдалар.

А. ЖДАНОВ фотолари

— Мана шу ерда жиндак ҳордиқ чиқариб, концерт кўрамай,— деди раиса.

— Концерт?!— Назир ака қулоғига ишонмади.— Ахир биз келишиб олган эдик-ку?..

— Сўзим— сўз!— деди раиса кулиб.— Буни атайлаб мен учун уюштирибди, деб ўйламанг. Узимизда бадиий ҳаваскорлик тўғараги бор. Ҳар кунни навбат билан бир бригада аъзоларига хизмат кўрсатади. Бугун маданий ҳордиқ чиқариш навбати мана шу бригаданики. Нима, тушлик пайти одамлар ашула эшитиб, рақс томоша қилишса ёмонми? Одамларнинг қайфияти кўтаришса— руҳи бардам, иши унумли бўлади.

Чиндан ҳам концерт вақтида Назир ака колхозчиларга раэм солиб ўтираркан, буни яна ҳам чуқурроқ ҳис этди.

Назир ака ўшанда колхоздан катта таассурот билан қайтди. Айниқса бир нарса уни ҳайратга солган эди. Колхозда лўлилар бригадаси бор экан. Ёшлигидан республиканинг қарийб ҳамма томонларида бўлишга улгурган, газета-журналларда ишлаб катта тажриба орттирган Назир ака учун бу— кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеа эди.

— Шу гап чинми?— деб ишонқирамай сўради ёзувчи.

— Чин!— деди Исмова.— Ахир, кимдир, қачондир уларни меҳнатга жалб этиши керак-ку? Ахир, улар ҳам ҳаётнинг ташвишини, қувончини, тер тўкиб топилган ноннинг лаззатини тотиб кўришлари керак-да. Қачонгача бу ишни кейинга ташлаб келамиз. Лекин уларни қандай қилиб ўтроқ ҳаётга ўргатиш мумкин? Кўчманчилик, фолбинлик асрлар бўйи уларнинг қон-қонига сингиб кетган. Узоқ, машаққатли суҳбатлар, уқтириш, ташвиқот билан уларнинг турмуш тарзини ўзгартиришга муваффақ бўлди. Деҳқончиликка сал раъй берганларига ер, уй-жой ажратдик, тегишли шарафот яратдик. Аммо улар янги ҳаётга осонликча кўникмадилар. Дастлаб, бутун бригада шаҳарга— жума бозорига жўнаб қолар эди. Қандай қилиб уларни бу йўлдан қайтериб керак?

## Аёл

Оловнинг қизғиш чўғи  
Аёлнинг юрагидан.  
Қушнинг толмас қаноти  
Аёлнинг тилагидан.

Юлдузлар равшанлиги —  
Аёл юзининг нури.  
Йўлларнинг ойдинлиги —  
Аёл кўзининг нури.

Қалбин поклигидандир  
Осмоннинг тиниқлиги.  
Аёлнинг ўйларидан  
Тонглариинг илиқлиги.

У отган гулдастадир  
Осмондаги камалак.  
У сочган олтин-зардир  
Гуллардаги капалак.

Аёл сочин тарай деб,  
Тонгда чиқади қуёш.

Аёл болиши, деб ой —  
Оқ булутга қўяр бош.

Ҳар уйга файз бахш  
этган,  
Аёлнинг ширин сўзи.  
Удир яшаш қувончи,  
Удир ҳаётнинг ўзи.

### Ҳамроқул РИЗО

Сирдарё

Бошим қотди. Уйлаб-уйлаб, улар билан мажлис ўтказишга қарор қилдим. Айтадиган ҳамма гапларимни пишитиб олдим. Уша кун машина бузилиб қолиб, лўлилар бригадасига яёв бордим. Қарасам, концерт авжида. Ким чилдирма чалган, ким рубоб, ким ғижжак... Лўли қизлар, йигитлар шох ташлаб ўйнапти. Неча кун ўйлаб топган гапларим ҳаёлимдан учди-кетди. Шунда ҳаёлимга ялт этиб бир фикр келди. Шошма, дедим. Сизларга ўйин қанақа бўлишини бир кўрсатиб қўяй, дедимда, йўргалаб рақсга тушиб кетдим. Жума бозор кунни шаҳарда фол очиб юрганларини кўрган эдим, улар ҳам мени кўришган; афтидан, бутун бригадага менинг келишдан мақсадим аён эди. Улар ҳам, чамаси, менга айтадиган гапларини ўйлаб қўйишган. Лекин ҳозирги ҳаракатимдан уларнинг чеҳралари ёришди. Ўзим ўйин тушяпман-у, зимдан ҳар бирини кузатаман. Куй тингач, қий-чув кўтариб олқишлашди. Ҳар қалай, бўлажак суҳбат учун баҳона топилди. Очил бобо деган, ёши юздан ошган бир улғуи бор эди. Шу одам «баракалла, қизим!», деб елкамга қоқди. Лўлилар учун Очил бобонинг гапи-гап, сўзи-сўз... «Энди борақол, қизим, худо хайрингни берсин, — деди у менга. — Биз ўзимиз келишиб оламиз. Сенинг кўнглингдаги иш бўлади. Уялтирмаймиз!» — Кейин нима бўлди? — деди Назир ака. — Очил бобо сўзининг устидан чиқди.

...Бора-бора бу колхоз Назир ака учун қадрдон бўлиб қолди. Мана, ҳозир яна бир воқеа эсига тушди.

Сув тошқини анчадан бери қутилар, гидрологлар қудратли дарё тошқини рўй берадиган тахминий муддатни, унинг тахминий миқдосини ҳам олдиндан айтишган эди. Аммо тошқин қутилгандан кўра кучлироқ, фалокат анча даҳшатлироқ бўлди. Назир ака Самарқанд областида рўй берган бу фалокатни радиодан эшитди. Радио хабарига қараганда, Каттақўрғон райони ҳаммадан кўпроқ зиён кўрган, демек унинг қадрдон колхозчи ҳам... Адиб ўша кунгидея охириги рейс билан Каттақўрғонга учди.

Колхоз раисаси Раҳима Исломова билан ёнма-ён юриб, тошқин вайрон қилган хонадонларни узоқ айланди. Қишлоқлардан бири батамом вайрон бўлган, ундан фақат харобагина қолган эди. Одамлар, мол-мулк, йирки-майда чорва вақтида қутқазилган, хавфсиз жойга қўчирилган.

Зудлик билан чақирилган умумий йиғилишда ҳашар уюштиришга қарор қилдилар. Мол-мулкдан, уй-жойидан ажралган колхозчиларга ҳукумат ёрдам қўлини чўзади. Аммо, бугун биринчи галдаги вазифа — ҳашар! Биринчи бўлиб ёзувчи Назир Сафаров ва унинг қаҳрамони, машҳур колхознинг машҳур раҳбари Раҳима Исломова қўлларига кетмон олдилар. Уларнинг сафига ҳўжаликнинг энг фаол аъзолари — Шаҳри Раҳматова, Эрка Нурхонова, Муродилла Холов, Пўлат Баҳриев, Хайринисо Муродова ва Зулайхо Ҳамидова келиб қўшилдилар... Бутун колхоз аҳли бир ёқадан бош чиқарди...

Табиий офат гарчи қишлоққа катта бахтсизлик олиб келган бўлса ҳам, ҳеч ким умидсизликка тушмади, аксинча, бирин-кетин пайдо бўлаётган қурилиш майдончаларидан қувноқ ҳазил-қузул, шўх кулги ва қўшиқ садолари эшитилар эди. Янги қишлоқни одамлар ҳар жиҳатдан соз, қулай ва гўзал қилиб қуришга интилар эдилар.

...Айрим иштирокчилар назарида чўпон Қудрат Маҳмудов «бўлмағур таклиф» билан чиққан мажлис ҳам Назир аканинг худди кечагидек ёдида. Мажлис аҳлидан адирларни ўзлаштириш учун бир гуруҳ кўнглиларини юборишни илтимос қилгани — майли, лекин у биринчи йилиёқ гектаридан 30 центнердан пахта беришни ваъда қилди. Пахтачиликнинг пирлари ҳам бунчалик катта кетмайди! Бу — чўпон одам, пахтанинг оғир меҳнатини билмайди, шекилли...

Сўзга чиққан ҳамқишлоқларидан шунга ўхшаш гап-сўзларни эшитган Маҳмудов яна минбарга кўтарилди.

— Назир ака, — деди у Сафаровга мурожаат қилиб, — сиз гувоҳсиз, булар менга ишонимаяя-

ти. Лекин сўзимнинг устидан чиқаман. Фақат менга одам, техника керак. Жўжани кузда санаймиз, 30 центнер дедимми — 30 центнер! Яна ишонмайсизларми? Исбот керакми? Бўпти, эшитинглар, имкониятимнинг фақат биттасини айтаман: чўпонликда ғамлаб қўйган қўй қийидан фойдаланаман. Кунимизга ярашини билганман-да — асраб қўйганман. Баъзиларга таклиф қилсам, мендан кулишди...

Дарҳақиқат, Улуғ Октябрь байрами арафасида Назир ака Қудрат Маҳмудовдан бригадаси аъзолари сўзлари устидан чиққанлари, янги ўзлаштирилган адирдан биринчи йилиёқ 30 ўрнига 33 центнердан ҳосил кўтарганлари ҳақида телеграмма олди...

Колхоз идораси олдидаги майдонча байрам тусида. Ҳамма ёзувчи Назир Сафаровни қутлуғ 75 ёши билан муборакбод қилмоқда. Ҳэяжонли, илиқ сўзлар, самимий тилаклар... Минбарда колхоз раисаси Мукаррама Мирзаева... Назир ака бу қадрдон аёлнинг сўзларига қулоқ осаркан, хаёл уни яна ўша адир билан боғлиқ бир воқеага олиб кетди.

Каттақўрғон шаҳри мамлакатимиздаги, республикамиздаги бошқа шаҳарлар сингари кун сайин, ой сайин ҳам энига, ҳам бўйига ўсмоқда. Аҳолиси кўпаймоқда, саноати кенгаймоқда. Давримизга хос урбанизация жараёнини тўхтатиш мумкин эмас. Крупская номидаги колхоз эса шаҳарнинг шундоқ биқинида, шаҳарнинг янги-янги маҳаллалари унга тобора тақалиб келмоқда. Натижада ҳосилдор экин майдонлари қўлдан чиқиб кетаётди. Нима қилиш керак? Шу «объектив сабаблар»ни рўқач қилиб, пахта, мева ва сабзавот, умуман, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари планини камайтириш керакми? Йўқ, бу ҳақда гап ҳам бўлиши мумкин эмас! Негаки, шаҳарлар ўсгани сари қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларига талаб ҳам ошади.

Йўл битта: кенг миқёсда адирга ҳужум! Лекин суғориш масаласи нима бўлади? Ерни ўзлаштириш ҳеч гап эмас. Норпой ариғи адирдан унча узоқ эмас-у, бироқ сув тепаликка ўзи оқиб чиқмайди-да. Демак, насос станцияси қуриш керак. Қувурлар, битта эмас, бир неча сув чиқариш машиналари лозим... Хўш, бу дов-дастгоҳларни қаердан топиш мумкин? Район, область ташкилотлари билан мунозаралар, тортишувлардан иш чиқмади, жавоблар бир хил: «Адирни ўзлаштириш жуда муҳим, долзарб иш. Агар қўлимиздан келса, бажонидил ёрдам берардик. Лекин биласизлар, қувур фақат лимит бўйича берилади, бу камёб нарса...»

Бироқ одам иродасига бўйсундирилган ҳар қарчи адир — олтиндан ҳам ортиқ. Бугун ҳувиллаб ётган бу ерлар — эртаги пахтазор, боғ-роғлар, узумзорлар, серунум полизлар. Бу, ахир, халқ бойлиги. Мана, Қудрат Маҳмудов, қойил қилиб ишботлади-ку! Мукаррама Мирзаева бошлиқ колхоз раҳбарлари бу масалани бир неча бор муҳокама қилдилар. Охириги «мажлис» Раҳима Исломованинг уйида бўлди.

— Тошкентга боришга тўғри келади, — деди Раҳима опа.

— Назир акагами?

— Бошқа илож йўқ. Назир ака колхозимиз аъзоси, ўз масъулиятини доим ибратли бажариб келган. Ишонманки, бу гал ҳам кўмагини аямас, — деди Исломова ўрниндан туриб ўтиришга уриниб. — Мукаррама, ўзининг боришинга тўғри келади. Ёнингга бир-иккита ёрдамчи ол. Анз, Хайринисо, Зулайхо, Шаҳри... Кўллашиб боринглар. Агар ҳеч иложи бўлмаса, Назир ака билан маслаҳатлашиб, Марказий Комитетга боринглар. Лекин қувурсиз қайтманглар.

Назир аканинг чеҳрасига табассум ёйилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Шароф Рашидович Рашидов ҳузуридан «хотин-қиз раҳбарлар делегацияси» ниҳоятда хурсанд бўлиб чиқди. Колхоз ҳаводай зарур бўлган қувурларни олди... Орадан кўп ўтмай, колхознинг жонқуяр активлари Назир ака билан биргаликда бўлажак насос станцияси

пойдеворига биринчи ғиштни қўйдилар. Кўп йил бўлди, шунга қарамай, Назир ака насос станциясининг илк ишга туширилган кунни, адирни янатиш учун ҳовлиқиб, пишқириб йўлбарсдай отилгунча улкан ариқ ичида югурган биринчи, сувни, одамларнинг бахтиёр чеҳраларини, худди ҳозир кўриб тургандек, яхши эслайди.

Мана эндиликда, колхозда 75 нәсос қурилмаси ишлаб турибди. Сувсиз адирдан ҳозиргача 400 гектардан ортиқроқ ер юлиб олинди. Колхоз раҳбарларининг ғайрат-шижоати, одамларнинг юрагидеяги ўт, билагидеяги куч туфайли, аҳиллик, яқдиллик, хуллас, коллектив меҳнат туфайли шунча майдон экинзорга айланди — инсон манфаати учун хизмат қила бошлади. Ҳўжалик бўйича ўртача ҳосилдорлик 40—45 центнерга чиқди. Янги тасарруфга кирган Чағаноқ адирлари — ҳўжалик аҳлининг рўзғорига барака олиб келди. Унинг беш йилликнинг яқунловчи йилида Крупская номидаги колхоз областда биринчи бўлиб маррага етди...

Назир аканинг хаёли бўлинди. Кўзи минбарда гапирётган қизга тушди. Ким бўлди бу қиз? Таниш. Бу ўша чўпоннинг қизини-ку. Оти нима эди? Санобар. Ҳа, ҳа, Қудрат Маҳмудовнинг қизи. Бир келганида Раҳима гапириб берган. Олов қизи. «Қирқ қиз»нинг бригадири-да. Отасининг издоши...

Санобар Леонид Ильич Брежневнинг «Қўриқ» асарини мутулаа қилиб бўлдию ўйлаб қолди. Хаёлида ажойиб фикр ярқ этди. Кейин дугонларининг кўнглига қўл солиб кўрди. Фикри ҳаммага маъқул бўлди. Гапни бир жойга қўйишди. Аммо колхоз раҳбарларига учрашишдан олдин Раҳима Исломовага маслаҳат сўраб боришди. Раҳима опа қизларнинг ташаббусини олқишлади. Дарҳақиқат, марҳум чўпон Қудрат Маҳмудов бошлаган хайрли ишни давом эттириш, қизлар бригадаси ташкил қилиб, адирни ўзлаштириш фикри Раҳима опани севинтириб юборган эди. «Қирқ қиз!» Бригада номини ҳам жуда топиб қўйишган.

Колхоз правлениеси, партия ташкилоти, комсомол комитети, шахсан раиса Мукаррама Мирзаевага қизлар ташаббуси жуда маъқул тушди, дарҳол қўллаб-қувватладилар. Икки-уч кун ичида бригада аъзоларининг рўйхати 39 кишига етди. Аммо бригада исмига муносиб бўлиши лозим. Қирқинчи қилиб кимни рўйхатга тиркаш керак? Шунда колхоз раисаси Мукаррама Мирзаева:

— Қирқинчи қилиб мени ёзинглар, — деди ҳеч қандай ҳазилсиз. — Иложи борича сизларни уялтирмайликка ҳаракат қиламан.

Санобар бошлиқ қизлар раисанинг илтимосини қерсақлар билан қабул қилишди.

— Мукаррама опа, — деди Санобар дугоналарига кўз қисиб. — Бизда яхши ишладан ташқари, қўшиқ айта билиш, ўйинга туша олиш, дутор чалишни ҳам билиш керак. Бригадамизнинг номини «Қирқ қиз» деб бежиз қўймаганмиз. Биз ҳам бригада, ҳам ансамблмиз...

— Буёғини раисадан яширган экансизлар-да, — деди Мирзаева ҳазиллашиб. — Бўпти, кемага тушганининг жони бир. Қани, мени қўшиқчиликка оласизларми, раққосаликка, ёки созандаликками? — Мукаррама опа шундай деб қўлларини кўтариб, ўйинга тушиб кетди...

Назир ака бу қадрдон колхоз ҳаёти билан боғлиқ лавҳаларни бир-бир кўз ўнгидан ўтказар экан, ўзининг ёзувчилик ва журналистлик тақдирдан миннатдор эди.

Ҳаёт қучоғидан бўлажак китоблар саҳифаларига ўтиб яшайдиган одамлар ва улар ҳақида китоб ёзадиган адиблар ҳаётнинг турли-туман йўлларида, сўқмоқларида учрашадилар. Бундай учрашув уларни гоҳо бир умрга дўстлаштиради. Негаки, улар бир заминда яшайдилар, шу азиз тупроққа буюк муҳаббат қўядилар, хайрли ишлар, яхши одамлар учун уларнинг қалблари ҳамиша очик. Эзгу ниятлар, инсоний меҳр масофалар оша одамлар тақдирини бир-бирига боғлайди. Натижада, одамлар тақдири сенинг тақдирингга айланади...

Назир ака ўзини олқишлаётган қадрдон одамларга назар ташлар экан, ана шу ўйларни хаёлидан кечирар эди.

Юрий КОВАЛЁВ

Ёндаги бетда: 1. Тошкентдаги «Малика» Трикотаж фирмасининг илгор ишчи қизлари. 2. Гулистон районидаги ВЛКСМ 50 йиллиги номилик фабрикасининг меҳнат зарбдори, УзССР Олий Советининг депутати Дилбар Пардаева. 3. Мамлакатимиз ва республикамизнинг олий медицина ўқув юрларида билим олиб, Янгийўл шаҳар Болалар шифохонасида ёш авлодни парваришлайётган медицина ходимлари.

Б. МИЗРОХИН фотолари





# АҲДИ БОРНИНГ БАХТИ БОР

**М** АҲҚАМХОН далага отланаркан қўшни райондаги бригадир Адолат Носированинг катта бир йиғилишда айтган гапи эсига тушиб, яна ҳаяжонланди. Адолатхоннинг область кишлоқ хўжалик ходимлари кенгаши минбаридан айтган шу сўзлари қулоқлари остида янграгандек бўлди: «Съезд йили айниқса биз пахтакорлар учун масъулиятли... Мен бу йил ёшлар билан эмас, тажрибалироқ деҳқон Маҳкамхон Ҳазратқулова билан мусобақалашмоқчиман».

Уйлаб қараса, ишлаб чиқаришда Адолатхондан орқада қолаётгани йўқ. Илгари икковлари ҳам Нишон райони хўжаликларига меҳнат қилар эдилар. Адолатхон янги ердаги Чўли Бегимқулов номидаги совхозда, ўзи эса ҳозиргидек эски Карл Маркс номли совхозда бригадир эдилар. Терим бошланиши билан қизил қарвонда ҳам тенгма-тенг қатнашиб, баравар олқиш олардилар. Пахта тайёрлаш планини ҳам бир кунда бажарар эдилар. Ҳосилдорликда ҳам бирор йил йўқки, 50—55 центнердан пастга тушган бўлса. Урталаарида фарқ шуки, Адолатхон икки йилдан бери бошқа хўжаликда — Таллимаржон районидаги янги «Коммунист» совхозига бригадир. Ери қў-

риқ, суви мўл, техникаси етарли. Лекин Маҳкамхон Адолатхонга қараганда тажрибалироқ. 1972 йилдан бери пахтачилик бригадасига бошчилик қилади. Туғилиб ўсан Қовчин қишлоғининг етти яшаридан етмиш яшаригача билганидек, ўн бир йилдан бери деҳқончилик қилаётган кадрдон даласининг бутун сир-асрори унга беш қўлдек аён. Чигитни қачон экишдан тортиб, ғўзани озиқлантириш, чеканка бошланадиган кун — ҳаммаси соат-минутигача ён дафтарчасига қайд этилган. Йил бўйи ҳисоб билан иш тутиб, режа билан иш юритади. Лекин Адолатхон бир жиҳатдан устун: олий маълумотли агроном. Қўлида Тошкент Қишлоқ хўжалик институтининг иқтисод-агрономия факультетини тамомлагани ҳақида дипломи бор. Маҳкамхон эса ўрта маълумотли. 1958 йил қишлоғидаги мактабни тамомлагандан буён колхозда. Дастлабки йиллари онаси Новотхоннинг ёнига кириб пахта терди. Айни баҳорда она-бола колхозда икки қутилаб пилла уруғи олиб, қурт боқди. Ёз чилласи бошланиб, ғўза «Сув, сув!», деб ҳансираганда тажрибали сувчилар ёнида енг шимариб, эгатларга сув таради. Мана, ўн бир йилдан бери эса бригадир, ҳар йили 150 гектар майдонда деҳқончилик қилади. Йил бўйи дала кезиб, деҳқончиликда кўзи пишди. Кейинги йили

эса бригадаси шу майдондан қарийб 1000 тонна пахта ҳосили етиштирди. Республикамиз пахтакорлари уйган 6 миллион 230 минг тонналик олтин чўққида бригадасининг ҳам муносиби ҳиссаси бор.

Маҳкамхон ширин хаёллар оғушида далага етиб келганини ҳам сезмай қолди. Пешанасига оғиб тушган дуррасини ўнг қўли билан сал тепага суриб қўйди-да, кафтини пешанасига тутиб узоққа тикилди.

Уфққача туташиб кетган поёнсиз дала. У меҳнат қилаётган биргина Карл Маркс номли совхоз ҳар йили 1 минг 800 гектар ерга пахта экади. Бундан ташқари анчагина майдонда сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштирилади. Бу ерларга қўшни 6- ва 10-совхозларнинг экин майдонлари туташиб кетган. Ҳар бирининг 2—3 минг гектардан сўғориладиган ерлари бор. Кечаги яйдоқ Қарши чўлида янги-янги совхозлар, районлар ва шаҳар бунёд этилмоқда. Бу улкан ишларнинг ҳаммаси инсон қудрати билан, Адолат, Мастура, Тўлғаной, Шарофат сингари ўтирак чўлқуварлар ҳамкасбларининг ғайрати билан амалга ошмоқда. Қарши зонасидаги районларнинг табиати нозик, қишда ҳам, баҳорда ҳам ёгингарчилик кам бўлади. Деҳқон қишда ҳам тупроқда нам тўплаш ҳақида қайғуриши керак.

— Маҳкамхон, бунча узоққа тикилиб қолдингиз? Қўшнилариимизнинг янги ерларига ҳавас қиляпсиз шекилли,— деди сувчи Мели ота Жўраев бригадирнинг ёнига келиб.

— Э-э, отахон, ассалому алайкум. Чарчамадингизми? Хаёл билан сизни пайқамабман ҳам,— деди Маҳкамхон.

— Даламизнинг меҳригиёси зўр-да, ҳар кун келиб-кетасиз, қизим,— деди Мели ота пушта четига чўккаларкан.

— Гапингиз тўғри,— дея сўзида давом этди бригадир,— Таллимаржон районидаги «Коммунист» совхози ерларининг тупроғи ҳам бизга қўшни 6-совхознинг ҳув анави майдонлариникидай...— дея Маҳкамхон узоққа тикилганча боши билан ўша томонга ишора қилди.

## ОНАЛИК ДОСТОНИ

Болалик кунларимда.  
Уйқусиз тунларимда.  
Кўп эртақ эшитгандим.  
Сўйлаб берарди бувим...

Шоирнинг бу мисраларини ўқирканмиз, донишманд буви, зийрак, қизиқувчан неварани кўз ўнгимизга келади. Буви ва неварани... Бувилар невараларни гўзаллик оламига, қаҳрамонлик оламига биринчи бўлиб бошлаб кирадилар. Мен табаррук онахонлардан бири — Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов районидаги «Қизил Ўзбекистон» маҳалласида истиқомат қиладиган Хожар буви Комилова билан учрашганимда, шу ҳақда ўйлайман. Дилкаш сўхбатларидан завқ оламан. Чечанлигим, одамжонлигим, истараси иссиқлигим, нимасидир онамга, барча оналарга жуда ўхшайди. «Беш фарзандни бўйига гул ўлчаб ўстириб, тарбиялаб, ўқитиб, сафга қўшган, ҳали келиним, ҳали қизим, ҳали куёвимнинг ақиқаси, йиғин-ясоғи деб югур-югурдан оғринмаган бу меҳнаткаш онага

табиатнинг қайси мўъжизаси бу қадар жўшқин меҳрни ато қилди экан?» Хожар бувининг кенжа келини Масъудахоннинг ҳикоясини тинглаб, шу саволимга жавоб излайман.

— Эрталаб турсам, онам кўринмайдилар,— дейди Масъудахон.— Раъно эса уйғонадию бувисининг хонасига қараб югуради. «Ассалому алайкум, бувижон», дейди. Бувисини тополмай, мени сўроққа тутди. «Онажонимиз Умида билан Шоирани кўргани кетганлар», дейман. «Хозир келадиларми?», деб яна бетоқат бўлади Раъно...

Бу пайтда эса Хожар буви невараларини суйиб-эркалатиб, ўғли Муҳиддиннинг илмий ишларини суриштираётган, келини Моҳирахондан айланиб-ўргилаётган бўлади.

— Онажон, сиз келсангиз уйимиз чарақлаб кетади. Яна бирпас ўтирақолинг!— деб илтимос қилади келини.

— Айланай болам, адангиз парҳездалар. Раъно уйда қолади. Ҳам-

маларингиз ҳам юрагимнинг тўрида-сизлар, яна икки кун ўтар-ўтмас: «Соғиндим!», деб келавераман.

Она соғинчи! Унинг баҳосига ҳеч қайси хазинанинг ганжи етмайди. Эртаси кун она яна кўтариниб тўнғич қизи Маъфиратхонниқига йўл олади.

Икки ёнда қўш бешик.  
Бешикми бу — зар қўш.  
Оналик бошга тушиб,  
Айтганим алла-қўшиқ!  
Қўш бешикнинг ўртаси —  
Бувисининг ўрдаси!  
Қўлга олиб севғудай  
Бешикдаги серкаси!—

деб ўтирибсанми, болам!— дейди она қизини қучиб.

— Яхши ҳам келдингиз, онажон! Кечадан бери чеварангиз Нодиржон хархаша қиляпти.

— Наргиза қалай?— деб сўрайди она кўзларида меҳр, хавотир аралаш.

— Бинойдай! Бир чиройли қулади-я, онажон! Невара ширин бўларкан-да!

Чеварасини кўриб, онанинг кўнгли ўсади. Ичида: «Минг шукур!», деб қўяди.

Она уйга қайтади. Кўнглида ҳамшира қизи Мушаррафнинг, инженер қизи Муқаддаснинг соғинчи. Кенжа ўғли Шарофиддин қачон ишдан қайтар экан? «Кўпроқ шу боламини ўйлайман. Иши оғирроқ. Кун бўйи такиси ҳайдайди. Омон бўлсин, эл дуосини олсин?»

Онанинг иссиқ ўрнидан қачон тур-

гани, ўрнига қачон кирганини ҳеч ким кўрган эмас. Мана, эртага набираси Хайрулла келади. «Озгина сомса ёпиб қўяй,— деб ўйлайди Хожар буви.— Қизим иш билан бўлиб, тансиқ таомга қўли тегмайди...»

Хонадон соҳиби Фахриддин ота Йўлдошев дарвозани эрта тонгданок лағ очиб қўяди. «Оламининг янги кун, яхши одамлари, уйимиз тўрига маърама!» дегандек бўлади. Хожар буви уни дастурхонга таклиф қилади. Отахон хонтахта бурчагида турган қалин китобга меҳр билан назар ташлайди. Қизи муҳаррирлик қилган бу китобнинг илк саҳифасига: «Табаррук отахоним ва ойижонимга! Фарзандингиз меҳнати самарасидан кичик бир тўхфа. Қизингиз Маъфират», деб дастхат ёзилган.

Бетимсол тўхфа! Фарзанд меҳнати элу халққа манзур бўлса, ота-она беҳад қувонади. Ҳамма фарзандлари олий маълумотли, баркамол кишилар бўлиб етишган бу оиланинг суянган тоғи Хожар буви Комилованинг меҳнатида ўзбек аёлининг, табаррук онанинг гўзал умр достонини ўқигандай бўламан. Унинг меҳнати— меҳри. Фарзандлар, неваралар эса уни эъозлаб, бошларига кўтардилар, бу билан онанинг меҳрига меҳр қўшадилар. Улар севинчлари, муваффақиятлари билан онани сўядилар. Хожар буви ўзига оналикнинг мукамал бахтини бағишлаган бугунги фаровон кунлардан, умуман ярқирок толедан мингдан-минг рози.

Ойдин ҲОЖИЕВА

Ёндаги бетда: 1. Самарқанддаги 2-мактабнинг тил ва адабиёт ўқитувчиси Хосият Мусаева ва математика ўқитувчиси Рўзигул Содиқова — маориф аълочилари. 2. Нишон районидаги Карл Маркс номли совхознинг илгор бригада бошлиғи Маҳкамхон Ҳазратқулова онаси Новот биби билан. (Шу бетдаги «Аҳди борнинг бахти бор» очеркни ўқинг.) 3. Тошкентдаги Марказий поликлиниканинг бош врач Жумагул Расулий халқ соғлигини сақлаш йўлида чинакам ғайрат ва маҳорат кўрсатмоқда. Қурбон Дорабоев ва Шариф Давлатов каби меҳнат ва уруш ветеранлари у бош бўлган коллективнинг ғамхўрлигидан миннатдор. 4. Тошкентлик мухтарам онахон Хожар буви Комилова. (Шу бетдаги «Оналик достони» очеркни ўқинг.)

Б. МИЗРОХИН ва А. ЖДАНОВ фотолари

— Мақсадингизни тушундим, қизим. Мусобақадомининг имкониятини чамалаб кўряпман, денг. Биламан, шартлашгансизлар. Кўнглингиз хотиржам бўлсин. Бу йил ҳам бўш келмаймиз. Сочимиз гўзага сув тараб оқарди,— деди Мели ота секин ўрнидан тураркан.

— Раҳмат, отахон. Жалил билан Эгамбердининг суғоришидан кўз-қулоқ бўлиб турасиз-да. Ҳар ҳолда улар сизга қараганда тажрибасизроқ,— дея Маҳкамхон отахон билан ёнма-ён олдинга юрди.

Уша кун у пайкалларни бирма-бир ёқалаб, ҳар бир картага сувнинг қуйилишини кўрди, пушталарнинг мустақамлигини текширди. Бундан беш кун олдин суғорилган этакдаги картанинг тупроғи селгиб, тобга келган эди. Даладан қайтишда яна Мели ота Жўраев билан маслаҳатлашди:

— Қиш қурғоқ келяпти. Баъзи карталаримизга яхоб сувини икки мартадан бермасак бўлмайди шекилли, отахон?—

— Мен ҳам худди шу ниятдаман,— деди Мели ота бригадирнинг гапини маъқуллаб.

Маҳкамхон даладан қайтаётиб йўл-йўлакай механизатор Рўзибой Эшонқуловнинг уйига кирди:

— Этакдаги картамызга эртагаёқ мола бостиринг. Яна нами буғланиб кетмасин,— деб унга вазифа топширди.

...Маҳкамхон энди тўрға ўтиб чўзилган ҳам эдики, ташқаридан ойисининг овози эшитилди:—

— Тавба, одамлар ҳам гапга роса тўн кийдиришади-да. Сизнинг қизингиз эмас, ҳукуматимизнинг қизи, дейишади-я!

Новвот ойи остонада ўзича қотиб-қотиб куларди.

— Ойи, уйга кириб нима гаплигини бизларга ҳам айтинг. Қўшилиб кулишайлик,— деди Маҳкамхон ўрнидан туриб эшик томон юраркан.

— Фалакнинг гардиши билан бугун кўни-қўшнларга қўшилиб Фазли қишлоғига она тўйига борган эдим,— дея гап бошлади ойиси.— Кўпдан кўришолмаган танишларим билан учрашдим. Мени танимаганлари: «Ким бўласиз?» деб суриштиришди. Бригадир Маҳкамхон Ҳазратқулованинг ойиси бўламан, десам ҳаммалари сенинг таърифини қилиб кетишди. Депутатлигинг даврида Қовчинга туғруқхона қурдирганинг ҳам, Фазлида янги мактаб солдирганинг, қишлоғимизга сув

келтирганинг— ҳамма-ҳаммаси қолмади. Барини бирма-бир эслашиб сендан роса миннатдор бўлишди.

Кечки овқат устидаги суҳбат 7-синфда ўқиётган Хуморнинг истиқболига келиб тақалди:

— Неварам, ҳадемай мактабни тугатасан. Кейин қандай ўқишга кирмоқчисан?— деб сўради бувиси кўз қири билан зимдан Хуморни кузатаркан.

— Қайдам? Ойим биладилар-да,— деди Хумор онасига жилмайиб юзланаркан.

— Яхшиси, Адолатхон опанга ўхшаб қишлоқ хўжалик институтига кир,— деди вазмин Маҳкамхон.— Ҳозир Адолат опанга ҳаммининг ҳаваси келади. ЎзССР Олий Советининг депутаты. Республикамызга довуғи кетган 60 центнерчи бригадир. Бунинг устига Қарши чўлимизининг истиқболини кўриб турибсан. Ҳар йили янги-янги совхозлар ташкил бўляпти. Қолаверса, Адолатхонга ўхшаган олий маълумотли агроном бригадирлар билан мусобақалашганимызда билиминг билан кўмаклашасан менга.

— Эҳ-ҳе, сиз билганни бизлар билгунча ҳали...— деди Хумор дастурхон попуғини қўли билан охира ўйнаб.

— Интилганга толе ёр, дейдилар қизим. Ажаб эмас, ойингизга ўхшаб...— Новвотхон ая шундай дея неварасига яши тилак билдирди.

Маҳкамхон кейинги гал Адолатхон билан Қаршида, область партия конференциясида учрашди. Улар бир-бирларини Ўзбекистон Компартиясининг XX съездига делегат қилиб сайланганлиги билан табриклади.

— Съезддан қайтгач, албатта, бригадаларимизда бўлиб, маслаҳатлашиб турайлик,— деди Маҳкамхон Адолатхоннинг қўлини секин қисиб.

— Бўлмаса-чи, опажон. Мусобақадомиз. Бир-биримизнинг бригадамизда тез-тез бўлиб туришимиз, маслаҳатлашимиз лозим. Ҳали сиздан кўп нарсаларни ўрганишимиз керак. Ахир, ҳаммага ҳам сизга ўхшаб республикамыз Олий Советига икки марта депутат бўлиб сайланиш, кўксига Ленин ордени ва Октябрь революцияси ордени тақиб бахти насиб қилавермайди. Мана, ҳозир ҳам область Советининг депутатисиз,— деди Адолатхон Маҳкамхоннинг қўш-қўш орденига ҳавас билан тикилиб.

Шомурод СИДДИҚОВ

\* \* \*

Боғларни олманинг ислари тутар,  
Олмаларнинг ранги қуоқ қирмизи.  
Боғлар тепасидан қиялаб ўтар,  
Осмоннинг чиройли ёруғ юлдузи.  
Дарё титраб борар ойини қучиб,  
Шивирлашиб қолар йўлда майсалар.  
Сирга тўла туннинг сеҳрига тушиб,  
Кузак гуллари ҳам ухлалмай қолар.  
Сукунат сени ҳам аста уйғотар,  
Юзларингни силар маъсум ойдинлик.  
Гўё тўлин ой ҳам кўксингда ётар,  
Хаёлга ботасан— чексиздир жимлик.  
Ёниқ кўзларингдан маънолар ўқиб,  
Юлдузлар учади бир деб тўрт тараф.  
Меҳр ва соғинчин пойинга тўкиб,  
Замин нур узатар сенга қафтма-қафт.  
Боғларни олманинг атри тутуди...

\* \* \*

Тоғнинг орқасида ястаниб ётар,  
Этаги чаманли яшил Фарғона.  
Қуёш энтикканча кўксига ботар,  
Ҳовлига сиғмайди шу тобда онам.  
Дуркун қиз келади шу он кўчадан,  
Болаликда айтган қўшиғим айтиб.  
Онам пичирлайди шодумон шу дам:  
«Дилбарнинг ёшлиги келдими

қайтиб?»

Онам ва қизимнинг соғинчларини,  
Кўтариб келганман тоғ орқасидан.  
Кўксимга босганча севинчларимни,  
Онамнинг изидан соғинч излайман.  
Хаёлларим баланд тоғ орқасида...

\* \* \*

Кумуш рельсни босиб келади поезд,  
Босиб кетолмайди ҳаяжонимни.  
Очиқ ойналардан кўз ташлайман тез,  
Соғинчларим излар онажонимни.

Соғинчимга уриб олгач ўзини,  
Ўзига келолмай поезд тўхтади.  
Она кучар мени—эрка қизини,  
Бошим ҳам, дунё ҳам айланганга ўхшайди.  
Дилбар ҲАЙДАРОВА

Тошкент

## ЕР БАҒРИДА БАҲОРНИ АРДОҚЛАЙДИ...

Ҳалима тандирдан нон узаётганида кўкдаги оппоқ булутлар нарибери таралиб қуёш чарақлади. Саватдаги иссиқ ширмоёга опмурут новдасидан тушган томчи жиз этдию буғланиб кетди. Тандир тафтидан бўғриққан Ҳалима эса хиёл жилмайганча ҳамон нон узарди. Сават тўла нонни кўтариб ичкари кирганида барвақт туриб, идорага кетган Музаффар ака келиб қолди. Уйда хушбўй нон иси анқир, плитка устида шўрва милдираб қайнар эди. Бу файзли манзара хонадон бошлигининг кўнглини чоғ қилиб юборди:

— Ҳорманг аяси! Далангизни соғинмадингизми? Нонни нонвойхонадан олиб келсак ҳам бўларди-ку.

— Саҳарда туриб хамир қорувдим. Жиззалик нонга нима етсин!.. Болалар сўйиб ейди... Энди бугундан яна далага чиқмасак бўлмайди.

— Ҳай...  
Ҳадемай болалар ҳам мактабдан келишади. Уй ичи шовқинга тўлади. Жиззалик нондан ейишади...

Кеча куну билан ёғингарчилик бўлди. Ҳалима қизчалари Шаҳло билан Шохидага атаб жажжи кўйлақлар тикди. Уларга китоб ўқиб берди. Шухрат, Нодира шеър ёдлашган экан, оналик бахтидан қувониб тинглади.

Бугунги манзара бутунлай бошқача. Ҳалима ҳовлига чиқиб, узоқ-узоқларга тикилди. Чарақлаган офтобда адирлардан кўтарилаётган оппоқ ҳовур баралла кўриниб турар, гўё ҳаммаёқ уйқудан уйғонаётгандек эди. Ҳовли устидан бир гала қушлар учиб ўтди. Қандай завқли онлар! Дилингда беғубор орзулар туғилади. Қиш бўлса ҳам чароғон офтоб

кўзларни қамаштиради! Ажаб, табиат ерни неча хил ранга бўяйди-я! Баҳорда ҳаммаёқ кўм-кўк. Уфққа туташ далаларда яшнаб ётган гўзалар чиройи, ялпиз ҳиди, қушлар нағмаси, илиқ шабада—булар ҳаммаси қўшиққа ўхшайди, одамга тўғнамас гайрат бағишлайди.

Ёз фаслининг алоҳида файзи бор. Қуёш ҳар куну далаларга саҳий нурларини сочади. Гўза авжга киради. Бир ёқдан озиқлантириш, бир ёқдан суғориш. Бегона ўт, ҳашаротга қарши кураш... Ҳалима бошлиқ бригада аъзолари ҳам қуёшдек тинимсиз, қуёшдек қизгин меҳнат қиладилар. Туш пайтлари салқин дала шийпонида, мева-чева мўл дастурхон атрофида қўшиқ, гурун.

Куз келганда олтин ранглр оқ ранглрга қўшилиб кетади. Гуриллаб пахта шимираётган «зангори кема»лар шиддати, иккинчи томонда бир-бирдан ўзиб бораётган теримчи қизлар кўлиси...

Ҳалима уларни кўриб қизлардек яшаради, эгат оралаб пахта тергиси келади. У ҳам вақтида хўп терган. ВЛКСМ Марказий Комитетининг Фаҳрий ёрлиғи билан мукофотланган. Кейин унга бригадирлик вазифаси топширилди. Катта коллективга бошчилик қилиш, қирқ-эллик кишини қизгин меҳнатга сафарбар этишнинг ўзи бир санъат. У ўтдек қақнаб турши, юрғини машъала қилиб, кўпчиликка йўл кўрсата билиши керак.

Ҳалима ўша йили ҳали ёш келинчақ эди. Бир-икки йилдаёқ ҳосилни 46 центнерга етказиб, Ленин ордени билан мукофотланди. 1966 йили ўз ташаббуси билан колхоздаги қоқоқ бригадага ўтди. У ерда ҳам ҳосил-

дорликни 32 центнердан 45 центнерга олиб чиқди. Икки йилдан сўнг яна бригадасини ўзгартирди ва 38 центнер ўрнига 55 центнердан пахта ҳосили кўтарди.

Энди у халқнинг самимий муҳаббатини қозонган эди. Уни СССР Олий Совети депутатлигига сайладилар. 1971 йили эса иккинчи марта Ленин ордени билан мукофотланди.

Ҳалиманинг ҳаёти сермазмун воқеаларга бой. Қаерда ишласа, хайрли из қолдиради. Экин майдонларининг ҳолатини яхшилади, ерга ер қўшди, шийпонлар қурдириб, нақ тўкис рўзгордек яшнатиб қўйди. Депутат сифатида инсонпарварлиги, кишиларнинг талаб ва эҳтиёжларига сезгирлиги, ишчан ва талабчанлиги билан ҳурмат топди. 1974 йили уни иккинчи марта СССР Олий Совети депутатлигига сайладилар. Халқ ишончи, ҳурмати, партия ва ҳукуматимиз гамхўрлиги уни яна янги парвозларга чорлади. Ҳалима Азимова йигирма йиллик бригадирлик фаолияти давомида олти марта қоқоқ бригадага ўтиб ишлади. Колхоз 1980 йили ҳар гектар майдондан 45 центнердан пахта топширди. Ҳалима Азимова бригадаси эса 55 центнерлик маррага етиб келди.

Қуёш чарақлаб турибди. Ер бағрида баҳорни ардоқлайди. Уйда нон ҳиди... Оилада Музаффар ака— Ҳалимахоҳнинг суяган тоғи ирригатор инженер сифатида фикрлари, маслаҳатлари билан ҳамиша ёрдам беради. Болаларни тарбиялашга кўмаклашади. Оби ҳаво инжиқликлари туфайли Ҳалиманинг ишлари юришмай қолган пайтларда унинг руҳини кўтаради.



Узоқ Сурхон воҳасининг Денов районидаги Собир Раҳимов номли колхозда энг таниқли пахтакор, энг ибратли коммунист Ҳалима Азимова десак, янглишмаймиз. Қорачадан келган, қадамлари тез, сўзлари мулсийим, кулиб турадиган бу хушрўй аёлни бутун колхоз ахли бошига кўтаргудек ҳурмат қилади. Кўплар ундан маслаҳат олгани ҳузурига келади.

Дарахларнинг бўртиб қолган новдалари салқин шабадада тебранади. Жануб тарафдан яна бир гала қушлар учиб ўтди. Ҳалима опа баҳорга ошиқади. Меҳнат билан «оқ олтин» хирмонлари яратиш, Ватанимиз шухратига шухрат қўшиш нияти дилида туғён уради.

Санъат МАҲМУДОВА

# Т Ў Ғ О Н

## Қисса

...Тонг-сахар, йўллар камқатнов. Даврон Қобилов машинанинг орқа ўриндиғида кўзларини юмганча хаёлга берилиб кетмоқда. «Волга» кийикдек учади. Магнитофондан дилрабо куй таралади. Раҳимжон куй оҳангига жүр бўлиб аста хиргойи қилади. Қобилов ўз йўлари, изтироблари билан банд, қулоғига шофёрининг хиргойиси ҳам, тонг шамолларида ипақдек учаётган шўх оҳанглар ҳам кирмайди. Хаёлини ҳозир тўғон чулғаб олган. Айлиниб ҳам, ўргилиб ҳам шунини ўйлайди. Дунёда инженерман деб ўзига астойдил ишониб юрган инсон борки, дилидаги ардоқли орзусини рўёбга чиқариш учун имкон излайди. Билимини, иқтидорини кўрсатгиси, улкан қурилиш майдонларида кучини синая кўргиси келади. Қобилов ана шу хилдаги инженерлардан эди. Кейинги пайтда унинг эзгу армони ушалишига бир баҳона топилди. Бу — тўғон қурилиши эди. Даврон Қобилов шу тўғонни илк муҳаббатдай, эҳтирос билан ёниб, юраги орзиқиб эслайди. У тўғон қурилиши деб жонини тикди. Ғайрат-шижоатини аямади, ҳаловатдан воз кечди. Мана шу тўғон туфайли қанча дўст орттирди, қанча душман. Тўғон унга не-не севинчли дақиқалар бахш этди, қанча-қанча ташвишу дилсиёҳликлар олиб келди. Бу қурилиш Қобиловнинг шусиз ҳам безовта ҳаётини нечоғли алғов-далғов қилмасин, у тўғонни ички бир қаноат, миннатдорлик билан ёдга олади. Аввало, тўғон трестдагилар учун маҳорат мактаби вазифасини ўтади. Унда янги ва дадил тадқиқотлар олиб борилди, тажрибалар, синовлар ўтказилди. Тўғон юксалган сарфи Қобилов ҳам, унинг ёрдамчиларини инженер-ходимлар ҳам этилиб, пишиб бордилар. Аслини олганда-ку Даврон Қобиловнинг бу қадар обрў-эйтиборга эга бўлиб, номи эл оғзига тушиши ҳам мана шу тўғон қурилиши туфайли эди. Ана шунинг учун Қобилов Заркент тўғонидан мингданминг рози.

...Машина йўлнинг танобини тортиб, физиллаб учади. Магнитофондан тонг насимидек ҳузурбахш куй таралади. Қобилов спидометрга қаради: 120. Лекин Раҳимжоннинг бакуват панжалари рулга ёпишиб турибди. Даврон Қобилов яна кўзини юмиб, хаёл дарёсига шўнғиди. Яна Заркентни эслади. У ерда Саломатни кўрган эди. Саломат... Қанча йил ўтди, қанча сувлар оқиб кетди. Кутилмаганда у лоп этиб яна рўпарасидан чиқиб турибди. Бир вақтлар Саломат қандай эдики!.. Қандай эди-я!..

У пайтлар Даврон тўрттинчи курсда ўқирди. Ёзги таътилдан беш-олти кун илгарироқ қайтди. Аввало, ёз бўйи уйда юравериб ўртоқларини соғиниб қолган эди. Иккиламчи, ётоқхонадан тузукроқ жой эгаллаб, кутубхонадан керакли китобларни ғамлаб олмоқчи эди. Ҳамма ишлари битди, кўнгли жойига тушди. Кечки пайт. Даврон пастга тушди. Қаёққа боришни билмай, ўйлиниб туриб қолди. Бир пайт ҳовли этагида, ён эшик олдида чамадон кўтарган қиз кўринди. У юкиннинг оғирлигидан чап ёнига қийшайганча келарди. Даврон қизга кўл силкидию тўрт сакраб унга яқинлашди. Қиз хипчабел, нозиккина эди. Хижсаломуз кулимсираб, тийрак кўзлари Давронга жавдираб боқар-

ди. Даврон табиатан тортинчоқроқ. Лекин шўхлиги тутиб, тили бийрон бўлиб кетди:

— О, гўзаллар гўзали, беш йил заҳмат чеккани муқаддас даргоҳимизга хуш келибсиз!

Қиз киприкларини пирпиратиб майингина жилмайди. Давроннинг кўнглида офтоб чиққандек бўлди. У Саломатнинг юкларини даст кўтардию йўрғалаб кетди.

Саломат Қозоғистоннинг олис бир шаҳридан экан. Даврон уни ўз хоналарига олиб чиқди. Болалар уйларида қайтмагани учун хона ҳали бўм-бўш, уч сим каравот шумшайиб турар, эски стуллар айқаш-уйқаш эди. Дераза ёнидаги Давроннинг каравотигина ораста, чиройли қилиб тузатилган. Даврон: «Йўлдан очиқиб келгандирсиз, мен сизга пазандалик ҳунаримни бир намойиш қилай», дедию шошиб чиқиб кетди. Саломат хонага разм солди. Ҳар бир каравот тепасига биттадан ҳазил сурат ёпиштирилган, деворларда кулгили плакатлар, мутоибали сўзлар, қочриқлар. Эшикка осилган шўхчан эълонни ўқиб Саломат хандон отиб юборди: «Маликаи беозорлар диққатига! Шу нарсани бағоят афсус ва надомат ила маълум қиламанки, Комил Муртазове ўқишга жиндай кечикиброқ келади. Илтимос, кўз ёш тўкилмасин, киприкларингизга раҳмингиз келгай. Ич-этингизни еб, ўзингизни фироқ ўтида ўртаманг. «К. Муртазовеининг уйлангани ёлғон эмиш», деган гаплар қип-қизил рост!»

Даврон ошхонадан жаз-биз қилиб келганда Саломат ҳамон кулгисини тиёлмай ўтирарди.

— Шуларнинг барини... ўзингиз тўқидингизми?— дея у Давронга ҳавасланиб боқди.

— Ҳа,— деди йигит столга газета ёзиб, қафти билан текисларкан.— Эрталабдан кайфим чоғ эди. Ҳадеб шўхлик қилгим келавэрдди. Энди билсам, бу сизнинг шарофатингизга экан. Болаларга бир эрмак бўлсин, деб расмларини чизиб, олиб чиқдим. Қани, камтарин дастурхонимизга марҳамат, Саломатхон. Катта зиёфатга қарздормиз.

Саломат қимтинибгина столга яқинлашди.

— Яхши чизаркансиз расмни,— деди ҳамон деворларга аланглаб.— Чиройли чиқибди.

— Раҳмат. Расм — жон-дилим. Лекин бари бир техникани яхши кўраман. Бўлмаса, рассомликка кирардим.

— Менга айниқса ҳазилларингиз ёқди. Ҳув, анави йигит сочини артистларга ўхшатиб ҳафсала билан тараб олибди. Бўйнидаги капалакнуска галстужи ҳам ўзига ярашибди. Қизлар илтижо билан унга талпиниб туришибди... Ёқимтой йигит экан...

— Бу — Комил деган дўстимиз. Ростдан ҳам жуда ёқимтой йигит. Бечорага қизлар кун беришмайди. Ҳали кўрасиз, ўзи келсин, бу ер зиёратгоҳга айланиб кетади. «Комил борми?», деб қизлар. Минут ўтмай мўралайверади. Каравотини атай эшикка яқин қўйганмиз. Кечаси мушукдай секингина биқиниб кирадю мана бунақа қилиб,— дея Даврон дўстининг ўғринча қилиғини кўрсатди,— таппа ташлайди.

Саломат қотиб-қотиб қулди. Дав-

рон унинг қуралай кўзларига боқди-да, қизганганнамо шивирлади:

— Эҳтиёт бўлинг-а, тагин сизиям юрагингиздан урмасин...

Саломат Давроннинг гапини ҳазилга йўйиб қўяқолди.

Меҳмон қиз алламаҳалда чиқиб кетди. Уша кун Даврон тонг отгунча мижжа қоқмади.

Саломат билан Давроннинг муносабатлари дўстликдан ҳам қуюқлашиб кетди. Улар энди бир-бирларини кўрмасалар туролмайдиган бўлиб қолдилар. Бу орада Даврон севган қизини отасига ҳам кўрсатди. Қобил ака шофёр бўлиб ишлар, эҳтиёт қисмлар олгани тез-тез Намангандан Тошкентга келиб турар эди. Саломат Қобил акага ҳам ёқди: «Одобли, очиқкўнгли, куйди-пишдигина экан, барака топсин», деди ота.

Даврон институтни битиргач, Қозоғистонга ишга жўнади. Лекин юрагининг бир бўлаги Тошкентда қолгандай эди. У муттасил Саломатнинг хаёли билан яшар, тез-тез хатлашиб турар, телефонда бир бор кўнғироқдек овозини эшитса, неча кунгача сархуш бўлиб юрар эди. Даврон орзиқиб ёзни кутар, ёзда отпускага чиқса, тўй қилиб, Саломат билан ширин висол онларининг лаззатини суришни ўйлаб энтикар эди. Бироқ... кутилмаганда ошга пашша тушди. Биринчи май кун у курсдоши Жамолдан телеграмма олди. Даврон бир varaқ оқ қозони чанглаб, серрайиб қолди. Саломат эрга тегибди! Кимга денг? Комилга! Ишонган ҳамхонаси Комил Муртазове «Дўстим, дўстим», деб юриб Давроннинг оғзидагини илиб кетибди! Яқин кишидан ҳеч қачон хиёнат кўрмаган Даврон гарангсиз, ўзини йўқотиб қўйди...

Даврон Қозоғистонда уч йил ишлади. Отпускага ҳам чиқмади, уйига ҳам боролмади. Йигирма беш ёшида уни бошқармага бошлиқ қилиб кўтардилар. Ишлари яхши эди. Келажакдан ҳам кўнгли тўқ. Агар бирон кор-ҳол ўз бермаса, Қозоғистонда бутунлай қолиш нияти ҳам йўқ эмасди. Эҳтимол, шимолий зоналарда бошланган янги қурилишларга ўтиб кетармиди...

Аммо кутилмаганда Намангандан ота-онаси қидириб келдию Давроннинг режалари ўзгарди. Қобил акаку ўзини бир қадар тутиб турди, аммо онаси Зулфи хола дарҳол йиғлаб-сиқташга тушди:

— Жон болам, шунча йил ўз ихтиёрингга қўйиб бердим. Қайда ўқийман десанг — ўқидинг, қайга бораман десанг — бординг. Эсли бола деб раъйингга қарадим. Энди биз қариб-чуриб, ёшимиз бир жойга етганда ҳайю ҳайт деб етти қирдан нарига кетиб қолганинг қандай бўлди, а, онанг ўргилсин?! Худога шукур, гулдеккина уйинг бор, жойинг бор, иш ўлгур бўлса ўзимзининг Наманганда ҳам ошиб-тошиб ётибди. Қўни-қўшнинг бетига қарай олмай қолдим-ку. Ҳой, Зулфиниса, Давронингизни қачон уйлантирасиз? Ё ими-жимиди ишини битириб олганми?», деб учирик қилишади. Юр, уйга кетайлик, онанг ўргилсин. Узим паридай бир қиз топиб қўйганман. Борган заҳотинг тўйни бошлаймиз. Ёш эмассан, йигирма олтига чиқдинг. Сен тенгилар бир-икки болали бўлди...

Хуллас, ота-онаси уни қўярда-қўй-


май Наманганга олиб кетди. Икки ойдан кейин Даврон ўша Мунавварга уйланди. Мунаввар Тошкент университетини битирган эди. Отаси Наманганда универмаг директори экан. Даврон учун қизининг отаси кимму ўзи ким — бари бир эди-ю, лекин, очиги, турмушлари қовушмади, ажралиб кетишди. Иккаласи бошқа-бошқа олам экан. Ҳозир Мунаввар Мавлонова раққоса. Раққоса бўлганда ҳам ўзини тўйдан-тўйга, базмдан-базмга урадиган отарчилардан. Бугун Қаршида бўлса, эртага Бухоро, индинига Андижон ё Фарғонада тўй-ҳашамни қизатади. Номин гоҳо афишларда ҳам куришиб қолади. Рангдор суратларини Даврон Қобилов шаҳар кўчаларида, тахта деворларда бир неча бор учратди. «Ушани ҳамон юзимга солишади-я!»— деб изтироб билан пичирлади Қобилов.— Унинг ўйинчилик шўхрати баъзиларни ҳақиқатдан чалғитиб юборди...

\* \* \*

Заркент тўғонининг овозаси Москвадаги мутасадди ташкилотларга ҳам етиб борган эди. Бир кун Қобиловга Иттифоқ министрлигидан телефон қилиб қолишди. Министр билан муносабатлари илгаридан яхши эди. Қобилов Қозоғистондан кетган, министр уни йўқотиб қўйган экан. Бир кун Тошкентдаги коллегияда тасодифан эски танишининг фамилиясини эшитиб қолди. Суриштирса, бу инженер йигит Қаршида, механизмлаштирилган кўчма колоннага бошлиқмиш. Министрнинг ташаббуси билан уни Тошкентга чақиртирдилар. Шу тариқа Даврон Қобилов ўттиз ёшида республикадаги йирик бир трестга раҳбар қилиб тайинланди. Бугун ўша эски ҳомийси — министр телефон қилаётган эди. У Қобиловдан швед фирмаси «Дююпак» жўнатган ускуналарни олган-олмаганини суриштирди, ёрдам таклиф қилди, суҳбат сўнгида «Қийналсанг, тортинмай айтавер, ёрдамимни аямайман», деб ваъда берди.

Бу бежиз эмас эди. Бўлажак тўғон қурилиши фақат республикада эмас, Иттифоқда ҳам катта аҳамиятга эга. Маълумки, сановатимиз учун йил сайин кўпроқ мис керак. Бу қимматбаҳо маъданни ишлаб чиқарадиган заводлар эса бармоқ билан санарли. Янгиларини қуриш давлат учун қимматга тушади. Ҳўш, эскиларидан унумли, рационал фойдаланса, уларни кенгайтирса бўлмайди? Ана шу ғоя Тошкент атрофида, Чотқол тоғлари этагида жойлашган Заркент Мис комбинати мисолида амалга ошириладиган бўлди. Мис комбинатининг иккинчи навбатини тиклашга қарор қилинди. Маълумки, бир тонна рудани ювиш учун камида уч тоннагача сув сарфланади. Оқова сув заҳарли бўлишидан ташқари, унда кўплаб фойдали маъданлар ҳам оқиб кетади. Демак, чиқинди сувларни бир ерга жамлайдиган улкан сунъий кўл барпо этиш лозим. Вақти келиб бу оқовадан яна қўшимча металл қолдиқларини олиш мумкин. Тинган сув эса далаларга оқаверади. Ана шундай иккиёқлама фойдани кўзлаб, Заркентда ўн тўрт километрлик тўғон бунёд этилмоқда, бу тўғон ҳалиги сунъий кўлга ҳалқа бўлиб хизмат қилиши керак эди.

Даврон Қобилов шаҳар партия



Расми Н. ИБРОХИМОВ чизган

комитетда ўтказилган йиғилишдан кейин комбинатга бурилди. У тўғонга алоқадор бирор лойиҳа-ҳужжат бўлса ола кетмоқчи эди. Комбинат қапитал қурилиш бўлими бошлиғи йўқ экан, ёшгина бир йигит:

— Кутубхонага тушинг, эҳтимол сизни қизиқтирган нарсалар ўша ерда бўлса,— дея йўлни кўрсатиб қўйди.

Кутубхона комбинатнинг ертўла қисмида жойлашган экан, Қобилов нимқоронғи зинапоядан туртина-суртина ойна-деразасиз, ўртамиёна хонага тушиб борди. Деворлар бўйлаб китоб жовонлари, чизма қоғозлар солинган сон-саноксиз қалин папкалар. Хона ёп-ёруғ. Рўпарадаги стол бўм-бўш, сал нарида, жавон олдида бир аёл тик турибди.

Аёл оёқ шарпасини эшитиб секин ўгирилди. Ранги қув оқарди. Қўлидаги қоғоз ерга тушиб кетди.

— Даврон...— деди ҳайрат ва қўрқув аралаш овозда. Бу Саломат эди.

Улар бир-бирларига тикилганча туриб қолдилар. Саломат тилга кирди:

— Бу ерни... қандай топиб келдингиз, Даврон?

Даврон ҳам бир ҳолатда эди. Етти ухлаб тушига кирмаган бу учрашувдан талмовсираб, тили гапга келмай қолди. Нима десин? «Сени излаб юрганам йўқ, бир иш билан тасодифан келиб қолдим», дейдими? У ростиин айтқолди.

— Мана бу... қоғоз билан келувдим,— деди ва Саломатга икки энлик хат узатди. Унда «ўртоқ Қобиловга ўзини қизиқтирган ҳужжатлар кўрсатилиши» илтимос қилинган эди. Саломат гумони нотўғри чиққанидан изза бўлди, лекин ўзини тез тутиб олди:

— Ертўлаларда чизма ахтариб юрадиган трест бошлиғини энди кўришим. Шунақаси ҳам бўларкан-да. Тавба. Ростини айтсам, Тошкентда Қобилов деган трест бошлиғи бормиш, деб эшитган эдим-у, сизми-бошқами аниғини билмасдим.

— Уша Қобилов мен бўламан. Саломат лов қизарди.

— Унда... узр, Даврон ака. Вой... ўтиринг.— У Қобиловга кресло сурди.— Вақтингиз бўлса бирпас дам олинг. Чой дамлаб бераман.

— Чой бўлса, майли,— деди Қоби-

лов ва креслога аста чўкди. Саломат чойдиш кўтариб ташқарига юрди. Қобилов галстугини бўшатди, ёп-ёруғ, озода хонага разм солиб, негадир ғамгин илжайди.

Саломат сув олиб кириб чой қўйди. Кейин кўларига ишонмагандек Қобиловга қарай-қарай унинг рўпарасига ўтирди.

— Қўришмаганимизга неча йил бўлди-я?— деди овози титраб.— Сизни шу ерда, зах ертўлада учратаман, деб сира ўйламаган эдим.

— Етти йил бўлди, Саломат,— деди Қобилов ҳорғин хўрсиниб,— роппа-роса етти йил бурун июль ойида Павлодарга ишга кетган эдим.

— Ҳаммаси эсингизда экан. Унутмасиз. Ҳа, айтмоқчи, дадангиз бардамилар? Негадир мен у кишини тез-тез эслаб тураман.

— Яхши юрибди. Ҳозир пенсияда. Невара боқиб ўтирибди. Отам ҳам сизни гоҳо-гоҳо гапириб қўяди.

Саломат индамай ерга қаради. Анча ўтирди. Чойдиш жигилладуи чой дамлаш баҳонасида тиззасига сўяниб ўрнидан турди.

— Нега бу ерда ишляяпсиз?— деди Қобилов ўртадаги ноқулай суқунатга барҳам беришга уриниб.

— Э, сўраманг, Даврон... Даврон Қобилович,— деб Саломат хўрсинди.— бунинг тарихи узун. Айтмай ҳам, куймай ҳам.

Бу аёлнинг бошига жуда кўп кўргиликлар тушганини Қобилов бир қарашдаёқ пайқаган эди. Ранг кўр— ҳол сўр, дейдилар. Оёғидаги ўкчаси қийшиқ туфлиси, ювилавериб гули айниган кўйлаги, паришон, маъюс боқишлари унинг ҳаёт гирдобларида озмунча сарсон бўлмаганини кўрсатиб турарди.

Саломат «Мендан сўраб нима қиласиз, ундан кўра ўзингиз гапиринг. Ҳар қалай, сизнинг кўрган-кечирганларингиз ибратли ҳам қизиқ бўлса керак», деб аввалига унамади. Бироқ Қобилов сўзи ерда қолмаслиғига ўрганган одамга хос қатъият билан талаб қилди:

— Гапиринг, Саломатхон, қулоғим сизда. Бир чеккасидан айтаверинг. Қобилов Саломатни сеҳрлаб қўйгандек эди. У қандай қилиб етти йиллик саргузаштини айта бошлаганини сезмай қолди.

— Хабарингиз борми-йўқми, институтни тугатолмадим. Комилга эрга-

шиб мана шу Заркентга келавердим. Ёшлар ётоқхонасидан бир хоналик жой беришди. Шунисига ҳам шукур, дедик. Секин-аста ўзимизни тиклаб олармиз, деб умид қилдим. Институтда ҳужжатларимни сиртки бўлимга топширдиму бекор юргунча деб, мана шу кутубхонага жойлашдим. Лекин куйдирганда Комил дўстингиз куйдирди. Курс ишларимни топширай, деб Тошкентга борган эдим, бир-икки кун қолиб кетдим. Қайтиб келсам, ётоқхонада ур-тўполон, жанжал.

— Нима, маст эдимиз?

— Йўқ-э, ичса майлиди-я. Мен йўғимда битта қўшнимизнинг хотини билан... Эри билиб қолиб... Хуллас, ётоқхонадан чиқиб кетдик...— Саломат кўз ёшини эртди.

Қобилов совуқ чойдан ҳўплаб, сўради:

— Кейин нима бўлди?

— Кейин... Бор-э, деб, ишни ҳам, саёқ дўстингизни ҳам ташлаб уйга, оймнинг олдига жўнаб қолмоқчи бўлдим. Иродам етмади. Бир ёқда Комил, ўламан олло, энди тавба қилдим, деб ялиниб туриб олди. Мен аҳмоқ уни эркак деб, сўзига ишонибман. Субути йўқ экан. Сал ўтмай яна саёқлигини бошлади. Кейин ичкиликка муккасидан кетди. Квартира-квартира кўч кўтариб юраве-риб тинкам қуриди. Биласиз, чизмачиликни яхши кўраман, шу жонимга ора кирди. Комбинатнинг қурилиш бошқармасига чизмачи бўлиб кирдим. Комилтўра бир тийин топмайди, топса ичади. Охир биров уни, бери кел, демай қўйди. Бўлмаса калласи ишлайди. Балодек инженер, биласиз. Бироқ одамнинг бурди бўлмас, қадрни бир чақа экан. Ҳозир кўр бўлиб ЖЭКда ишляпти. Ирригатор қайда-ю, ЖЭК қайда! Квартира беришди, шунисига қизиқиб, хўп дея қолдик. Ана шунақа гаплар, Даврон Қобилович... Дўстингиз хароб бўлди. Мени ҳам адои тамом қилди.

Қобилов қачонлардир бир оғиз сўзи билан ўзини шодмон этган дилдор Саломатнинг аянчли кечмишини ўйчан тинглади. Гоҳо уни гапдан тўхтатмоқчи бўлар, нимадир деб тасалли бермоқчи истар, сўнг «Майли, дардини тўкиб олсин, эҳтимол шунда бир оз енгил тортар», дея кўнглида Саломатга ён босар эди. Эски дўсти Комил билан Саломатни бу боши берк кўчадан халос этиш йўлини ахтарарди. Иттифоқо, унинг хаёлига ялт этиб бир фикр келди.

— Гап бундай, Саломатхон,— деди Қобилов, эътирозга ўрин қолдирмайдиган оҳангда,— биз Заркент Мис комбинатининг чиқинди сувларини тўплайдиган жуда катта ҳавза қуришимиз керак. Бу иш бир неча йилга мўлжалланган. Бизнинг трестга ҳозирча Заркентдан саккизта, Тошкентдан иккита квартира беришмоқчи. Мен Комил икковларингизни кўчириб олиб кетаман. Тўғон пойдеворини мунтазам текшириб турадиган лаборатория очамиз. Бу лабораторияда беш-олти киши ишлайди. Комил шуларга бошлиқ бўлади. Ўзим енчаден бери шундай бир инженер ахтариб юрган эдим. Комил бу вазифага ярайди. Хўш, сизнинг масалангизга келсак, ҳозирча трестда чизма-каш бўлиб ишлаб турасиз, кейин яна кўрармиз. Институтга тиклашни ҳам маслаҳатлашамиз. Дурустми?

— Даврон Қобилович, бизни деб овора-сарсон бўлиб юрасизми! Бусиз ҳам ишингиз бошингиздан ошиб ётгандир. Мен Комилга ишонмайман. У сизни уялтириб қўяди.

— Таваккал-да, Саломатхон,— деди Қобилов ўрнидан туриб.— Йигит иши таваккал. Ахир мен сизларни шу аҳволда ташлаб кетолмайман-ку? Менга бегона бўлсанглр экан... Бир институтнинг тупроғини ялаганмиз. Гап тамом. Энди Тошкентда кўришамиз.

Охири келгуси сонда

## Тадқиқот, кашфиёт, ахборот


**М**ЕҲНАТКАШ халқ манфатларига фидокорона хизмат қилишнинг ажойиб намунасини кўрсатган Ҳамза шахсиятида оташнафас шоир, моҳир драматург, серилҳом бастакор, толмас маърифатчи, жўшқин жамоат арбоби вояга етгани, бир жиҳатдан, фавқуллода ҳодиса бўлса, иккинчидан, социалистик ҳаёт тақозоси эди. Инқилобий воқелик учун давр хусусиятларини кенг оммага ихлос билан тушунтирадиган нотик, нозик дидли композитор, ўзи пьесалар ёзиб, сахнага кўядиган драматург, режиссёр, артист керак эди. Ана шундай кўп қиррали истеъдод, битмас-туганмас ғайратни Ҳамза шахсида Улуғ Октябр рўёбга чиқарди.

Ҳамзанинг архивида 1919 йил 9 апрель куни Тошкентдаги «Турон» театри биносига ўтказилган «Шарқ кечаси»нинг маромномаси сақланиб қолган. Унда: «Ушбу кечада ҳар хил миллий Шарқ куйлари айтулур ҳамда Ҳамза Ҳакимзода гарафиндан ёзилган... кичик асарлар ўйналуру...», дейилади. Кеча интернационал мазмунга эга бўлиб, унда французча увертюра, русча вальс ва куйлар ҳам ижро этилган. Кўпчилик декламациялар, шеърлар, бир пардали сахна асарлари Ҳамзаники бўлган. «Ҳой ишчилар», «Биз ишчимиз, меҳнатчимиз», «Ҳой, ҳой, отамиз», «Шундоқ қолурму?», «Уйғон, уйғонмоқ даври», «Ўзбек бобо», «Қармоқ», ва бошқа асарлар шулар жумласидандир. Кечанинг режиссёри ҳам, суфлери ҳам Ҳамзанинг ўзи бўлган.

Ҳамзанинг ҳар ишга юксак салоҳиятли шахс экани адабий жамоатчиликнинг эътиборини тортган эди. Адабиётшунос ва танқидчи Абдурахмон Саъдий инқилобдан кейинги йилларда ўзбек адабиёти эришган ютуқларни таҳлил қилган «Олти йил ичида ўзбек шеърий адабиёти» мақоласида («Туркистон» газетаси, 1924 йил, 21 июнь) Ҳамза тўғрисида қуйидагиларни ёзади: «Ҳамза Ҳакимзода инқилобдан кейин ўзбек ишчилари, меҳнаткашлари, мазлумлар қайғуси билан ёзган, синфий руҳдаги турли шеърлари, ашулалари билан ўзбек шеъри ва шеърий (бадий—М. Ю.) адабиётининг фаол омилларидан эканини очиб кўрсатди». Олим ўз фикрини далиллаш учун шоирнинг «Шундоқ қолурму?», «Биз ишчимиз» шеърларидан мисоллар келтиради ва бу «парчалар ҳақиқатан синфий қайғулар билан меҳнаткашлар эркини истаб тепгучи бир юракнинг самимий туйғуларининг натижасидир», дейди.

«Ҳамза Ҳакимзода,— деб давом этади А. Саъдий,— ўзгаришдан кейинги ва инқилобий руҳдаги кучли шеърий талантнинг биридир». Танқидчи унинг қатор пьесалари сахналарда ўйналаётган бўлса-да, нашр этилиб улгурилмагани туфайли текстлари билан тўла таниши олмаганидан афсусланади. Шоир асарларининг актуал мавзуларда ёзилгани, ўзи кўп қиррали санъаткор экани олимнинг таҳсинига сабаб бўлади: «Асарларининг кўпи ўзбекларнинг шу замонлардаги ўз турмушларидан, шу вақтдаги турли ижтимоий ҳаёт воқеаларидан олиниб ёзилган бўлмоқлари айрича диққатни жалб этиб турадир. Ўзида юрак шоири (лирик — М. Ю.) бўлиш, музикачилик ва турли куйлар ихтиро этиш, драматурглик ҳам артистик йиғилган бир шахсни ҳам биз ёлғиз Ҳакимзода ўртоқда кўра оламиз».

Агар «Иштирокиюн», «Қизил бай-



Мангу лаҳза  
**БИР СУРАТ  
 ТАРИХИ**

Маҳмудали ЮНУСОВ,

филология фанлари доктори

роқ», «Қизил Ўзбекистон», «Ёш ленинчи» газеталарининг саҳифаларини варақласак, Ҳамзанинг ўз мақолаларидан ташқари, унинг саҳна асарлари ўйналгани ҳақидаги ахборотларни ҳам кўп учратамиз. «Қизил байроқ» газетасининг 1921 йил 9 октябр сонида Мирмулла Шермухамедов хабар беради: «30 сентябрда 6-райком ёшлари томонидан «Турон»нинг ёзлик биносида Ҳамза Ҳакимзоданинг «Фарғона фожиасидан учинчи бўлим» асари мавқеъ томошага қўйилди. Асарда 1918—1919 йилларда Фарғона аҳолисининг босмачиларнинг ваҳшиёна муомалалари орақисида кўрган қонли кунлари ҳикоя қилинади...» Ҳамза ўртоқнинг театру китоблари ёзишдаги иқтидори борлиги тўғрисида гапиргандан сўнг спектакль нуқсонларига ҳам муносабатини билдирган Мирмулла актёрлар ўйинида маҳорат етишмаганини айтади.

Уша газетанинг 1921 йил 16 октябр сонида босилган Мирмулланинг бошқа бир тақризи «Турон»нинг

қишлик биносида Ҳамзанинг «Қаҳрамон Ўғиз» номли уч пардали инқилобий фожиаси саҳнага қўйилганидан дарақ беради. Уқтам деган автор эса, «Бизда босма пьеса тарихи» мақоласида («Туркистон» гаетаси, 1924 йил, 21 июнь) Ҳамза Ҳакимзоданинг «тўрт сериялик «Фарғона фожиалари», «Лошмон фожиалари», «Бой ила хизматчи», булардан ташқари кулги ва манзаралари бордириқ, ҳар бири Туркистон ва Бухоро саҳналарида ўйналиб келгандир. Лекин ҳеч қайсиси бостирилмаган...», дейди. Бу гаплар А. Саъдийнинг юқорида келтирилган фикрларини тасдиқлайди.

Ҳамза адабиёт, санъат, маданият ва сиёсат бобида фаол хизмат қилиб юргани ҳолда, унинг ҳаёт йўли ҳамда ижоди тўғрисида маълумот берувчи материал йўқ эди. Дастлабки мухтасар маълумот Ҳамзани яхши билган, у билан дўстона суҳбатларда бўлган Шокир Сулаймон қаламига мансубдир. У «Маориф ва ўқитувчи» журналининг 1926 йил, 10—11-сонид

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий билан яқиндан ҳамсуҳбат бўлган замондошлари шоирнинг фотографияга қизиққанлигини кўп гапирдилар. Шунинг натижаси бўлса керак, Ҳамзадан анчагина сурат ёдгор бўлиб қолган. Бу фотосуратларда буюк инсоннинг қисқа ва мазмундор ҳаётига оид оний лаҳзалар муҳрланиб қолган.

Шоирнинг жияни марҳума Анорхон Аминова Ҳамзанинг йўл-йўл беқасам чопонда тушган ва ҳозирги пайтда машҳур бўлиб кетган фотосуратини йиллар давомида авайлаб-асраб сақлаб келган эди. Онаминг айтишларича, Ҳамза бу суратни машъум воқеадан чамаси қирқ кунлар аввал олдирган экан. Лекин фикримизча, шу нарсага эътибор бериш керакки, кўпчилик маданиятли ва нозинтабъ кишилар каби шоир ҳам ҳар кимлар билан, дуч келган жойда суратга тушавермаган. Улуғ санъаткорнинг суратлари унинг умр пояларида рўй берган муҳим ўзгаришларга тааллуқли лавҳаларни ҳамраб олганлиги ҳам фикримизнинг ҳақлигига далилдек туюлади.

Ҳамзанинг яна бир жияни, натта опаси Ачахоннинг ўғли Мелибой Абдуллаевнинг гувоҳлик беришича, шоирнинг бой фотоархиви бўлган экан. «20-йилларнинг бошларида бўлса керак, балки Хоразмга нетиши олдидандир, Қўқонда тоғам ўзининг энг яқин дўсти Маҳмуд Тарашага бир қийиқ тўла суратни топшираётганини кўрганман,— деб ҳикоя қилади Мелибой Абдуллаев.— Суратларни топшираётиб, тоғам уларни яна бир бор кўздан кечирди, кейин авайлаб асрашини сўради. Шунда бобомиз Иби Яминнинг суратига кўзим тушган. Олпоқ соқолли нуроний қария эди у киши. Тоғам қандай қилиб у кишининг суратини олдирганига ҳозиргача ақлим бовар қилмайди. Чунки бобом суратга тушишни хуш кўрмаслигини ҳаммамиз яхши билардик. Кейинчалик мен суратларни Маҳмуд Тарашанинг яқинларидан кўп суриштирдим, ленин барча ҳаракатларим зое кетди».

Журналхонлар эътиборига ҳавола қилинаётган ва кўпчиликка номатълум бўлган мазкур Ҳамза фотосуратининг тарихи эса тубандагича: ҳозир Қўқон шаҳрида яшаётган рассом Василий Ситник 1928 йили Киев Рас-

сомлик институтини тамомлаш арафасида диплом иши яратиш учун Фарғона водийсига келади. У Қўқонда ёш адиб Шариф Ризо билан танишади ва мақсадини баён этиб, Шоҳимардонга боришда ҳамроҳ бўлишини илтимос қилади. Ёш рассоннинг мақсади бу ерда рўй бераётган ўзгаришларни анс эттиришдан иборат эди.

«Шоҳимардондалигимда, бир кун ишлаб ўтирсам Шариф Ризо устахонамга хушқомаат бир кишини бошлаб келди,— дейди В. Ситник.— Мен билан самимий сўрашди ва ишларим билан қизиқиб қолди. Кейинчалик билсам, бу киши Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий экан. У мендан «Лениннинг бюстини ярата олмайсизми?», деб сўради. Ҳамзанинг Ленинга бўлган оташин меҳр-муҳаббати юз-кўздан аён кўриниб турарди. Шоирнинг ўйчан боқиши менга жуда ёқди. Бошқа ишларимни қолдириб, Ҳамзанинг суратини чиза бошладим. Бироз вақт ўтгач, унга блокнотимни узатдим, у маъқуллагандек бошини ирғаб қўйди. Бошқа суратларимни ҳам кўрди. Орадан анча йиллар ўтди. Ленин Ҳамзанинг ёқимли сиймоси кўз олдидан ҳеч кетмасди. Унинг хаёлимдаги мунаммал суратини чизмаганимча кўнглим тинчимаслигини сездим. Шу баҳона бўлди шоирнинг фотосуратларини қидиришга тушдим. 50-йилларнинг бошларида бўлса керак, машҳур санъаткор, Ҳамза тузган драмтруппанинг қалдирғочларидан бири Мария Кузнецова қўлида шоирнинг ноёб сурати сақланаётганини эшитиб, қайтариб бериш шарти билан ундан суратни олдим. Лекин афсуски, Кузнецова қазо қилиб, суратни қайтариш насиб этмади... Сўнгра фотосуратни Қўқон Адабиёт музейига топширдим».

Рассом В. Ситник кейинчалик «Ҳамза Йўлдош Охунбобоев ҳузурда», «Ҳамзанинг ёшлик йиллари» каби картиналарини яратди. Ҳамзанинг сиз кўриб турган мазкур фотосурати эса 1960 йили «Янги Фарғона» газетасининг декабрь сонларидан бирида эълон қилинган.

Бу ноёб фотосурат, шоир қариндошларининг таъкидлашларича, Ҳамзанинг Хоразмда яшаган кезларига оиддир.

Баҳодир АМИНОВ

## ИЛК САҲИФАЛАР

босилган «Шоиримиз Ҳамза Ҳакимзоданинг қисқача таржimai ҳоли» сарлавҳали қайдларида ёзади:

«Ҳамза Ниёз ўғли Ҳакимзода 1889 йилда Қўқон шаҳрида туғилган. Эски мактаб ва мадрасаларда ўқиб, ўзининг ҳаракати соясида бир қанча маълумот орттирган. Шарқий Хитой (Қашқар)га бориб, матбуот билан шуғулланиб, маълумотини кенгайтирган. 1905 йилдан шеър ёза бошлаган. «Ҳақиқат нима?» деган бир зўр асар ёзган бўлса-да, таъб эттира олмай, йўқотган. 1910 йилда Қўқонда янги мактаб очиб, болалар тарбиясига берилган. Унда ҳаётимиздан олиб, бир қанча кичик романлар ёзган. Эски миллий куйларимизга солиб, бир қанча шеърлар, ашулалар ёзганки, улар сўнг вақтларгача омма томонидан айтилиб келади.

1911 йилларда Туркия, Афғонистон ва Ҳиндистонга саёҳат қилиб бошқа ўлкалардаги илмий оқимлар, маданият ҳаёт билан танишиб қайтган. 1915—1918 йилларда Марғилон ва Қўқонда муаллим бўлган. Қўқонда

вақтида унинг ҳаракати билан тўпланган бир тоқим (гурух — М. Ю.) ёшлар томонидан «Ғайрат» номида бир кутубхона тузилиб, китоблар олинган. Шу йўл билан умумга хийла китоблар тарқатилган. 1918—1919 йилларда Фарғонада бир театру тўдаси ташкил қилиб, бир қанча миллий машшоқларни тўплаб, қизил фронтда иш кўрган. Аскарлар орасида ташвиқот-тарғибот ишларида бўлган.

1924 йилгача Хивада бўлиб, ундан яна Фарғонага келиб, ишлаб бошлади. 1924—1925 йили Ҳамза Ҳакимзодани Ўзбекистон Жумҳурияти Халқ шоири эълон қилиб, умрлик пенсия тайинлади...»

Агар юқоридаги сатрларни Ҳамза Ҳакимзоданинг 1962 йили топилган автобиографиясига қиёсласак, Ш. Сулаймон шоир таржimai ҳолини тафсилотсиз, аммо асосан тўғри кўрсатганига амин бўламиз. (Фақат Хоразм ва Қорақалпоғистондаги фаолияти Хивада деб бир оз ноаниқ айтилади, Халқ ёзувчиси унвони берилди, де-

Мен — борлиқнинг бағрига сингиб,  
Тақдирларга айланган садо.  
Энди мени бўлмайди енгиб,  
Энди менга йўқдир интиҳо.  
Янглишдилар ўлдирмоқ истаб,  
Янглишдилар қилиб қасди жон.  
Тош шаклида отилган ғазаб  
Ололмади шеър күксин нишон.  
Самандардек билмасман ўлим,  
Мудом ҳар ён ларза солурман.  
Жаҳолатдан олурман қасдим,  
Ҳаёт борки — ҳаёт қолурман.

Едгор ОБИДОВ

## Ҳамзанинг овози

Нурга ташна парвона мисол  
Кўёш сари йўлимни солдим.  
Эзгу армон топмади завол,  
Мен қўшиққа айланиб қолдим.  
Тошдан мажруҳ кўкраклар аро  
Армон бўлиб туғилган тугун —  
Мана, менман, бериб акс садо,  
Кезмоқдаман жаҳонни бугун.

Энди тиним бўлмас ҳеч қачон,  
Тиним бермам ўзгаларга ҳам.  
Меникидир энди бу замон,  
Меникидир энди бу олам.  
Мен бир ўзбек кўксига қалқиб,  
Замин узра таралган қудрат.  
Давр бўйлаб боқурман балқиб,  
Умрим сира билмас ҳаловат.

Ҳайқириқман гоҳо ғазабкор,  
Гоҳо соғинчман, ёниқ эҳтирос.  
Шодлик бўлсам — бу олам ҳам  
тор,

Ифодамда — садоқат, ихлос.  
Тақдиримда — эрксевар башар,  
Унга ҳар тонг берурман салом.  
Кимки бахти кулганча яшар —  
Мен бахтида этурман давом.  
Кенг жаҳонга наъралар солдим,  
Қотил тошлар қотдилар гангил.  
Шеърятга айланиб қолдим,  
Шеърятни бўлмайди енгил!

йиш ўрнига Халқ шоири унвони берилди, дейди, унвон берилиши тарихини 1926 йил эмас, 1924—1925 йил деб кўрсатади). Шокир Сулаймон бу таржимаи ҳол билан чегараланиб қолмайди. Ҳамза билан шахсий сўхбатларда эшитганлари ва Ҳамзани яхши билган замондошлари берган маълумотлар асосида аввалги таржимаи ҳолни тўлдириб боради.

1929 йил ўзбек совет адабиёти, санъати ва маданияти бошига гоъят оғир кулфат тушди. Уша йили март ойида социалистик ҳаётимиз ва эркимиз душманлари порлоқ истиқбол йўлидаги жанговар курашчи Ҳамзани ёзувларча ўлдирдилар. Вақтли мазбуот саҳифаларида таъзия билдириб ёзилган мақолалар, некрологларда, айниқса, Ўзбекистон ҳукумати билдирган махсус таъзияда Ҳамзанинг вафоти оғир мусибат экани айтилади ва унинг совет давлати, халқ олдидаги унутилмас хизматлари кўрсатиб ўтилади. Ваҳшийларча ўлдирилган шоирнинг яқин шогирди Комил Яшин қотилларга қарши ёзган «Нафрат» шеърини «Эй иблислар, эй жаллодлар, эй йирткич ўғрилар, эй оғзи қон бўрилар! Яна бир ботир юракнинг қонини тўқдингиз! Яна битта арслонимни якка топиб, бўғдингиз. Нафрат, нафрат, нафрат сизга!», деб ҳайқиради.

«Қизил қалам» мажмуасининг иккинчиси (1929) Ҳамза Ҳакимзода хотирасига бағишланди. Мажмуа Шокир Сулаймоннинг «Шоирнинг кунлари (қисқача таржимаи ҳол)» мақола-си билан бошланади. Муаллиф «Маориф ва ўқитувчи»да эълон қилинган текстдаги асосий ўринларни қисман тақроқлаб, бир қанча янги фактлар келтиради ва илгари айтилмаган фикрларни баён этади.

Ҳамзанинг инқилобдан олдинги педагогик, маърифат тарқатувчилик фаолиятига тўхталиб, унинг мактаби ўзларини маорифпарвар ҳисоблаб юрган баъзи жаҳидлар очган билим юртларига қараганда тубдан фарқ қиларди, Ҳамза «мактабга бошқачароқ қарайди, савдо капиталининг мафкурачилари замон зиёлилари каби қарай олмайди. У пул тўлаб ўқитадиган ота-оналарнинг болаларини эмас, камбағал, етим болаларни ўқитишга чоралар излайди», дейди Ш. Сулаймон. Мактабни моддий жиҳатдан қўллашга ваъда берган бойваччалар аҳдида турмагани учун кўп қийинчиликлар рўй беради. Уларнинг қош-қовоқларига қараб юришни истамаган Ҳамза «Фарғонанинг бошқа шаҳарларини кезиб чиқади ва кўпсизда деярли мактаб очади».

Шокир Сулаймон Ҳамзанинг чет элга қилган сафари хусусида сўзлаб, ёзади: «Балки баъзи ўртоқлар, Ҳамзани ҳажга борди, деган фикрда бўлурлар. Бу тўғри эмас. Бирга борган аҳбобларнинг сўзига қараганда, унинг ўша вақтдаёқ намоз ўқимай, кўп вақтини мандолина-мусиқага бериб юриши унинг ким эканини очик кўрсатади. Ҳатто Ҳиндистонда бўлган вақтда бир музейга кириб, ундаги пианино қуролини (асбобини—М. Ю.) кўргач, шунга берилиб, бундай бир қуролни яшаш фикрига тушганини... сўйлайдилар».

Ш. Сулаймон Ҳамзанинг доимо халқ билан бирга яшаб, унинг қайғусига шерик бўлгани, сиёсий-ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришларга ҳозир-жавоблигини алоҳида таъкидлайди: «1916 йилда «Лошмон воқеаси» (ишчилар олиш) бўлади. Ҳамза бу воқеадан таъсирсиз, четда қолмади... олинган рабобчиларнинг руҳига кириб, уларнинг тилидан шеърлар, ашулалар ўқиди. Унинг бу парчалари рабобчи — лошмонлар томонидан узоқ вақт дoston бўлиб, айтилиб юрди».

Октябрь инқилобидан сўнги дастлабки йилларда буржуа зиёлилари «яширин суратда босмачиларга раҳбарлик қилади. Четдан ва ичдан туриб кўмаклашади. Ҳамза бу вақтда ҳукуматга содиқ қолади, инқилобни ташвиқ қилишга киришади». Мақолада шоирнинг «Миллий ашулалар» сериясига кирган тўпламлари, бир қанча саҳна асарлари санаб ўтилгандан кейин, унинг Шоҳимардонга келиши, колхоз тузиб, қизил чойхона очиб, руҳонийлар ва қора гуруҳларга қарши кураши тўғрисида гапирилади: «Қишлоқнинг ижтимоий-сиёсий аҳволи Ҳамзани тамоман бошқа бир фронтга йўналтирган, у энди бир шоир бўлибгина эмас, балки бир ташкилотчи, жамоат ходими бўлиб, қишлоқ турмушига аралашган эди. Бу вақтда Ҳамзанинг фикри, борлиқ истаги қишлоқ батрак-камбағалларини уюштириш, артеллар тузиб, колхоз-совхозларни кучайтириш, шу билан баробар бойлар ва хурофотчи шайхларга қарши кураш очилди».

«Шоирнинг кунлари»да яна шундай сатрлар бор: «Бизнинг бу қисқа ва кичкина мақоламиз Ҳамзанинг бутун кечирган ҳаётини, адабий фаолиятини, шўравий хизматини ўз ичига сиғдира олмайди. Унинг мукамал таржимаи ҳоли учун бир неча вақт жиддий уриниш керак... Ҳамза ёлғиз бир шоир, бир адиб бўлиш сифатида эмас, балки бир ташкилотчи, бир жамоатчи, социализм тузилиши йўлида жиддий хизматлар кўрсатган ва шу йўлда қаҳрамонона қурбон бўлган, тақдирга лойиқ нодир бир шахсдир».

«Ер юзи» журналининг 1930 йилги 8-сониди (имзосиз) «Унутилмас Ҳамза» номли мақола эълон қилинди. Унда шоирнинг мамлакат ва халқ олдидаги хизматлари катта экани таъкидланади: «Ҳамза Ҳакимзодининг буюк инқилобнинг ўн икки йили муддатда кучи етган соҳаларда бажариб келган ишлари, унинг қолдирган асарлари янги қурилишимизда қандай маъракалар ўтказганимизни кўрсатадиган ҳужжатлар бўлиши сифати билан қимматлидир». Кўринадики, журнал Ҳамза асарларини социалистик ҳаётимизда рўй бериб турган катта-кичик ҳамма воқеаларни акс эттирган, жанговар йиллар нафаси уфуриб турган йилнома сифатида таърифлайди.

Озод ва ёрқин турмушимиз душманлари тарих саҳнасида суриб чиқарилаётган шиддатли кураш даврида ҳалок бўлган шоир тўғрисида гапирилиб, мақолада яна шундай дейилади: «Синфий душманларнинг бундай якка ҳужумлари бир Ҳамзани сафимиздан йўқотгани билан,

юзлаб-минглаб совет зиёлиларини йўқота олмайди, ишдан тўхтатолмайди, балки фаолиятини яна кучайтиради».

Ҳамза Ҳакимзодининг ҳалок этилганига 10 йил, таваллудига 50 йил тўлиши муносабати билан Шокир Сулаймон «Қизил Ўзбекистон» газетасида (1939 йил, 18 май) «Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий» мақоласини эълон қилади. Мақолада биз яна янги маълумотларга дуч келамиз. Унда Ҳамза «ўзининг тиришқоқлиги, муталааси орқасида, отасининг шоир улфатлари (Рожий домла, Йўлдош Мавлавийлар) таъсири остида тезгина адабиётга берилди», деб ёзади. Ҳамзанинг ўспиринлик даври шахсий қарама-қаршиликлар, оилавий нотинчликлар ичида ўтгани ҳақида эса шундай ёзади: «Ҳамзанинг бу ҳақдаги хотирасини мен у билан (1915—1916 йилларда) янги танишган вақтимда ўз яқин улфатларига кула-кула сўзлаб берганини эшитган эдим:

— Мен ёшлигимда жуда ҳам ўжар, чўрткесар, ажойиб тескари эдим. Намозни худодан кўрқанимдан ўқисам ҳам, мачитга чиқиб, жамоат билан (халқни гувоҳ қилиб) сажда қилишни сира хоҳлама эдим. Газета, журнал ўқиб кўзим очилгандан кейин отамнинг тўйга атаб қўйган пулларини секин олиб, тўғри ўқишга қочдим. Уч йил йўқ бўлиб кетдим. Келганимдан кейин, «оқ-кўк» қилган ота-оналарим инсофга келиб, яна кучоқ очди. Шунда мен оила зиндонидан, ўринсиз жанжаллардан қутулдим».

Шокир Сулаймон Ҳамзанинг босмачиларга қарши «Фарғона фожиялари»ни ёзгани, саҳналаштиргани устида сўзлаб, дейди: «Қайда, қандай шароитда бўлмасин, парда очилишидан илгари саҳнага чиқиб, босмачиларга қарши ташвиқот қилади, оташин нутқ сўзлайди... Гофиржон Мусахоновлар билан биргалашиб духовий музыка ва сайёр труппа ташкил қилади. Туркфронт штабининг буйруғи билан Ҳамзанинг труппаси Москвадан келган «Қизил Шарқ» поезди ҳисобига ўтади». Шундан кейин 1927 йили ўртоқ Йўлдош Охунбобоевнинг чақириғига биноан Самарқандга келгани ва президент топшириғи билан совет сайловларига бағишлаб «Бурунги сайловлар» пьесасини ёзгани, ҳажвий шеърлар яратгани айтилади.

Ҳамзанинг адабий ва ижтимоий фаолиятига бағишланган Шокир Сулаймон асарларидан яна бири «Ҳамза Ҳакимзода революция шоири» сарлавҳали («Гулистон» журнали, 1939 йил, 6-сон) адабий очеркидир. Бу очеркда асосий эътибор кўпроқ шоирнинг ижодига қаратилгани сабабли унда турли шеърлардан анчагина мисоллар келтирилади ва таҳлил қилинади. Бинобарин, Ҳамзанинг таржимаи ҳолига оид, бошқа мақолалардан маълум фактларни тушириб қолдирган ҳолда, тадқиқотчининг шоир ижодини қандай баҳолагани борасидаги баъзи фикрларини келтириш билан чекланамиз.

Муаллиф бу ҳақдаги гапни шундай бошлайди: «Ҳамза Ҳакимзодининг икки давр, икки қарама-қарши

тузум — чоризмнинг сўнги ва Октябрьнинг тонгида чиққан» «Миллий ашулалар тўплами» номидаги саккизта китобдан иборат асарлари «унинг фикрий ўзгаришини, қатъий қайта қурилишини ва революцион қадамини кўрсатадиган жонли адабий фактлардир. Ҳамзанинг буюк революциядан сўнг, 1919 йилда босилган» «Атрғул» мажмуаси «ўзининг тоза революцион ўткир ҳиди, хушбўй, севинчли муаттарлиги билан» алоҳида ажралиб туради. «Бу Ҳамзанинг буюк Октябрга самимий садоқати, чин юрак тегиши ва совет ёзувчисининг биринчи манифестидир».

Маълумки, Октябрни қабул қилишни истамаган миллатчи, мухториятчи зиёлиларни Ҳамза қаттиқ қоралаган. Ш. Сулаймон Ҳамза «юрагида уларга қарши қаттиқ ўч-ғазаб» ҳис этган ҳолда «Қўқон мухторияти» деган икки пардали кичкина кулки пьеса ёзиб, уларни масхара қилганини айтади. «Атрғул»дан мисоллар келтириб, «Октябрнинг гигант гилдирагига чўп тикиб, тўхтатмоқчи», меҳнаткашларни яна темир қафасга солмоқчи бўлганларга қарши Ҳамза оташин шеърлар билан жавоб берди, дейди. Мақолада Ҳамзанинг рус пролетариати билан дўстона алоқаси, рус революцион тафаккури ўзбек халқига озодлик учун курашда бениҳоя улкан мадад берганини шеърларда куйлагани айтилади ва «Ҳамза том маъноси билан интернационалист эди», деган хулоса чиқарилади. «Ўзбек совет адабиёти яратишда биринчи қалдирғоч бўлиб қанот қоққан», унинг тамал тошини қўйишда катта хизмат қилган «Ҳамза — ўзбек совет поэзиясининг алифбесини бошлаганлардан» деб жуда тўғри таърифланади. Бу топиб айтилган фикрлар, сўзма-сўз бўлма-са-да, кейинги ҳамзашунослар томонидан қабул этилган.

Ш. Сулаймон Ҳамза шеърларини тематик жиҳатдан таҳлил қилганда шоир хотин-қизлар озодлиги масаласига катта эътибор бергани, халқ оғзаки бадий ижоди унинг асарларига гоъят самарали таъсир кўрсатгани, халқ қўшиқлари куйида бир қанча ашулалар ёзганини айтишни ҳам унутмайди. У «Ҳамза катта психолог эди. Халқнинг юрак торини черта биларди. Халқнинг шодлигига шодлик қўшар, қайғусига мунгли ўртоқлашар эди», дейди. «Унинг ижоди,— деб давом этади мақола муаллифи,— меҳнаткаш омма учун эди. У ўзининг бадий асарларини омма ичига, меҳнаткашлар юрагига сингдириш учун тиришди. Тилини соддалаштирди, услубини раво қилди. Ўз асарларининг узун умрли (бўлиши — М. Ю.)... учун тиришган Ҳамза, шубҳасиз, ўз тилагига етишди». Мақоладаги Ҳамза «ўзининг исёнкорлиги, адабий принципиаллиги... минбар адабиётига қизиқиши, сиёсий-ташвиқий поэзияси билан Маяковский, Бағрицкий, Асевларга ўхшаб кетади» каби сатрлар: «Ҳамза — ўзбек поэзиясининг Маяковскийсидир», деган ва кейинчалик гоъят кенг тарқалган таърифга асос бўлди.

Ҳамзанинг ҳаёти ва адабий фао-

# ҚУВОНЧЛАР ВА МУАММОЛАР

лиятига бағишланган тадқиқотларда эслатилмаган яна бир материални кўрсатиб ўтиш ўринлидир. Гап адабиётшунос Тўхтасин Жалоловнинг қаламига мансуб «Ўзбек адабиётида Ҳамза Ҳакимзоданинг роли» («Қизил Ўзбекистон» газетаси, 1939 йил, 16 июль) деган мақола устида боради. У илмий-назарий пишиқлиги билан диққатни тортади. Адабиётшунос «Агар Навоий поэзиямиз осмонининг тўлини ойи бўлса... Ҳамза Ҳакимзода шу шеърят кўкининг ёруғ юлдузларидан биридир...», деб бошлайди сўзини. Шундан сўнг баҳс шоирнинг адабиёт соҳасига зўр тайёргарлик билан қадам қўйгани, классикларни ихлос билан ўрганиб, анча вақтгача улар таъсирида шеърлар ёзгани устида, «Кўп улугъ ёзувчилар сингари Ҳамза ҳам фольклорга муҳаббат билан қараб, уни кўнгил билан ўргангани», халқ ашуллари уни мафтун қилгани ҳақида боради. «Ҳамза учун,— дейди Т. Жалолов,— халқ ашуллари икки жиҳатдан муҳим эди. Биринчи жиҳат— ашулада халқнинг умид-орзулари, фикр, туйғулари, бахт ва бахтсизлигининг ёрқин ифодаланиши бўлса, иккинчи жиҳат— ҳар бир ашуланнинг ўз мазмунига мос гўзал куйи ва унутилмас «қулоқ ноталари» бўлиши эди».

Т. Жалолов Ҳамзанинг адабий ижоди ниҳоятда ранг-баранг, у фақат поэзия билан чегараланиб қолмай, бошқа жанрлар ҳам қидирди, маъна шу изланишнинг гўзал самараси бўлиб ўзбек адабиётида роман жанрини бунёдга келтирди, дейди. Роман тушунчасини дастлабкилардан бўлиб ўзбек адабиётига олиб киргани сезиларли воқеа эди, албатта. Айни замонда у ҳажми, воқеалар кўлами жиҳатидан мукаммал роман эмасди. Шу сабабли Т. Жалолов масалага қуйидагича изоҳ беради: «Тўғри, гарчи Ҳамза ўзининг бу асарини («Янги саодат ёхуд миллий роман» — М. Ю.) роман деб атаган бўлса ҳам... у роман бўлишдан кўра повестга яқинроқ».

Мақолада Ҳамза драматург сифатида таърифланар экан, у «ўзбек совет драматургиясининг тўнғич арбоби сифатида қимматли» экани айтилиб, «ўз пьесаларини замоннинг илғор позицияларида туриб» ёзгани, «турмуш ҳақиқатини жуда яхши билган Ҳамзанинг драматик асарлари ўзининг ҳаётийлиги, жонлилиги, чуқур ғоявийлиги билан» бошқа адабларнинг драмаларидан фарқ қилиши таъкидланади.

Ҳамзанинг поэтик ижоди хусусидаги мулоҳазалар ҳам диққатга лойиқ. Муаллифнинг айтишича, шоир «бутун халқни сафарбар қилувчи, дивизияларни жангга ундовчи минбар адабиётига эҳтиёж сезди. Дарҳақиқат, революцион портлашнинг улғуворлигини ифодалайдиган жанговар сиёсий поэзия яратиш зарур эди. У бунинг ҳам вужудга келтирди... Ҳамза — ўзбек адабиётининг Маяковскийсидир». Шокир Сулаймон изидан бориб айтилган бу хулоса халқимиз шоирни шундай қабул қилганидан дарак беради.

Юқорида ўзбек адабий танқидининг турли намоёндалари асарларидан келтирилган фикрлар шундан далолат қиладики, Ҳамза Ҳакимзода 30-йилларнинг охирига келиб, адабиётда революция қилган, уни янги изга солиб юборган новатор, ўзбек совет бадий тафаккурига асос солган биринчи шоир, биринчи драматург, биринчи композитор, сиёсий ва жамоат арбоби ўлароқ шўхрат топган эди. Бу даврда унинг ижоди ва босиб ўтган шарафли йўлини дуррустроқ билишга ҳамда чуқурроқ ўрганишга қизиқиш ниҳоятда кучайди. Бир қанча мақолалар, хотиралар ёзилди, адабий кечалар, илмий сессиялар бўлиб ўтди.

Ҳамзанинг ҳаёти, адабий фаолияти ва маданий инқилоб соҳасидаги жўшқин ҳаракатига бағишланган би-

ринчи катта йиғилишнинг таклифномасида (бу ҳужжат ҳамзашунос олим, ЎзФА муҳбир аъзоси Ю. Султонов қўлида сақланади) шундай ёзилган: «Ўзбекистон Фанлар комитетининг А. С. Пушкин номидаги Тил-адабиёт илмий текшириш институти Ҳамза Ҳакимзода юбилей комиссияси Ўзбекистон совет ёзувчилари союзи билан бирликда талантили ўзбек шоири Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг фожияли ўлдирилишига 10 йил тўлиши муносабати билан унинг ижодига бағишланган илмий сессия ўтказида».

Сессия шу йили (1939) 19 март, кеч соат 7да Фанлар комитети мажлислар залида (А. Тўқай кўчаси, № 1) очилади.

Докладлар:

1. Кириш сўзи — институтнинг директори ўртоқ С. Ҳусайнов.

2. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ҳаёти ва ижоди. Докладчи — институтнинг илмий ходими ўр. Юсуф Султонов.

3. Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий драматургияси. Докладчи — орденли драматург ўр. Яшин Нуъмонов.

4. Ҳамзанинг поэзияси ҳақида. Докладчи — ёзувчи Ш. Сулаймон.

5. Ҳамзанинг композиторлик фаолияти ҳақида. — Докладчи — орденли композитор Толибжон Содиқов...»

Ҳамзани шоир, драматург, прозаик, музика арбоби ва толмас жамоатчи сифатида тавсиф қилувчи дастлабки китоб Юсуф Султоновнинг 1941 йилнинг бошида чиққан «Ҳамза Ҳакимзода ҳаёти ва ижодиёти» асаридир. Мана, қирқ йилдири, бу адабиётшунос астойдил ихлос билан шоир адабий меросини ўрганиб келаётган. Олимнинг шу мавзудаги хилма-хил китоблари ҳамзашуносликни янги-янги фактлар, материаллар билан тобора бойитмоқда.

Атоқли драматург ва адиб Комил Яшин устозининг адабий меросини тўплаш, айрим пьесаларини тиклашда фоят катта ижодий ғайрат кўрсатди. Унинг хотиралари, сермазмун мақолалари кўпгина адабиётшуносларга йўналиш нуқтаси бўлиб хизмат қилади. Комил Яшиннинг нозик кузатишларисиз ҳамзашуносликни тасаввур этиб бўлмайди.

Ҳамзашунослик соҳасига 50-йилларда кириб келган истеъдодли адабиётшунос олим Лазиз Қаюмов қисқа муддат ичида катта ҳажмдаги ишларни бажарди. Унинг «Инқилоб куйчиси» (1962) асари шоир таржима ҳолини мукаммал ёритишнинг яхши намунаси ўлароқ майдонга чиқди. Олимнинг «Инқилоб ва ижод» (1964), «Инқилобий драма» (1971), «Ҳамза» («Ажойиб кишилар ҳаёти» сериясида, 1973) каби монографиялари тинмай изланиш, Ҳамза мероси хазинасига номаълум бўлиб келган топилмаларни келтириб қўшишдаги фаолиятдан гувоҳлик беради.

Шоир ижодининг турли соҳалари бўйича тадқиқотлар олиб борувчилар сони йилдан-йилга ортди. Ҳ. Абдусаматовнинг Ҳамзанинг Яшин ижодига таъсири ҳақидаги китоби, М. Раҳмоновнинг Ҳамза ва ўзбек театри мавзусидаги самарали ишлари, А. Бобохоновнинг педагогик тадқиқотлари, Ф. Мўминовнинг традиция ва новаторлик масалаларига доир асари, шунингдек, бошқа ҳамзашуносларнинг савъ-ҳаракатлари кўрсатадики, бу битмас-туганмас хазинани излаш ҳамон давом этмоқда.

Устоз Мақсуд Шайхзода таъбирича, «ҳеч мулоҳазасиз айтиш мумкинки, Ҳакимзода янги типдаги ўзбек зиёлиснинг, маданиятпарвар совет кишининг яққол ўрнаги, партиявий адибнинг ибратомуз намоёндаси... янги инсон типининг муҳажжам намунасидай тарихимизга кирди...» У ҳамон «инсон фикрининг сўнмас машъалидай» турибди.

**У**ЗБЕК кино санъатининг ўтган беш йилликдаги йўлига назар ташланса, энг аввало, ишлаб чиқарилаётган фильмларнинг миқдор жиҳатидан ўсгани маълум бўлади. Бу давр ичида 25 бадий ҳамда телевизион экран асари, 30 мультипликацион фильм ишланди. Айниқса, Д. Салимовнинг «Шум бола», Қ. Камоловнинг «Бегонанинг бахти», Л. Файзиёв ва У. Мееранинг «Али бобо ва қирқ қароқчи», Ш. Аббосовнинг «Алангали йўллари», У. Назаровнинг «Жала», З. Ройзман ва Ю. Бзаровнинг «Жазирама офтоб остидаги уй», Э. Хачатуровнинг «Рингга қақирлади» каби фильмлари томошабин диққатини тортиди. Бу фильмларда кинематографчиларимиз ҳаётнинг турли қатламларини ёритишга, йирик ижтимоий муаммоларни кўтаришга интиланлар. Долзарб мавзуларда асарлар яратиш «Ўзбекфильм» студиясининг эзгу мақсадидир. Кинематография ходимлари мавзу ва қаҳрамон танлашда кинодраматурглар билан ҳамкорликда ҳаётимизнинг бош йўлидан бориб, давримизнинг курашчанлик руҳини, улкан муаммоларини ўзига хос бадий шаклларда томошабинга етказишга ҳаракат қилмоқдалар. Бу йўлдаги изланишларнинг фоят мураккаблигини эстетик савияси жиҳатидан турлича бўлган «Шум бола», «Рингга қақирлади» «Жазирама офтоб остидаги уй», «Ўзгаларни деб», «Эртага чиқасанми?» сингари фильмлар ҳам кўрсатиб турибди.

Бу кинофильмларда замонанинг долзарб муаммоларига бағишланган бошқа асарлардаги фазилат ва нуқсонлар ҳам ўз аксини толган дейиш мумкин. Уларни яратишда студиянинг тажрибали санъаткорлари билан бирга режиссура ва ижрочилик санъатида кучларини эндигина синаб кўраётган ёшлар ҳам иштирок этдилар. Шу сабабли мазкур фильмлар услуб жиҳатидан ранг-барангдир. Бу асарларнинг муштарак фазилатлари қаҳрамонларнинг юксак орзу-умидлар билан яшашларида, жамиятга фойда келтириш ниятида меҳнат қилишларида, ҳаёт зиддиятларини ўзларича ҳал қилишга интилишларида зухур этади.

Экран асарларини яратиш жараёнида автор, режиссёр ва актёрлар нафис бўёқлар, нозик психологик ҳолатлар ижод қиладилар. Масалан, ҳаётда ўз ўрнини излаётган Назаранинг («Жазирама офтоб остидаги уй») иродаси, одамларга ишончи, совет спортчисининг («Рингга қақирлади») бой маънавий дунёси, муста-

қил ҳаётга қадам қўяётган йигит ва қизларнинг илк севгиси, бу ошиқ-маъшуқларнинг тоғли қишлоқдаги аҳил кишилар билан самимий муносабатлари («Чинор остидаги уй») кинокадрларда ҳаётини аксини топди. Шу билан бирга, «Мишка — артист», «Шўх оққуш», «Васият», «Баҳор куйлари» каби киноасарларда ҳаёт зиддиятлари, қаҳрамоннинг қалб олами анча жўн, бир ёқлама тасвирланди. Бу — долзарб мавзуларда асарлар яратишда авторларнинг кўп қийинчиликларга дуч келаётганликларини кўрсатади. Қийинчилик, энг аввало, сценарий муаммоси билан боғлиқдир. Айрим адабий сценарийларнинг зеифлиги экранда яққол намоён бўлаётган.

КПСС Марказий Комитетининг 1972 йили «Совет кинематографиясини янада ривожлантириш тадбирлари ҳақида» деб қабул қилган қарори кўп миллатли кино санъатимизнинг тараққиёт йўлларини белгилаб берди. Унинг беш йиллик давомида кино санъаткорлари КПССнинг XXV съезди қарорларини, бошқа муҳим партиявий ҳужжатларда белгиланган марраларни эгаллаш учун самарали кураш олиб бордилар. Бу жараён мураккаб бўлиб, фильмларнинг миқдор ва савия жиҳатидан ўсиши, янги соҳа — телевизион кинонинг тараққиёти, ижодкор ёшларнинг дадил фаолияти билан изоҳланади. «Ўзбекфильм» киностудиясида ижодий жараён учун барча шарт-шароит яратиб берилганини, ижодий ва ташкилий масалаларни ҳал этиш учун муҳим тадбирлар кўрилганини алоҳида таъкидлаш керак. Киностудияда ёш сценарийнависларнинг махсус ижодий устахонаси ташкил қилинди. Эндиликда ёш қаламкашлар ўзларининг дастлабки асарларини бадий кенгаш муҳокамасига қўядилар ва билдирилган фикрлар асосида қайта ишлаш имконига эга бўлдилар. Яқин келажакда ижодий устахона кинематографиямизни сценарийлар билан тўқинлашда муҳим аҳамият касб этиши керак. Бунинг учун устахонага ёш истеъдодларни тортиш, режиссёрлар билан қаламкашлар ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлаш жуда зарур. Ҳозиргача устахонада Ж. Исҳоқов, Р. Муҳаммадзонов, М. Муҳаммаддўст, А. Бородин, М. Тўйчиев сингари умидли ёшлар таҳсил кўриб, муҳокамадан ўтган янги киносценарийларга сайқал бермоқдалар. «Чинор остида дуэль», «Тиниқ булоқлар», «Рингга қақирлади», «Васият» каби тўла метражли фильмлар, «Томоша» киноновелласи-

# ЯНГИ ҲАЁТ

Достон

## Муқаддима

Бола эдим,  
Лўли кўраси  
Мингбулоққа келиб турарди.  
Елкасида гадой тўрваси,  
Кўчаларда дайдиб юрарди.  
Оналарга эргашиб, мунгли  
Лўли қизлар юришар эди.  
Одамларнинг эзилиб кўнгли,  
Уларга хайр беришар эди.  
Мадина ҳам ҳар бир қадамда  
Фол очарди,  
Фолбиндек гўё.  
Фол ҳақини берган одамга  
Раҳмат айтиб қиларди дуо:  
— Йироқданми, яқинданми,  
Елғонданми, ё чинданми,  
Ё суқданми, ё кинданми,  
Фолинг келди,  
Ҳолинг келди,  
Келди бахтинг.  
Фол ҳақига недур нақдинг?  
Ишқ йўлида бузма аҳдинг,  
Тоғдай баланд бўлгай тахтинг!  
Фолинг келди,  
Ҳолинг келди,  
Келди бахтинг..  
Мадинанинг Шавкатга шундоқ  
Фол очгани ёдимда ҳамон.  
Шавкат уни кўрган кунданоқ  
Йўқотмишди оромин тамо.  
Машаққатли муҳаббат қизга  
Янги ҳаёт этди армуғон.  
Уни сўйлаб бермасам сизга,  
Қалба қолур бўлиб бир армон.

\* \* \*

Гавҳарсойнинг ўнг ёқасида  
Ғамгин турар жулдур чодирлар.  
Чодирларнинг бўсағасида  
Тўп-тўп итлар, хўтиқлар мудрар.  
Ҳар манзилда бир тунлик меҳмон  
Лўли умри кечади йўлда.  
Бир кун ўтгач кўрмоқлик гумон —  
Бугун тоғда,  
Эртага чўлда.  
Кўчиб юрар турнадай эркин,  
Ҳар қишлоқда тунаб қолишар.  
Тиклагунча жулдур чодирин,  
Туни билан шовқин солишар.  
Утин қалаб тошдон ўчоққа  
Дардчил Нуртой қайнатади чой.  
Қиз-жувонлар Мингбулоқ ёқда  
Фол очишар чиққунича ой.  
Беланчакнинг ёнида кампир  
Аллалайди мурғак гўдакни.  
Тақдирдан шикоят ўқир  
Овутгандай ғамгин юракни.  
Қотган нонни ивитиб сувга  
Тамшанади нуруний бир чол.  
Тўймагандек кўзлар уйқуга  
Ғерибона мудрар бир аёл.



Оқшом тушгач, қишлоқдан шу он  
Хотин-халаж қайтар чодирга.  
Мадинадан кўринмас нишон,  
Кеч кирса ҳам сўнгсиз адирга...  
Мадинани ахтариб Қаро  
Сой ёқалаб чопди сарсари.  
Бирдан яшил бўтазор аро  
Жуфт шарпага тушди назари.  
Бир вужуддек икки бахтиёр  
Сипқарарди висол шаробин.  
Қўллар эди белларда камар,  
Учратганди ой ўз офтобин.  
Шевкат юзин силар Мадина  
Йўқотганча эсу ҳушини.  
Бахтдан кўзда порлар нишона —  
Тутган каби севги қушини.

\* \* \*

Мадинани йиғлатиб юм-юм,  
Чодир томон судради Қаро.  
Чодир эмас, бағрин этиб хун,  
Қабр томон судради Қаро.  
— Эрга тегмоқ бўлса ниятинг,  
Топиларди ўзимиздан ҳам,  
Йўқолдимми қизлик уятинг?  
Кўнглимизга солдинг ғам-алам.  
Қариндошлар олдида буткул,  
Ўзимизни қаратдинг ерга,  
Эрсирамай, ергина кетгур!  
Шундан кўра, кирсайдинг ерга,  
Сенга тутиб уч-тўрт кун мотам,  
Таъмалардан қутулар эдик,  
Қизим бор, ҳам демасди отанг.  
Эл олдида энди ким бўлди?  
Бизнинг ҳам урф-одатимиз бор,  
Урф-одатга этгин итоат.  
Мингбулоқнинг юзини энди,  
Тушингда ҳам кўрмайсан минбаъд.  
— Юрагимни тилманг пичоқсиз,  
Раҳм-шафқат қилинг, онажон.  
Сиз — покиза, сутдайин оқсиз,  
Кўнглимни ҳам билинг, онажон.  
Биз инсонмиз лўли бўлсак ҳам.  
Наҳот, бизлар қушдан бўлсак кам?  
Қушда ин бор,  
Бизда йўқ макон,  
Меконсиз ҳам яшарми инсон?  
Мингбулоқлик барча қиз қувноқ,  
Меҳнат билан топар обрў-шон.  
Дугона деб сийлашар ҳар чоқ,  
Гадо бўлма энди, онажон!  
— Оқ сут эмган тилинг кесилгур,  
Кўзинг оқиб тушиб, кўр бўлгур,  
Маҳмадона, бас қилгин энди,  
Она дея атама мени!..

Мадинани қарғиш тумани  
Қоплаб олар қора булутдай.  
Онасининг таъна тўфони  
Кўринади даҳшатли ўтдай.  
Қирқ бир ямоқ кўрпа ёпинган  
Лўлиларни босади мудроқ.  
Шавкат томон қалби талпинган  
Ишқ бекаси чодирда уйғоқ.  
Кўз ёшлари бўлиб шашқатор  
Мадина ўз бахтин ўйлайди  
Ва бахтидан егандай озор,  
Кўшиқ билан дардин сўйлайди:  
— Ох, манглайим шўр экан,  
Мени этди саргардон.  
Шўр қисмат мисли тикан,  
Кўнглимни этди вайрон.  
Ҳаёт, сенда ҳаққим бор,  
Қисматим этма қора.  
Сенда яшай бахтиёр,  
Қалбимни этма пора...

Кўкда сузар тун маликаси  
Кузатгандай қизни чодирда.  
Ҳамон уйғоқ севги бекаси,  
Сой садоси янграр адирда.

\* \* \*

Эрта тонгда лўли кўраси  
Йўлга тушди узоқ-узоққа.  
Мадинада лўли тўрваси,  
Куни қолди яна таёққа.  
Мадинанинг жигар-бағри хун,  
Эргашади кўра изидан.  
Телба бўлиб қолгандай беун  
Ёш маржони томар кўзидан.  
Кийим-боши чангга беланиб,  
Довдирайди Ургут йўлида.  
Дард иплари дардга уланиб,  
Судрелади таёқ кўлида.  
Мадинанинг кўнгли торига  
Шевкат қалби беради садо.  
Мадинанинг кўнгли зорига  
Шавкат қалби беради садо:  
— Тоғдай собит бардошинг тугаб,  
Талқон бўлиб қолма, Мадина!



Жаҳолатга тақдиринг ўраб,  
Шамдай сўниб қолма, Мадина!  
Бахт бўйини уфуриб ҳаёт  
Шайдо этар лўли қизини:  
— Эй, сен ҳаёт! Бер менга нажот,  
Мен ҳам кўрай бахтнинг юзини.  
Сени севдим,  
Эй, порлоқ ҳаёт!  
Сен — қуёшсан, мен унда ёлқин.  
Сенсиз менга йўқдир саодат,  
Сен — дарёсан, мен — сенда тўлқин.  
Сен — севгисан, мен — сенга ташна.  
Висолингга сира тўймайман.  
Сен — бир гулсан, мен — унда  
шабнам,  
Қуёш олов ёқса, сўнмайман!

\* \* \*

Шавкат нотинч, Шавкат бетоқат,  
Чўғ тушгандай масъум кўнглига!  
Юрагида изтироб қат-қат,  
Кўзлари ҳам ўхшар мунглига.

Ўчоқдаги олов ҳам  
Ёна-ёна кул бўлур.  
Майсадаги қиров ҳам  
Қуёш ўпса тўкилур.  
Сахродаги гиёҳ ҳам  
Сўлар ёмғир ёғмаса.  
Сиёҳдонда сиёҳ ҳам  
Қурир одам боқмаса.  
Қўй бўлмаса қўзи ҳам,  
Уни излаб келмайди.

Ишқ бўлмаса, қалбинг ҳам  
Ерга вафо қилмайди.

Ҳаёл ичра ғарқ бўлган Шавкат,  
Селт тулпори учар юлдуздай.  
Юрагида улкан муҳаббат  
Тўлқинланар асов денгиздай.  
Муҳаббатнинг олов вулқони  
Борлиғига солар ғалаён.  
Зилзиладай титрайди тани,  
Ҳаёллари кўтарар тўфон.  
Кенагасдан топмай ном-нишон,  
Излар уни Мирзақишлоқдан.  
Кўрмадим, деб бош эгар Сўфён,  
Дардсингандай қайтар Гулбоғдан.  
Юрагига қиз урган чақмоқ,  
Кўзларидан кўринар яққол.  
Жисмида зўр момақалди роқ  
Гумбурлайди Гавҳарсой мисол.

— Сен эй, севги!  
Кўрми кўзларинг?  
Гинаю рашк соқчимни сенга?  
Юрагимга кирган кезларинг,  
Кўр кўз билан боқдингми менга?  
Мадинани топишим аён,  
Дийдорига тўярман бир кун.  
Қолмас сира кўнглимда армон,  
Дил-дилимдан суярман бутун.  
Мадинани илк дафъа ўпган,  
Сабо эмас, нафасим меним.  
Ёноғига нафосат сепган,  
Баҳор эмас, бўсам ва қалбим.



Расмни Б. ЖАЛОЛОВ чизган

Сен эй, севги!  
Сен эй, муҳаббат!  
Бош эгасан қалбимга тамом.  
Бошланаркан сен билан ҳаёт,  
Бахтиёрдир ҳаётда одам!

Шавкат елар,  
Учқур туяпорин  
Кишнашига тоғ берар садо.  
Учиб борар Мадина сари  
Дил тубидан кўчган бир нидо.  
Юрагини эзиб қайғу бот,  
Киран экан Куйичинорга,  
Қишлоқ томон йўлни бурган пайт,  
Кўзи тушди жулдур чодирга.  
Нуртой чолнинг таниш эшаги  
Ўтлаб юрар чодир ёнида.  
Ҳаприқдию йигит кўкраги,  
Ишқи ёнди юрак қонида.  
Юзларида балқди табассум,  
Қувончига тор келди жаҳон.  
Чодирларга термилди бир зум,  
Вужудини босди ҳаяжон.  
Чодир томон йўл олди аста,  
Бирдан тўхтаб қулоқ солди у.  
Шарқирарди дарё олисда,  
Кўпирарди дилида қайғу.  
Остонада кўринди шу дам  
Барзангидай Қаро паҳлавон.  
Урган эди юзига алам,  
Тўлган эди кўзларига қон:  
— Мадинамиз сендан кечган воз,

Кўришмоқни ҳатто истамас.  
Шавкат қалби титради ноҳос  
Ва чайқалди у мисоли маст.  
«Наҳот мени севмайди, йўқ, йўқ,  
Қаро менга ёлғонни айтди».  
Гоҳ ишониб, гоҳо ишонмай  
Шавкат ғамгин ортига қайтди.  
«Наҳот мени унутган, йўқ, йўқ,  
Унинг ишқи кўксимда қолди».  
Йигит худди теккан каби ўқ,  
Майсазорга бирдан йиқилди.  
Бор вужуди озор чекканча,  
Тақдирини минг бор лаънатлаб,  
Инграб ётди ярим тунгача  
Ва қайғуга тўлиб кетди қалб.

\* \* \*

Ярим кеча, уйқуда ҳар ён,  
Сой бўйида милтиллар чироқ.  
Фарзандига бўлиб нигорон,  
Бўстон хола ўлтирар уйғоқ.  
Шитир этса дарахнинг барги,  
Дарвозага термулади зор.  
Япроқ мисол сарғаяр ранги,  
Кўнглин қийнар соғинч ва дийдор.  
Бир-бир юриб оёқ учида,  
Шавкат ғамгин супага ўтди.  
Соғинч ўти ёниб ичида,  
Онаизор уйғониб кетди:  
— Бўйгинангдан ўргилсин онанг,  
Сенсиз кўнглим бўлди безовта,  
Овунчоғим экансан, болам,

Мени ёлғиз қолдирма қайта.  
— Онажоним, менман гуноҳкор,  
Кўнглим сизга этмадим ошкор.  
Юрагимда меҳрин ардоқлаб,  
Меҳрин эмас, қалбини сақлаб,  
Лўли қизга кўнгли қўйдим мен,  
Кўнгли эмас, жондан сўйдим мен.  
Она ҳайрон,  
Она дили — шом,  
Беролмайди ўглига дашном.  
Фикрлари қувраган чўпдай,  
Чуваланар тугунсиз ипдай.  
Санчилгандай игна жисмига,  
Жисмигамас, бутун кўксига.  
Оғир ўйлар кўтариб тўфон,  
Оғзин зўрға жуфтлади бўстон:  
— Бир парча эт, кичик жон эдинг,  
Чумчўқдайин полопон эдинг.  
Кўзга уйқу қўндирмай зарра,  
Тонгни тутдим бешигинг узра.  
Гўнғич эдинг, даданг ҳар куни  
Шон-шавкатим деярди сени.  
Уруш уни тортди домига,  
Домигамас, машўм комига.  
Доғ туширмай даданг номига,  
Номи билан обрў-шаънига,  
Балоғатга етказдим сени,  
Болам, менга қулоқ сол энди.  
Лўли қиздан камми Гуландом,  
Унга ҳавас қилар ҳар одам.  
— Она, севги ҳар бир юракка  
Бир бор меҳмон бўлар дафъатан.  
Гоҳ кўтарар уни юксакка,  
Гоҳ ўпқонга отар одатан.  
Қалбингизнинг буйруғин мудом,  
Адо этиб келдим, онажон!  
Афв этинг, онажон, бугун,  
Ишқдан жудо бўлолмайман мен.  
Шавкат сўзи, Шавкат дардидан  
Онаизор паришон ва лол.  
Фарзандининг эзгу бахтидан  
Ўз бахтини кўргандай яққол.  
Она билмас, қаноти синди  
Бу кеч ўғлин орзу-тилагин,  
Она билмас, Қаро сўзлари  
Кемирарди Шавкат юрагин.

\* \* \*

Қадим Дарғом  
Баҳайбат жарлар  
Хувиллайди таги йўқ ғордай.  
Силкинади мункайган толлар,  
Тепаликлар мудрайди нордай.  
Сукунатда кўҳна қабристон,  
Новда-ниҳол қаддин буккандай,  
Мадинада минг жабру ситам,  
Кўзларига мотам чўккандай.  
Хаёлига келар ўтган тун,  
Эшитилар Қаро сўзлари:  
— Азлу азал бўлмаган дилхун,  
Мағрур бўлган лўли қизлари.  
Эшит мени, эшит, Мадина,  
Ялинаман, менга қайлиқ бўл.  
Унут Шавкат исмини, англа,  
Йўқдир сира орта қайтар йўл.  
У қайтмайди, у сени севмас,  
Уйланармиш қўшни қизга у.  
Ҳозир балки юрар ишқдан маст,  
Унга ётдир сен чеккан қайғу.  
...Тун тортаркан тобора хира,  
Қутуллолмай ўйлар жабридан,  
Ҳамма ухлаб қолгач, Мадина  
Пинҳон чиқиб кетди чодирдан.  
Ошиб қора қирлар қўйинини,  
Худди тунда адашгандек қуш,  
Тонгда етди сой қирғоғига  
Ва тикилди сувга фаромуш.  
Дунё билан видолашгандай  
Чор-атрофга назар ташлади.  
Хаёт билан жудолашгандай  
Видо айтиб кўзин ёшлади:  
— Хайр, она,  
Бокира ҳаёт!  
Хайр, нурга  
Чулганган дунё!  
Сенга тўймай кетарман, наҳот?  
Наҳот мени ютар бу дарё?  
Боқди: гуллар уруғин тишлаб  
Қушлар учар эркин фазода.  
Қандай қилиб дунёни ташлаб  
Кетмоқ мумкин шундай лаҳзада?  
Бирдан бағри тўлди меҳрга  
Майсаларни ўпиб энткиди.  
Таъзим қилди у она-ерга,  
Шан қуёшга кўзини тикди:  
«Мен яшашни истайман, майли,  
Армонларга турсам басма-мас.  
Юракдаги ишқим туйфайли  
Яна тўйиб оламан нафас».  
Сўнги марта боқди Дарғомга,

Қишлоқ сари кетди сарсари.  
...Камчи босиб учқур саманга  
Уни излаб келарди ёри.

\* \* \*

Сўқмоқ йўлдан қандайдир бир қиз  
Бўз тўрғайдай бўзлаб борарди.  
Шавкат минган саман изма-из  
Уша қизни кўзлаб борарди.  
Шамолдан тез учгандай Шавкат,  
Яқинлашар улар ораси.  
Мадинага кўзи тушган вақт,  
Янгиланди дилда яраси,  
Мадинанинг хомуш кўзлари  
Оҳ чекарди,  
Мадина ғамнок,  
Хомуш эди,  
Фаромуш эди,  
Қанотлари синган қуш эди.  
Йўқ, синганмас, қайрилган эди,  
Жуфт қанотдан айрилган эди.  
Шунинг учун парвоз-этолмай,  
Шунинг учун ёрга етолмай,  
Шунинг учун кўзлари маъюс  
Мақон топмай дайқид эди қиз.  
Шавкатига кўзи тушганда,  
Ақлу ҳуши бошдан учганда,  
Кипригига қўниб олди нам,  
Киприк эмас, юзларига ҳам.  
Эригандай ҳижрон ва қийноқ,  
Кўшилгандай дарёга ирмоқ,  
Тоғлар узра зиёбахш қуёш  
Муҳаббатдек сочарди зиё,  
Эрир эди юракдаги тош,  
Тўла эди қувончга дунё.

\* \* \*

Қояларга қўйиб кифтини  
Ёнбошлаган чексиз олмасор.  
Келин таққан маржондай гўё,  
Новдаларда олмалар ларзон.  
Тоғ уфқини айлар нурафшон,  
Барно қизлар, соҳибкор қизлар.  
Сой оқади ўқиб шараф-шон,  
Қуёш бундан саховат излар.  
Дарахларга қўйганча нарвон,  
Жонон қизлар теришар олма.  
Қўли қўлга тегмайин шодон  
Олма ташир Раъно, Буолма,  
Толандан бўлмай пушаймон,  
Олма терар Мадина қувнок,  
Унга ҳеч ким бермайди дашном,  
Келинини дер бутун Мингбулоқ,  
Бўстон хола Шавкатдан кўра,  
Мадинани севади жондан.  
Ҳамма уни ўтқизар тўрға,  
Ҳамма яқин,  
Ҳамма меҳрибон.  
Ҳеч ким уни «Таги паст» демас,  
Тақдирдан этмас шикоят.  
Мадинасиз бирор тўй ўтмас,  
Унга ётдир кўҳна ривоят.  
Гул баргига қўнгандай шабнам  
Тер маржони пешонасида.  
Бахт жомини сипқорар шодон  
Эркин меҳнат кошонасида.  
Юракдаги эзгу ўйлари  
Қўшиқ бўлиб қучар самони,  
Олмазордан янграб қуйлари,  
Мафтун этиб ҳамма-ҳаммани:  
— Ҳаёт, сендан шодман бир умр,  
Онамдан ҳам азизсан менга.  
Сен бергансан кўзларимга нур,  
Севги қадар лазизсан менга.  
Сен силадинг менинг бошимни,  
Мажнунтолдай букмадинг қаддим.  
Сен аритдинг кўздан ёшимни,  
Сен мунаввар айладинг бахтим.  
Ишқим шамдай сўнай деганда,  
Қуёш умрин бахш этдинг менга.  
Ғам қушлари кўнай деганда  
Иқбол бўлиб кўриндинг менга.  
Мадинанинг шўх овоздан,  
Қўшиғидан маст бўлар қизлар.  
Ҳаёт сари илк парвоздан  
Чақмоқ янглиғ чақнайди кўзлар.  
Мадинани излаб, ўртаниб,  
Олмазорга бурилди Шоҳбон.  
Аччиқ ғусса ўтда ёниб,  
Кўз ўнгини қоплади туман.  
Қуригандай танида дармон,  
Юрагида сўнди ҳарорат.  
Умри гўё тубсиз бир уммон,  
Янгиланди кўҳна жароҳат.  
Мадинага термулиб Шоҳбон  
Қотиб қолди тош бўлиб гўё.  
Нигоҳида ёришди жаҳон,  
Йиллар оқди ёш бўлиб гўё.  
Сўз қотолмай қийналди жони,  
Жони эмас, йўқ, хонумони!



# ЕТУКЛИК



учун савол бермади. Лекцияда айтилган гаплар унинг фикрини уйғотгани, у баъзи масалаларнинг тагига етмоқчи экани сезилиб турарди. Кейинчалик маълум бўлишича, бу хусусият Умаралининг табиатида бор экан — у ўта синчков, бир нарсанинг тагига етмагунча қўймайдиган, эшитган гаплари, хулосаларини ҳар томондан ўйлаб кўриб сўнг эътиқодига айлантирадиган одамлардан экан. Тез орада Умарали билан ҳам, курсдаги бошқа студентлар билан ҳам иноқлашиб кетдик. Мен Умаралининг диплом ишига раҳбарлик қилдим. Диплом иши жараёнида унинг яна бир фазилати билан танишдим — у ўта меҳнаткаш, ўз ишига доир фактларни асл манбадан қидириб топиб, ўз кўзи билан кўрмагунча тинчимайдиган, ишига доир жамияки илмий адабиётларни синчиклаб ўрганиб чиққандан кейингина, уларга муносабатини аниқлаб олганидан кейингина энг шимериб ишга киришадиган одам экан. Бунинг учун у кишининг ишига тааллуқли китоблардан бериб турсам, иши осон кўчишини айтиди. Бу гапни эшитиб, ичимда қаттиқ ранжидим — йўқ, китобларим учун эмас, албатта. Ахир, катта ишга бел боғлаган одам бу ишнинг риёзатини ҳам чекиши керак-да! Афсуски кейинги пайтларда диплом ёзувчи студентлар ўртасида ҳам, диссертация ёзувчилар орасида ҳам, ҳатто айрим танқидчи ва адабиётшунослар ичида ҳам ана шундай «қора» ишдан қочадиганлари, қўлини совуқ сувга урмай иш битирадиганлари кўпайиб қолди. Ҳолбуки, «Тоққа чиқмасанг дўлона қайда?» деган гап бор. Бу олим ва танқидчининг меҳнатига авваллари нечоғли тааллуқли бўлса, ҳозир ҳам шунчалик тааллуқли ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолавереди. Илмий-техник революция, эҳтимол, қалам аҳлининг ҳам меҳнатини энгиллаштириш йўллари топиб берар, лекин шунда ҳам ҳар бир олим ўз соҳасининг барча оғир машаққатларини ўзи чекади.

Умаралига қайтайлик: унинг билимдонлиги, меҳнаткашлиги, синчковлиги дастлабки ишидаёқ яхши самара берди: давлат имтиҳон комиссияси аъзолари яқдиллик билан унинг диплом ишини юксак баҳоладилар ва наشرга тавсия этдилар. Орадан кўп ўтмай, 1959 йили «Ўзбек адабиёти масалалари» тўпламида бу иш «Ғафур Ғулум поэзиясининг эстетик принциплари» деган ном билан бошилиб чиқди. Гарчи 1959 йилдан аввал ҳам Умаралининг бир қанча тақриз ва мақолалари матбуотда эълон қилинган бўлса-да, илмий-танқидий фаолиятининг бошланишини шу мақоладан белгиланган маъқул. Чунки бу иш ҳажми билангина эмас, фикрий теранлиги, умумлашмаларга бойлиги, илмийлиги билан ҳам жамоатчиликнинг эътиборини тортган эди.

Мақола чиққан кезларда Умарали университетни тугатиб, қишлоқда — ўзи туғилиб ўсган жойларда муал-

лимлик қиларди. Унинг таклифи билан мен Рақонга бордим, Умаралининг ота-онаси, акаси, қариндош-уруғлари, дўстлари билан яқиндан танишдим.

«Қуш уясида кўрганини қилади» дейдилар. Болалик кечган оилавий муҳит, олам ҳақидаги илк тасаввурларни шакллантирадиган дастлабки шароит, истанг-истаманг, сизга таъсир кўрсатади, характерингиздаги маълум хислатларни вужудга келтиради. Мен Рақонда юриб, бу қишлоқнинг сулим табиати Умарали қалбида гўзаллик туйғусини уйғотган, бу эса адабиётга муҳаббатни туғдирган бўлса керак, деб тахмин қилдим. Назаримда, ундаги меҳнаткашлик — бутун умри деҳқончилик билан ўтган отасидан мерос. Умарали аввал қишлоғида, кейин Конибодомда педагогика техникумида ўқиди. Унинг баҳтига, ёшлиқда бирга ўқиган болаларнинг ҳам кўпчилиги билимга ташна, қобилиятли, синчков болалар экан. Улар ўртасида самимий дўстлик вужудга келади, бу дўстлик эса яхши маънодаги рақобатни туғдирди. Умаралининг ана шундай қадрдон дўстларидан бири — Худойберди Тўхтабоев. Ҳозир у асарлари ўнлаб тилларга таржима қилинаётган тениқли адиб...

1959 йили кафедранинг аспирантурадан ўрин берилди. Бу ўринга Умарали Норматовни таклиф этдик. Сира кутилмаганда унга илмий раҳбарлик қилиш менга топширилди. Мен бу ишда сира тажрибам йўқлигини айтиб, эътироз билдирган эдим, кафедра мудири Ғулум Каримов: «Ҳечқиси йўқ. Сузишни ўрганиш учун сувга кириш керак. Ишлайверинг», деб гапни қисқа қилди. Билмадим, менинг раҳбарлигимдан Умаралига қанчалик наф теғди экан, лекин мен учун бу иш яхши мактаб бўлди. Уч йил ўтгач, Умарали «Ҳозирги ўзбек ҳикоячилиги ривожига асосий тенденциялар» деган мавзуда кандидатлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади ва Тошкент Давлат университети филология факультетига ишлай бошлади. Аввал ўқитувчи, кейин доцент бўлиб ишлади. Бундан бир неча йил муқаддам ўзбек адабиёти кафедраси иккига ажралиб, ўзбек совет адабиёти кафедраси ташкил топганда, ҳаммамиз яқдиллик билан Умарали Норматовни кафедра мудирига сайладик. Бу орада у докторлик диссертациясини ёқлаб, профессор бўлди. Кези келганда, унинг педагогик фаолияти ҳақида ҳам икки оғиз айтиб ўтай. Мана, йигирма йилдирки, у студентларга ўзбек совет адабиёти тарихидан лекциялар ўқийди. Шу йиллар давомида у шоғирдлари ўртасида катта обрў орттирди, уларнинг муҳаббатини қозонди. Бунинг асосий сабаби шундаки, унинг лекциялари ҳамisha ижодий характерга эга. У ҳеч қачон маълум гапларни тақрорлаш билан чекланмайди, ҳар бир лекцияда тингловчиларга бирон янги гап айтишга, уларнинг фикрини уйғотишга, шу орқали уларни бадиий адабиёт гўзалликларини кашф этишга ўргатишга интилади. Умаралининг билимдонлиги, адабиётнинг эҳтирос билан севиши лекцияларининг мазмунан теранлигини, эмоционал таъсирчанлигини таъминлайди.

Шу йиллар мобайнида Умарали Норматов танқидчи ва адабиётшунос сифатида жуда қизғин иш олиб бор-

ди. Унинг «Жанр имкониятлари», «Маҳорат сирлари» (М. Қўшонов билан ҳамкорликда), «Насримиз ўқилари», «Гўзаллик билан учрашув» каби китоблари, Саид Аҳмад, Шўҳрат ҳақидаги адабий портретлари босилди. Улардан ташқари, «Ўзбек адабиёти масалалари» (1962), «Адабиётимизнинг ярим асри» (1967, 1975), «Ўзбек жангномаси» (1977), «Инқилоб ва адабиёт» (1977) каби тўпламларда мақола эълон қилиш билан чекланмай, бу китобларнинг айримларини барпо этишда тўпловчи сифатида ҳам иштирок этди. Ниҳоят, Умаралининг йигирма йил мобайнида вақтли матбуотда эълон қилинган мақолаларини санайдиган бўлсак, икки юздан ортиқ номни ўз ичига оладиган каттақон рўйхат пайдо бўлади. Буларнинг орасида тақризлар ҳам, обзор мақолалар ҳам, адабий портретлар ҳам, баҳслар ҳам, проблематик мақолалар ҳам бор. Кўриниб турибдики, Умарали Норматов танқидчи ва адабиётшунос сифатида йигирма йиллик фаолияти давомида анча салмоқли ишни амалга ошириб қўйибди. Бироқ санъатнинг ҳамма турларида бўлганидек, адабий танқидчиликда ҳам асарнинг ҳажми ёхуд мақолаларнинг сони ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмас. Ҳамма гап — савияда, китоб ёхуд мақолаларнинг ғоявий салмоғида, назарий пухталигида, уларда айрилган фикрларнинг янги-эскилигида, ҳаётчилигида. Танқидчи сермахсул бўлгани, мақолаларни қалаштириб ташлаётгани билан унинг адабиётдаги мавқеи мустақамланиб қолмайди. Ёзувчилар назарида ҳам, китобхонлар назарида ҳам муҳим обрў қозониш учун танқидчи билимдон ва сермушоҳада бўлишдан ташқари, принципиал, ҳалол ва холис бўлмоғи, адабиётни чин юракдан севиши, яъни унинг ютуқлари учун севиши, қусурлари учун куюниб ёза билиши керак. Умаралида шу фазилатларнинг анча-мунчаси мавжуд. Журналхон бу жумладаги «анча-мунчаси» деган иборатга таажжубланиши мумкин: бинобарин, баъзи фазилатлар йўқ экан-да, танқидчилик фаолиятида қусурлар ҳам бор экан-да, деб. Ҳа, албатта, бор. Ахир, ҳар тўққизда — бир айб, дейдилар. Қусурсиз одам, қусурсиз танқидчи бўладими? Ҳаммамизда ҳам озми-кўпми қусур бор. Умаралидаги камчилики мен шунда кўрамани, у баъзан чинакам илмий талабчанликини заифлаштириб қўяди, натижада ўрта-миёналиги яққол кўриниб турган асарни мақтай бошлайди. Мабодо, бўш асарни танқид қилгудек бўлса, иложи борича мулоимлик билан, беозоргина танқид қилади. Бу унинг кўнгилчанлигидан бўлса керак, ҳар қалай, ҳеч кимнинг дилини оғритгиси келмаганлигидан. Балки бу йўл ҳам гоҳо керакдир. Лекин, мен, бари бир, бу йўлни маъқулламайман. Негаки, танқидчилик касбининг моҳияти ўзи шунақа — истасанг-истамасанг кимларгадир озор берасан. Ҳатто ҳеч кимни танқид қилмай, ёзувчиларни фақат мақташ билан банд бўлсанг ҳам, бу ҳали навбати етиб келиб, мақталмаган ёзувчиларга оғир ботади. Лекин чинакамга адабиётнинг савияси учун курашаман десанг, хом-хатала, палапартиш ёзилган ўрта-миёна асарларга қарши сира тортинмасдан курашиш керак. Бундай асарлар эса адабиётимизда анча топилади. Бахтимизга, бу нуқсон Умаралининг ижодида ҳамма вақт ҳам учрайвермайди. Унинг мақолалари ва китобларида талабчанлик устунлик қилади. Баъзи бирларини кўриб чиқайлик.

Умаралидаги фазилатлар ичида энг маъқулларидан бири ҳозиржа-вобликдир. Бу, менингча, танқидчи учун энг зарур хислат. У адабиётимизни доим кузатиб боради, ундаги биронта салмоқли асар ёхуд жиддий воқеа танқидчининг эътиборидан четда қолмайди. Бир вақтлар — адабиётимизда икки-уч йил ичида битта

С УНГИ давр ўзбек адабий танқидчилиги илмийлиги ва объективлиги, ёзувчи талабчан ва самимий муносабати, адабий жараёнга салмоқли таъсири ва китобхонлар оммасининг эстетик дидини шакллантиришдаги хизматлари билан поэзия, проза, драматургия каби, адабиётимизнинг тўла ҳуқуқли мустақил соҳаси бўлиб қолди. Бугун ёзувчи ҳам, китобхон ҳам танқидий сўзга мунтазир. Танқидчилик савиясининг ортиши билан унинг мавқеи мустақамланиб, обрўи ортиб бормоқда. Эҳтимолки, бу — ўзбек танқидчилари эришган энг салмоқли ютуқдир. Адабий танқидни бугунги поғонага кўтаришда Иззат Султон, Ҳомид Ёқубов, Сарвар Азимов, Матёқуб Қўшонов, Лазиз Қаюмов каби кўпни кўрган, тажрибали адабиётшунослар билан бирга С. Мамажонов, И. Ғафуров, П. Шермухамедов, Н. Худойберганов сингари нисбатан ёш танқидчиларнинг ҳам хизмати катта. Умарали Норматов шулардан бири. Мана, салкам чорак асрдирки, у ўзининг салмоқли китоблари, теран мазмунли мақолалари билан адабиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Ижодкорнинг қадри ва мартабаси, обрўи ва мавқеи унинг маънавий ҳаётимизга қўшган ҳиссаси билан белгиланса, Умаралини ҳеч иккиланмай, бугунги ўзбек танқидчилигининг етук вакиллари билан бирга деб аташ мумкин.

Умарали 50 ёшга кирди. Унинг ярим асрлик ҳаётининг тенг ярми менинг кўз ўнгимда кечди. Шу сабабли ҳам мен унинг ҳаётидаги айрим нуқталарга назар солишга, баъзи муҳим ҳодисаларни эслашга жазм қилдим. Уйлайманки, улар Умаралининг ижодкор ва инсон сифатидаги қиёфасини тўлароқ тасаввур этишга ёрдам беради.

Биринчи марта Умаралини 1955 йилнинг сентябрида кўрган эдим. Умарали у пайтларда Ўрта Осиё Давлат университетига (ҳозирги ТошДУ) филология факультетининг IV курс талабаси эди. Мен эса эндигина Москвада ўқишни битириб, кандидатлик диссертациясини ёқлаб қайтган эдим. Олий ўқув юртидаги биринчи иш кўним Умаралилар курсидаги лекциядан бошланган. Шуниси ажабланарлики, бу группадаги студентларнинг кўпчилиги ёши деярли мен билан баробар йигит-қизлар эди. Табиий, мени уларнинг салобати босиб, лекцияни қандай ўқганимни ҳам билмаган эдим. Одатдагидек, лекция охирида «Савол борми?», деб мурожаат қилдим. Озгингина хушбичим йигит қўл кўтарди. Бу — Умарали эди. Менга маъқули шу бўлдики, Умарали баъзи шум йигитчалардек ўқитувчини мот қилиб ҳузурланмиш учун ёки «Биз ҳам чакана эмасмиз, кўриб қўйинг», «қабилда мақтаниш

# ҲАҚҒҮЙ ҲАМҚАСАБАМИЗ

Ноёб қобилият — бадий адабиётнинг жони. Танқидчиликда эса бу ундан ҳам муҳим. Қарга борсангиз, рўпарангиздан чиқиб, домлаларидан эшитиб олган ибораларини пеш қиладиган ҳар бир маълумотли одам танқидчи бўлавермайди. Қадимги Ҳиротда каппонгами, базозлик растасигами кетаётган кимса йўлда дуч келган ҳар учинчи одамни тўхтати: «Сиз шоир эмасмисиз?», деб сўраса, «Орий, муҳтарам зот, мен шоирман», деган жавобни эшитаркан. Ҳозир саводли, завқли кишилар кўп, аммо буларнинг ҳаммаси ҳам ноёб қобилият эгаси эмас, албатта. Ноёб гавҳар денгиз тубидаги беҳисоб чиганоклар ичида гоҳо-гоҳо учраб қолганидек, чинакам талант ҳам кам бўлади.

Мен адабиётимиз олими Умарали Норматов иқтидорини, жоиз бўлса, шундай ноёб гавҳарга ўхшатмоқчиман. Унинг юрагида ҳамма вақт бир оташ аланга олиб турадики, бу — адабиётимизга ҳалол хизмат қилиш иштиёқидир. Ҳақғўйлик ва ижодкорга шеъривонлик — унинг фазилати. Бизларга нисбатан анча ёш бу йигитнинг юрагидаги барқарор олижаноблик кўпларнинг диққатини жалб этди.

роман, икки-учта қисса, тўрт-бешта дoston пайдо бўлган кезларда бу осон эди. Энди аҳвол ўзгарди. Адабиётимизда ҳар йили ўнлаб йирик асарлар, юзлаб шеърӣ тўпламлар, туркумлар, дostonлар юзга келмоқда. Бу қувонарли ҳол, албатта. Шу билан бирга бу танқидчининг ишини гоят қийинлаштиради. Китобхон ана шу асарларни танлаб, саралаб, ёққанини ўқиши мумкин. Танқидчи эса уларнинг яхшисини ҳам, ёмонини ҳам, ёққанини ҳам, ёқмаганини ҳам ўқиши керак. Улар ҳақида бирон тақриз ёхуд мақола ёзиш-ёзмаслигидан қатъий назар ўқиб чиқмоғи керак. Уқимаса, у адабий жараёндан узилиб қолади, адабий ҳаёт ҳақидаги фикрлари чала бўлади. Умарали шу машаққатли ишдан қочмайди, уни астойдил бажаради, бирон жиҳати билан йилт этган, адабий жараёнда бирон фазилати билан из қолдирувчи ҳар бир асар ҳақида, албатта, тақриз ёзади. Уз вақтида чиққан объектив, тўғри тақриз ёзувчи учун қанчалик мадад бўлишини, бинобарин, адабиётимизга катта фойда келтиришини, унинг ютуқларидан кенг китобхонлар оммасини тезроқ огоҳ қилишини айтиб ўтирмасак ҳам бўлар. Адабиётимизда Умаралининг синчков назаридан ўтмаган биронта ҳам жиддий, салмоқли асар йўқ, десак, янглишмасмиз. Яна шуниси муҳимки, у, асосан, бугунги проза масалаларига кўпроқ қизиққан ҳолда, драматургия, поэзия, танқидчиликдаги янги асарларни ҳам эътибордан қочирмайди.

Умарали ижоднинг менга маъқул яна бир қирраси борки, у ҳозирги ўзбек танқидчилигининг энг муҳим фазилатларидан бири билан боғлиқ кетади. Бу — ёзувчи шахсиятига теран ҳурмат. Афсуски, бир вақтлар адабий танқид шу хислатдан анча маҳрум эди. Қўлига қалам олиб, тақриз ёхуд мақола ёзишга киришган ҳар бир одам камида ўзини ёзувчининг устози деб билар, унга қандай ёзиш кераклигини ўқитиб, сюжетни қандай қуриш лозимлиги, характерларни қандай ишлаш зарурлиги тўғрисида кўрсатма берар эди. Баъзи ҳолларда эса ёзувчини камситадиган, иззат-нафсига тегадиган гаплар ҳам аямай ишлатиларарди. Ҳозир шароит тубдан ўзгарди. Биз танқиднинг моҳиятини ҳам, вазифаларини ҳам чуқур ўзлаштириб олаётимиз. Шу туфайли бугунги танқид адабиёт ҳақидаги объектив ва талабчан мулоҳазаларини сусайтирмаган ҳолда, ҳар бир мақола учун чуқур масъулият

Шу сабабли ҳам мен уни ноёб гавҳарга қиёсламоқдаман.

Профессор Умарали Норматов ҳақғўй танқидчи, шу билан бирга, асар ҳали қўлёзмалигидаёқ автор билан дилдан маслаҳатлашадиган, бадий асарни куртаклигидан бошлаб, то пишиб етилгунча авайлайдиган (албатта, гап яхши асар устида кетяпти), агар адабиётимизда бир яхши асар пайдо бўлса, баъзилардек оғзига талқон солиб олмай, чин қалбидан қувонадиган дўст ҳамдир. Белинский «Ғариб кишилар»ни журналда ўқиб, туну билан ухламай авторни — Достоевскийни қидирган экан. Степан Шчипачев: «Мен ажойиб мисралар устида, завқу қувончимдан йиғлайман, гэрчи бу мисра-

ҳисси билан иш юритмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, мақолаларимиз эминидега ижодкор шахсиятига теран ҳурмат пайдо бўлади. Танқидчиларимиз адабиётга ижодкор ишининг машаққатларини тушунган ҳолда, энг муҳими эса, «истеъдод ноёб нарса, унга ғамхўрлик билан муносабатда бўлиш керак» деган партия кўрсатмасини дастуриламал қилган ҳолда муносабатда бўлмоқдалар. Умарали бугунги адабий танқиддаги шу муҳим принципни ҳаётга жорий этишда яхши хизмат кўрсатиб келаётган танқидчилардан биридир. У тақриزلарида ҳам, мақолаларида ҳам ва, айниқса, Саид Аҳмад, Шухрат, Худойберди Тўхтабоев каби ёзувчилар ҳақидаги ишларида ҳам шу принципга қатъий амал қилади. У асарларида ёзувчиларга юқоридан қарамайди, уларга ақл ўргатмайди, айни чоқда, улар қаршисида қўл қовуштириб, ҳамма нарсага бош иргаб ҳам турмайди. Умаралининг энг муҳим қуроли таҳлил — у асар ҳодисаларини ҳаёт ҳодисалари билан чоғиштириб, таққослаб, фикрини ишончли далиллар, мантиқ кучи билан ифодалайди. Натижада, унинг мақолаларида бир томонламалик йўқолиб, объективлик пайдо бўлади. Бу эса танқидчи сўзининг салмоғини орттиришга, танқидчилик эътиборининг ўсишига хизмат қилади.

Умарали ижодидаги менга маъқул фазилатлардан яна бири ундаги илмий чуқурлик, фикрий теранлик ёхуд, ҳозирги расм бўлган ибора билан айтсак, концептуалликдир. Бу ҳам гоят муҳим фазилат бўлиб, танқидчиликнинг энг катта муаммоларидан бирини тўғри ҳал қилишга ёрдам беради. «Танқидчи ким? У ҳам адиб, шоир ёки драматург каби ижодкорми ёхуд бошқаларнинг маҳсулини таснифлаб, изоҳлаб берадиган тафсирчимиз?», деган масала устида кўп замонлардан бери тортишув боради. Кейинги пайтларда «танқидчи — ижодкор» деган қараш тарафдорлари устун кела бошлади. Лекин танқидчининг мустақил ижодкор эканини эътироф этиш билан иш битмайди. Танқидчининг ким бўлиши, биринчи навбатда, танқидчининг ўзига боғлиқ. У ижодкор ҳам бўлиши мумкин, оддий тафсирчиликдан нарига ўтмаслиги ҳам мумкин. Хўш, танқидчини ижодкор деганимизда нимани тушунаемиз? Менингча, даставвал, танқидчининг фикрлашини. Унинг фикрлари янги, теран, умумлаштирувчи бўлмоғи керак. Танқидчи адабиёт баҳонасида адабий жараён ҳақида

ларни мен эмас, бошқа шоир ёзган бўлса ҳам...», деган эди. Мана шу хусусият, менинг кузатишимча, Умаралига ҳам хос. Фаргона тоғларидан оқиб тушган зилол сувни ичиб, Фаргона офтобидега тобланган бу йигитнинг юрагидаги мана шу нур мени мафтун этади.

Бемор жарроҳга ишониши керак. Биз Умаралининг қалби ниҳоятда қайноқ, покиза эканлигига ишонганимиздан, гапига жон деб қулоқ соламиз. У танқид тигини ушлаганида қўли қалтирамайди. Асарларимизни таҳлил этишда ишнинг кўзини билиши, дадиллиги ва ишончи сезилиб туради. У ҳаммадан қолган сийқа гапни айтмайди. Асарни ўқиб-ўқимай, тушуниб-тушунмай «фикр» айтишга

ҳам, ҳаётдаги тенденциялар ҳақида ҳам фикрлаш иқтидорига эга бўлмоғи керак. Умаралининг кўпгина мақолалари шу жиҳати билан қимматли — уларда танқидчи фактларга эсир бўлиб қолмайди, адабий ҳодисалар ортидан бормайди, балки ҳар гал адабиётимиз ривожини учун муҳим йирик-йирик масалаларни ўртага ташлайди, ҳар гал адабий ҳодисаларга бирон оригинал нуқтаи назардан қараб, салмоқли хулосаларга келади. Умарали Иттифоқ миқёсидаги аддгий баҳслар ва мунозаралардан яхши хабардор, лекин уларда олға сурилган янги фикрларни бизнинг адабиётимизга механик равишда татбиқ қилмайди, балки уларга таянган ҳолда адабиётимизнинг ички ҳаётини келиб чиқиб, янги масалалар, проблемаларни кўтаради. Унинг «Туклик», «Социалистик реализм назарияси ва ҳозирги адабий жараённинг баъзи масалалари», «Социалистик реализм ва ёзувчининг ижодий индивидуаллиги» каби мақолаларини ўқиб чиқсангиз, бунга амин бўласиз. Мен шу мақолалардан биридан кичик мисол келтириш билан чекланаман. Умарали ёзувчининг ижодий индивидуаллигини тадқиқ қилар экан, кўп масалалар билан бирга муштарак мавзуларда ёзилган асарларни қиёсий ўрганиш муҳимлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, бундай асарлар турлича ижодий индивидуалликка эга ёзувчиларнинг бир-бири билан мунозараси оқибатида пайдо бўлади ва ёзувчининг ўзига хошлигини аниқлашда жуда бой материал беради. Мунаққиднинг ўзи «Навоий» романи ва «Алишер Навоий» драматси, «Мирзо Улуғбек» трагедияси ва «Улуғбек хазинаси» романи, «Болалик», «Ўтмишдан эртаклар», «Кўрган-кечирганларим» каби бир-бирига яқин қиссаларни қиёсан таҳлил қилиб, авторларнинг ижодий индивидуаллиги ҳақида жуда ўринли ва қимматли мулоҳазалар айтиди.

Ижодкор ўз услубига эга бўлиши керак. Кўпинча ижодкор, шу жумладан танқидчи ҳам, бутун умри давомида ўз услубини излаб ўтади. Бу — табиий, чунки услуб — ижодий индивидуалликни намоён этиш шаклидир. Уни мунтазам равишда шакллантириб, мукаммаллаштириб бориш керак. Бинобарин, доимий изланиш, янги-янги ифода усулларини қидириш танқидчининг ҳам муҳим вазифаси. Бизнинг ҳозирги танқидчилигимизда изланиш руҳи ҳоким. Унинг бу йўлдаги муваффақиятларини таъминлашда Умарали Норматовнинг ҳам ало-

шошадиган чала муллалар ҳам борда. Бундай пайтда Умарали каби ўртоқлар ижодкорга тасалли ва куч бағишлайди.

Умарали Норматов «Гўзаллик билан учрашув», «Насримиз анъаналари», «Жанр имкониятлари», «Талант тарбияси» каби ажойиб китобларнинг авторидир. У асарни ўткнчи қолипларга солиб баҳоламайди, индивидуал ёндашиб, ҳалол таҳлил этади. Баъзилардек, нега сен машҳур фалончига ўхшаб ёзмайсан, дея туриб олмайдди. Ургандан туртган ёмон, деганларидек, у ҳеч қачон ижодкорни камситиб, унга ваъз айтиб, ҳамма нарсаи ўзи биладигандек, насиҳат қилмайди. Ёзувчининг ёнига тушиб, барвафр фикрлашади. Айтмоқчиманки, она тупроқни севган киши, она адабиётни ҳам севади.

Гапимнинг охирида ўзимизнинг жайдари сўзлар билан бўлса ҳам, азиз дўстимнинг эллик ёши, яъни ўн гулидан бир гули очилганига йигит ёшини муборакбод этаман! Ўткир ва адолатли, шифобахш тигингиз асло зангламасин. Бадий ҳаққоният йўлида барқарор туриб, халқ учун, адабиётимиз камоли учун хизмат қилаверинг, ҳақғўй ҳамқасабамиз.

ҳида ҳиссаси бор. Унинг мақолалари сохта илмийликдан холи, яъни у оддий нарсаларни чалқаштириб, узундан-узок, мураккаб шаклда ифода-лаб, ўзининг «доно»лигини намоён этишга, аксинча, мақолаларида соддаликка, ихчамликка интилади. У мақолаларини мароқли қилиш учун сийқа латифалар, ўринсиз ривоятлар, енгил-елпи сўз ўйинларига ҳам муножаат этмайди, балки фикрий теранлик, баҳснинг кескинлиги билан асарнинг ўқишли қизиқшига эришади. Ниҳоят, бугунги танқидчиликни янги шакллар билан бойитиш борасида ҳам Умарали самарали меҳнат қилмоқда. Мен бу ўринда танқидчининг ёзувчилар билан баҳсларини назарда тутаётиман. Буни «диалог» деб ҳам атайдилар. Албатта, «диалог» мутлақо янги шакл эмас — у рус адабиётида, танқидчилигида асримизнинг бошларидаёқ маълум эди. Қолаверса, жаҳон адабиётида бу шакл кўпдан буён қўлланиб келинаётганини айтиш мумкин. Лекин бу шакл ўзбек танқидчилиги учун янгилик, уни жорий қилишда Умарали биринчилардан бўлиб жонбозлик кўрсатди. Лекин бу ўринда ҳам гап фақат шаклда эмаслиги, шу шаклга сингдирилган мазмун муҳимлигини таъкидлаш керак. Бу жиҳатдан ҳам Умаралининг баҳслари ижобий баҳога муносиб. Танқидчининг Назир Сафаров, Ҳамид Фулом, Мирмуҳсин, Асқад Мухтор, Саид Аҳмад, Пиримқул Қодиров, Шухур Холмирзаев билан қилган суҳбатлари шундай асарлардан. Уларнинг ҳар бири бугунги адабий жараённинг жуда муҳим масалаларига бағишланган. Баҳсларнинг бирида адабиётнинг ижтимоий бурчи ҳақида фикр юритилса, иккинчисида адабий танқид проблемалари тилга олинади, учинчисида маҳорат масалалари тадқиқ қилинса, яна бирида табиат муҳофазасида адабиётнинг мавқеи масаласи ўртага ташланади. Бу масалалар ҳақида баён этилган фикрлар бугунги танқидий фикр ривожига ҳам, ижтимоий онгининг ўсишига ҳам фаол таъсир кўрсатади.

Умаралининг асарлари ҳақида кўп гап айтиш мумкин. Лекин, назаримда, айтилганларнинг ўзинёқ уни адабиётимизнинг истикболи ҳақида тинимсиз қайғурувчи етук олим, истеъдодли танқидчи, моҳир педагог сифатида таърифлаш учун қифоядир. Бу коммунист олим бугун ҳам танқидчилик фаолияти билан энг олий мақсадларга хизмат қилишга — коммунистик қурилиш ишига муносиб ҳисса қўшишга камарбаста.

## ДАРДИ – ШОИРНИНГ ДАРДИ

**Х**АР БИР санъаткор ижодида бўлганидек, Алишер Навоий шеърятда ҳам муаллифнинг шахсияти, ҳаёти, у кечирган қувонч ва ташвишлар ўз ифодасини топган. XV асрдаги Урта Осиё ва Хуросонда ҳукм сурган ижтимоий-сиёсий ҳаёт, тож-тахт учун олиб борилган уруш ва низолар, бу уруш-жанжалларнинг бутун оғирлиги меҳнаткаш фуқаро зиммасига тушганлиги она халқнинг фидокор фарзанди — Алишер Навоийнинг газал ва дostonларида, шеърини мактубларида акс этди.

Маълумки, шоир лирикасида улғу санъаткор шахси билан лирик қаҳрамонни бир-бирдан ажратиш анча қийин. Анъанавий романтик газалларда лирик қаҳрамон шоир ўй-хаёлларидан туғилган образ сифатида гавдаланади ва муайян даражада реал ҳаётдан олис туради. Автобиографик характердаги шеърларда эса, Навоий замонасининг вакили сифатида жуда ёрқин кўринади. Реал ҳаёт билан боғланган бундай асарларда шоир ўз кайфиятини аниқ, ишончли деталлар орқали тасвирлайди.

Таниқли навоийшунос олим, профессор Абдуқодир Ҳайитметовнинг таъкидлашича, шоир «ўзининг шахсий аҳволи ва ҳис-туйғуларини, жамиятга бўлган муносабатини тўғридан-тўғри, бевосита очиқ ёзган вақтлари ҳам кўп бўлди». Аммо мутафаккир санъаткорнинг шу тоифадаги асарларини ҳам ғоявий-тематик чекланган, интим асарлар сирасига киритиш мумкин эмас. Аксинча, улар ҳам «чуқур ижтимоий мазмун касб этади, умумлашма образ даражасига кўтарилади».

Жунун водийсига мойил кўрарман  
жони зоримни,  
Тилармен бир йўла бузмоқ бузулган  
рўзгоримни.  
Фалак бедодидин гарчанд мен хоку  
губор ўлдум,  
Тиларман топмағайлар тўтиёлиққа  
губоримни.

Навоий Султон Абусаид мирзо томонидан Ҳиротдан Самарқандга «ихроҷ қилинган» йилларда битилган бу мисралар фақат шахсий ташвишлардан эмас, ўша даврдаги ижтимоий фожиалардан, халқ бошига тушган ғам-аламлардан сўзлайди. Зотан, шоир эл-юртнинг фожиалари, ғам-аламларига умр бўйи шерик бўлиб яшади.

Алишер Навоийнинг шахсиятини, инсоний фазилатларини ўрганишда унинг дostonлари муҳим аҳамиятга эга. Бу ўринда, хусусан «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» дostonларини эслаб ўтиш жоиздир. Ана шу ўлмас асарларнинг ижобий қаҳрамонлари кўп ҳолларда одамийлик фазилатлари, интилишларига кўра буюк адибнинг ўзини ёдга туширадilar. Масалан, Фарҳоднинг болалик йиллари тасвирланган қуйидаги мисраларни эсланг:

Ажабдур уч ёшида кўзга атфол,  
Нечунким ўн ёшида ўзга атфол.

...Қаю илмики йўқ андин ниҳонроқ,  
Анинг қошида йўқ андин аёнроқ.  
...Агар бир қатла кўрди ҳар сабоқни,  
Яна очмоқ йўқ эрди ул варақни.

Уқуб ўтмак, уқуб ўтмак шиори,  
Қолиб ёдида сафҳа-сафҳа бори.

Кўриниб турибдики, Фарҳоднинг ёшлиги Алишернинг болалик чоғларига ўхшаб кетади. Навоий «Мажолис ун-нафоис»да ёзади: «Ҳамоно уч ёш била тўрт ёшнинг орасида эрдим, азизлар ўқимоқ таклиф қилиб... эрди».

Навоий «Лисон ут-тайр» муқаддимида ўзининг талабалик йилларини эслаб шундай дейди:  
Едима шундоқ келур бу можаро,  
Ким, туфлият чоғи мактабаро.

...Истабон ташхиси хотир устод,  
Назм ўқутурким равон бўлсун савод.

Насрдин баъзи ўқур ҳам дoston,  
Бу «Гулистон» янглигу ул «Бўстон».

Менга ул ҳолатда таъби бул ҳавас,  
«Мантиқ ут-тайр» айлаб эрди  
мултамас.

...Тек чун ёдимда эрди ул калом,  
Ешурун такрор этар эрдим мудом.

Асарда муаллиф образининг ёритилишини, бошқача айтганда, ижодкордаги айрим хислатларнинг асар қаҳрамонига «ўтишини» «Лайли ва Мажнун» дostonи мисолида ҳам кўриш мумкин. Навоий асарнинг турли ерларида ўзини Мажнунга, Мажнунни ўзига қиёс қилади. Бу дoston бош қаҳрамони — Қайснинг ақли, фаҳм-фаросати, зийраклиги, ҳар бир ишни мулоҳаза билан бажариши, маъноли ҳаракатлари шоирнинг болалик пайтидаги хислатларини эслатади. Худди шунингдек, Қайснинг Лайлини кўриб, унга ошиқу беқарор бўлганидан кейин маъшуқасига атаб шеърлар битишини ҳам муаллифдан қаҳрамонга «ўтган» одатлар сирасига киритиш мумкин. Шоир бу ҳолатни шундай тасвирлайди:

УзФА Қўлэзмалар институтининг олимлари (чапдан) — филология фанлари кандидатлари: Ботир Ҳасанов, Людмила Серикова, филология фанлари доктори Солиҳ Муталлибов, институт директори, филология фанлари доктори Азиз Қаюмов, филология фанлари кандидати Муҳаммадjon Ҳакимов навоийшунослигимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётirlар.

А. ЖДАНОВ фотоси



Лайли ғамидин қилиб тафаккур,  
Юз байту газал деб ўйлаким дур.

Ҳам қофияси анинг сифоти,  
Ҳам барча радифи анинг оти.

Эшитгач ани ғамин у дилшод,  
Юз завқу нишот ила тутиб ёд.

...Ҳар лафзида шавқу ҳарфи мубҳам,  
Ҳар ҳарфида ишқ сирри мудғам.

Ул назм илаким тузуб навое,  
Солиб улус ичра ҳой-ҳое.

Дostonдаги Навфал образи ўз инсоний хислатлари билан мутафаккир санъаткорнинг фазилатларини эслатади. Бошқаларга ҳамиша меҳр-муҳаббат, ҳамият кўрсатиб ўрганган Навфал саҳрода Мажнунни учратиб, ҳол-аҳвол сўрайди. Мажнун эса ўзининг ишқ дардида сарсон-саргардон бўлиб юрганлигини айтади. Навфал унга олийҳимматлик кўрсатиб:

Фарзанд қилай сени ўзумга,  
Миннатни қўяй ёруғ кўзумга, —  
дейди-да, уйига бошлаб кетади.

Навоий кўпинча дostonларидаги ижобий қаҳрамонларга ўзини яқин олиб сўзлайди. Улар ҳаётидаги ҳаяжонли дақиқаларда эса, шоир ўзини асар қаҳрамонидек ҳис этади. Хурсандчилик ҳақида сўз кетганда муаллиф шоду хуррам гапиради, бирон фожиа тасвирланаётганда эса, алам ва изтиробини изҳор этади. Чунончи, шоир ишқ дардига мубтало бўлиб саҳрода ёввойи ҳайвонлар орасида юрган Мажнуннинг аҳволини тасвирлаб, шахсий ҳолатини ҳам баён этади:

Мунглиғмену мунг била паёмим,  
Мунглиғ кишилар сўзи паёмим.

Профессор А. Ҳайитметов таъкидлаганидек, «Ҳамса»га кирган дostonларнинг айрим ўринларида «Навоий

қаҳрамонлари билан муҳит ўртасидаги зиддият шоирнинг ўзи билан унинг муҳити ўртасидаги зиддият билан қўшилиб кетиб, бу унинг дostonларига алоҳида жонлилик ва ҳаётлилик бағишлайди. Чунки шоир ўзининг қаҳрамонларига жуда яқин туради, уларнинг бахтига, бахтсизлигига шерик бўлади».

«Лайли ва Мажнун»да ошиқ ва маъшуқанинг изтиробли кайфиятини ифодаловчи шундай бир ҳолат бор: Лайлининг мактубини ўқиган Мажнун маъшуқасига жавоб хати йўллайди. Мактубида у ўзининг мисли кўрилмаган даражада аянчли аҳволда қолганлигини, ишқ дарди ҳалоқат соҳилига олиб бориб қўйганини изҳор этади. Мактуб орқали Мажнуннинг аҳволидан огоҳ бўлган Лайли яна ҳам кучлироқ изтиробга тушади. Навоий икки севишган ёрнинг кайфиятини тасвирлар экан, ўзи ҳам руҳан қийнала бошлайди. Дард, алам қалбини бутунлай забт этади. Зеро, шоирдаги бундай руҳсизлик ижтимоий муҳит, муаллифнинг шахсий фожиаси билан боғлиқ эди. Чунки шоир умр кечириётган ҳаёт дostonда тасвирланган ҳаётдан деярли фарқ қилмас эди.

Аёнки, Навоий «Лайли ва Мажнун» дostonини ҳам қадимий афсонани назмга тизиб мақсадидагина ёзган эмас. Асарда ифодаланган воқеалар баҳонасида замондошлари юрагидаги дардлари баён этишни мақсад қилиб қўйган, замонасининг ижтимоий ҳодисаларига муносабатини билдирган. Бу ҳақда шоир шундай деб ёзади:

Мен хастаки бу рақамни чектим,  
Таҳрири учун қаламни чектим.  
Езмонта бу ишқи жовидона,  
Мақсудим эмас эди фасона,  
Мазмунига бўлди руҳ майли,  
Афсона эди анинг туфайли.  
Лекин чу рақамга келди мазмун,  
Афсона анга либоси маззун.

Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрида сахналаштирилган «Алишер Навоий» спектаклининг моҳир ижрочиларидан бири, СССР халқ артисти Аброр Ҳидоят «Лайли ва Мажнун» дostonидаги Мажнунни Шекспирнинг Гамлетига қиёслаб шундай деган эди: «Қайс ўзи яшаган хурофий ақидаларга, диний тартибларга, бидъатларга, инсон қадрини таҳқирлаган урф-одатларга қарши чиқиб, аёлни улуғлаганда амирлар, шайхлар уни мажнунга чиқарганлар. Аслида эса, Қайс — замонасининг энг покдомон инсонларидан бири. Шу каби Гамлетни ҳам, унинг юксак фазилатлари учун, гуманистик қарашлари учун, ўша разил, қабоҳатли дунёга қарши исён кўтармоқчи бўлганлиги учун «клавдийлар, полонийлар «ақлдан озган» деб эълон қиладилар».

Қисқаси, мутафаккир шоир бошқа дostonларидаги каби «Лайли ва Мажнун»да ҳам ўз дунёқарашини, гуманистик фикрларини асар қаҳрамонларининг ҳаёти, ўй-хаёллари орқали ифода этган. Бошқача айтганда, давр фожиалари туфайли жабр кўрган Мажнуннинг дардларини шахсий дардлари сифатида қуйлаган, зулм ва эрксизлик, жаҳолат ва бидъатга қарши норозилигини асарларида шу тариқа баён қилган.

Жўрахон РАҲИМОВ

Наманган

# А

ЛИШЕР НАВОИЙ асарлари ўрта асрлардаги каби XIX асрда ҳам Урта Осиё ва Яқин Шарқда, жумладан, Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Хева шаҳарларида кўплаб нусхаларда кўчирилган. Уларнинг каттагина қисми УзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасидан жой олган. Бу ерда шоир асарларидан 607 нусха жамланган бўлиб, шундан 80 таси «Хамса», 43 таси «Чор девон» — «Хазойин ул-маоний»-дир. «Хамса»нинг Навоий ҳаёт пайтида кўчирилган фанга маълум беш нусхасидан иккитаси институтимизда, қолганлари Англия, Туркия кутубхоналари ҳамда Ленинградда сақланади. Шу ўринда шоир қўлёзмалари каталоги ҳам институтимиз томонидан нашр этилганини айтиш керак.

Маълумки, Алишер Навоий «Хамса»ни Хусайн Бойқарога бағишлаган. Машҳур адиб Зайниддин Восифийнинг ёзишича, шоир даҳосига тан берган Хусайн Бойқаро уни ўзининг хос отига миндириб, таъзим бажо келтириб миннатдорчилигини изҳор этган.

«Хамса»чиликка асос солган улўф озарбойжон шоири Низомий Ганжавийдан кейинги салкам саккиз аср давомида Хусрав Деҳлавий, Абдулла Ҳотифий, Ҳожўйи Кирмоний, Абдураҳмон Жомий каби 28 шоир форс тилида «Хамса» сюжетлари асосида дostonлар ёздилар. Алишер Навоий ҳам «Низомий панжасига панжа

асарларини кўчириш ва зийнатлашда зўр маҳоратларини намойиш қилдилар.

Шарқшунослик институтида сақланаётган «Хамса»нинг қўлёзма нусхалари ҳақида сўз юритарканмиз, бу буюк асарнинг ўн беш нодир нусхаси ҳақида алоҳида сўзлаб ўтмоғимиз керак. Ҳар бир дoston зарҳал жадваллар, бадий лавҳалар, нафис гуллар ва нақшлар билан зийнатланган. Ҳирот ва Мовароуннаҳрда яратилган, ипак қоғозга ёзилган бундай қўлёзма китоблар кишининг кўзини қувонтиради, юксак завқ бағишлайди. Ана шундай қўлёзмалардан кўпчилиги Бухоро, Самарқанд, Хева ва Тошкентда кўчирилган нусхалардир. Баъзи нусхалар қадимий нусхаларга солиштирилиб тузатилган, луғатлар билан таъминланган. Айрим нусхалар эса тўрт йўлли қилиб кўчирилган. Барчаси настаълиқ хати билан ёзилган.

Мисол учун Алишер Навоийнинг хусусий котиби Абдулжамил котиб томонидан «Хамса» ёзиб тамомланиши биланоқ, 1484 йили Ҳиротда кўчирилган нусхани олайлик. Бу нусха «Абдулжамил нусхаси» деб шуҳрат қозонган. 5018-рақами остида сақланаётган бу қўлёзма жаҳонда энг мўтабар нусха ҳисобланади. У Алишер Навоийнинг буйруғи билан шоирнинг хусусий кутубхонаси учун кўчирилиб, унинг назаридан ўтган.

Шарқшунослик институтида Абдулжамил нусхасидан кейин яна бир нодир нусха борки, у ҳам Навоий ҳаётлик пайтида настаълиқ хати би-

котибнинг қалами билан Хисор шаҳрида кўчирилган. Ҳар бир дostonнинг аввалига бадий лавҳалар иншо қилинган. Бу нусхада Навоийнинг «Тарихи анбиё», «Тарихи мулуку Ажам», «Маҳбуб ул-қулуб», «Лисон ут-тайр» асарлари ҳам бор. 1316-рақамли «Хамса» ҳам жуда кўркам настаълиқ хати билан тўрт йил чамасида Мирзо Исмоилбек томонидан Бухорода қўқон қоғозига кўчирилган. Асарнинг ўн жойида, китоб четлари-га ажойиб нақшлар ишланган, зарҳал билан зийнатланган. Биринчи саҳифага айланма нақш чизилиб, асарнинг номи кўфий хатида битилган. Умуман, институтимизда сақланаётган «Хамса» қўлёзмаларини жами 45 котиб кўчирган.

Ўрни келганда айтиш керакки, Навоий «Хамса»сининг ажойиб нусхалари Ленинград, Тошкент, Бодлеян, Лондон, Истанбул, Душанба, Қўқон, Пекин, Қозон, Олмаота ва бошқа шаҳарларда ҳам сақланмоқда.

Бу мақолада Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хазинасидаги Алишер Навоий «Хамса»сининг баъзи нусхалари ҳақида қисқача сўзладик. Энди бошқа жойларда сақланаётган нусхалар ҳақида ҳам қисман маълумот беришга тўғри келади. Масалан, УзФА Қўлёзмалар институти фондида «Хамса»нинг 20 нусхаси бор. Ҳаммаси XIX асрда Ўзбекистонда кўчирилган. Булардан учтаси нодир нусха ҳисобланади. Чунончи, 23-рақамли, ажойиб нақшлар билан зийнатланган нусханинг аввалида Навоийнинг «Лисон ут-тайр» асари бор. Асарга саккиз

## Меросимизни ўрганамиз

# НАВОИЙ ИЗДОШИ

Жавоб ўлмиш Навоийнинг сўзгина бу газал, Кулфат, Мани бедил санга жон ўйнамоқ бирлан ярайдурман.

Алишер Навоий шеърини таъсирдорлиги билан бадий жараёнга, истеъдодли шоирлар ижодига катта таъсир кўрсатиб келмоқда. Улуғ шоир олдинга сурган инсонийлик, халқчиллик, ватанпарварлик ғоялари кейинги давр шоирларининг ҳам диққат-эътиборини тортди, устод ғазаллари-га жавоб тарзида назира ва муҳаммаслар ёзишга ундади. Навоийдан кейин яшаб ижод этган ўзбек шоирлари орасида бу маънавий чашмадан баҳраманд бўлмаган кишини учратиш қийин.

Яқинда Навоий издошларидан яна бири — Кулфат тахаллусли шоир маълум бўлди. XIX асрнинг II ярмида яшаган бу шоирнинг ижоди — яқин-яқинларгача ҳам илмий жамоатчиликам номаълум эди. Шоир Кулфат асарларини филология фанлари кандидати, адабиётшунос Аҳмадjon Мадаминов Қўқон шаҳри бўйлаб уюштирилган археографик экспедиция вақтида топди; Алишер Навоийнинг XVIII аср охири XIX аср бошларида китобат қилинган «Ғаройиб ус-сиғар» девони ҳошиясига Кулфат тахаллусли шоир ғазаллари битилганини аниқлади. Кейин эса, қўлёзмани Ҳ. Сулаймонов номидаги УзФА Қўлёзмалар институтига юборди. Шу тариқа биз Кулфат ижоди билан танишишга муяссар бўлдик.

Аммо, таассуфки, қўлёзманинг бирон жойида шоир ҳаёти ва ижоди оид аниқ маълумот учрамади. Фақат баъзи мисраларидан унинг ва ота-онасининг муҳтожликда яшагани англашилади:

Кулфато! Шаҳ қошида қуллик эмас сендин ғариб,  
Ким отанг ҳам сен киби қулдур,  
онанг бордур каниз.

Қўлёзмани ўрганиш жараёнида маълум бўлдики, Кулфат ғазалиёти Алишер Навоийнинг 162 ғазалига айтилган 2760 мисрадан иборат жавоб татаббуларидир. Уларнинг ҳошияга битилиши ҳам бесабаб бўлмаसा керак. Кулфат ўз шеърлари Навоий ғазалларига ёзилган махсус жавоблар эканини таъкидлаган. Шеърларни муқоёса қилишда китобхонга қулайлик туғдирмоқчи бўлган. Шоир ўта қашшоқ умр кечирган ва моддий қийинчиликлар туфайли ўз шеърларини оққа кўчира олмаган бўлиши ҳам мумкин.

Классик адабиётда жавоб ёзиш санъати жуда қадимдан бор. Жавоблар асосан тахмис ва татаббу усулида битилган.

Кулфат, анъанага кўра, ўз татаббуларида Алишер Навоий ғазалларидаги вазн, қофия, радифлардан фойдаланган ҳолда мазмунан янги асарлар яратади, буюк шоирнинг илғор ғояларини замонаси шароитига мослаштиради, янги фикрлар билан бойитади, ҳаётий воқеалар билан тўлдирлади.

Масалан, Навоийда:

Муганний нағмаси жон берса  
Базм аҳлига, тонг йўқким.  
Навоий риштан жонин эшиб  
чангига тор этмиш.

# «ХАМСА»НИНГ НОДИР НУСХАЛАРИ

уриб», фалсафий фикрларга бой ажойиб «Хамса» яратиб, ўзбек тилининг куч-қудратини бутун жаҳонга намойиш қилди.

Алишер Навоий асарлари шоир вафотидан кейин ҳам сон-саносиз нусхаларда кўчирилиб, туркий халқлар орасида айниқса кенг тарқалди. Гениал санъаткор асарлари XIX асрда ҳам турли халқлар орасида жуда машҳур бўлган. Жумладан, 7409-рақамли «Чор девон»ни кўчирган котибнинг сўзига қараганда, «Хазойин ул-маоний»ни кўчиришда ғайрат ва матонат шу даражада кучли бўлганки, биргина Қўқонда, Нодира замонасида, яъни 1838 йили олти ой мобайнида 300 адад «Чор девон» бир гуруҳ котиб томонидан кўчирилган. 1838 йили кўчирилган ўша нусхалардан тўрттаси бизгача етиб келган. Бу нусхалар Шарқшунослик институтида сақланмоқда.

Шоир асарларининг шеърини мухлислари ўртасида кенг тарқалиши, кўплаб нусхаларда кўчирилишида, Бухоро, Фарғона, Хоразмда яшаган олим шоирларнинг ташаббуси, хайрихоҳликлари катта аҳамият касб этган. Чунончи, Қўқонда Фазлий, Гулханий, Адо, Ҳозиқ, Нодира, Хевада Мунис, Огаҳий, Баёний, Аваз, Бухорода эса Аҳмад Дониш, Мирзо Азим Сомий, Шарифжон Махдум ва Самарқандда Садриддин Айний каби алломо шоирлар бу борада катта саъй-ҳаракат кўрсатганлар.

Айниқса, XV асрнинг улўф расом ва наққошларидан Камолддин Беҳзод, Хўжа Мирак, Қосимали Чехракушо сингари санъаткорлар Навоий

лан кўчирилган ва ҳар бир дostonнинг аввалига Ҳирот услубида бадий лавҳалар ишланган, аммо котиби ва кўчирилган йили номаълум. Китобда «саҳиҳ нусха» деб ёзилган жумла бор. 360 варақдан иборат бу нусха бир вақтлар Туркия султонининг мулки бўлганлиги ҳам китобга ёзиб қўйилган. Турк тилида ёзилган «Қомус ул-аълум» муаллифи Шамсиддин Сомийнинг ёзишича, Навоий билан Жомий ана шу «Хамса»ни хуросонлик Басирий деган шоир орқали Туркия султонига ҳада қилиб юборганлар. 7554-рақамли бу «Хамса» 1946 йили Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтига топширилган. Абдулжамил нусхаси билан ана шу «Хамса» 1969 йили ЮНЕСКО томонидан Самарқандда ўтказилган темирыйлар давридаги Марказий Осиё санъатини ўрганишга бағишланган халқаро илмий симпозиум кўргазмасида қатнашиб, юксак баҳо олди.

Нодир нусхалардан 8198-рақамли қўлёзма ҳам «асл нусхаларга солиштирилиб тузатилган «саҳиҳ нусха»-дир. Бу нусха Қарши шаҳрида 1836 йили кўчирилган. Яна шундай нодир нусхалардан 6803-рақамли «Хамса»нинг ҳошияларида, асарнинг бошқа нусхаларига солиштирилиб, тўлдирилган байтлар битилган. Шунингдек, араб, форс ва турк сўзларига изоҳлар берилиб, ўн беш варақдан иборат луғат илова қилинган. Бу нусха Хева шаҳрида ўн икки йил мобайнида (1855—1867) Мулла Бобомасум томонидан кўчирилган. 7412-рақамли «Хамса» эса 1822 йили Раҳимқул

миниатюра ишланган. «Хамса»нинг ўзида эса қирқта миниатюра бор. Мажмуа 1824 йили Қўқон шаҳрида Мулла Рўзи котиб томонидан ипак қоғозга кўчирилган. Ҳаммаси 428 варақ. Мажмуадаги миниатюралар Ҳирот мактаби миниатюраларидан композицион тузилиши ва ранг бериш усулига кўра фарқ қилади. Миниатюраларга асар мазмуни ва йил фаслларига мослаб ранг берилган. Чунончи, баҳор тасвири яшил ранг, қиш тасвири тимқора билан бўялган. Қўлёзмалар институтида сақланаётган 790-рақамли нусха эса 1866—1870 йилларда Хева шаҳрида Хоразм хони Муҳаммад Раҳимжон фармони билан Холис тахаллусли шоир Муҳаммад Ёқубхўжа томонидан тўрт йил мобайнида кўчирилган. Унга ажойиб лавҳа ва нақшлар чизилгандир.

Алишер Навоий яратган «Хамса» — жаҳон адабиётининг ўлмас ёдгорликларидан биридир. Бу буюк асар ҳақида қанча сўзламанг, унинг илгари китобхонлар ва тадқиқотчилар кўзи тушмаган янги-янги фазилатлари намён бўлаверади. «Хамса»нинг қўлёзма нусхалари ҳақида эса бундай фикрни айтиш яна ҳам ўринлидир. Чунки ҳар бир қўлёзма «Хамса»нинг фақат ўзига хос тарихи бор. Бу тарихни чуқур текшириш, шубҳасиз, бизга навоийшуносликнинг ҳали кўп мароқли саҳифаларини кашф этиб беради.

**Абдулла НОСИРОВ,**

УзФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти катта илмий ходими

\* \* \*

Улғайму сиришкимдин кўнглига асар ҳаргиз,  
 Ёмғир суйидин ўлмаз хороға хабар ҳаргиз.  
 Ҳижрон тунда алҳақ афғон била ун чектим,  
 Фарёдки, етмайдур ул ойға хабар ҳаргиз.  
 Гар бўлмаса кўнглумда ул шўх таманноси,  
 Кофирман агар қилсам жаннатга гузар ҳаргиз.  
 Жон гулшанида сарвинг бул навки бош чекти,  
 Чўх ақлдин эрмездур тўбиға нэзар ҳаргиз.  
 Бели билан оғзидин жаҳд ила нишон топмон,  
 Мавҳум оғиз ўлмаз, маъдум камар ҳаргиз.  
 Илминг неча афзундур, фахр этмаки, хуш эрмас,  
 Оламни ёрутқайму бир ламча шарар ҳаргиз.  
 Бердим неча жисмимга кўз чашмаларидин сув,  
 Афсуски, бермайдур бул нахл самар ҳаргиз.  
 Десаңки, зарар топмай олам элидин, Кулфат,  
 Жон борида еткурма ҳеч кимга зарар ҳаргиз.

\* \* \*

Маст чиқти отланиб қатлимға чобук қотилим,  
 Шукриллоҳ, эмди қолмаз бўлмағон ҳал мушкилим.  
 Шоми ғам тўлди қаро бахтимға кулбам, ғам эмас,  
 Шуълалиг оҳим шарори бўлди шамъи маҳфилим.  
 Неча кўпроқ йиғладим, ҳеч топмадим андин мурод,  
 Бўлса мундоқ дона, ваҳ, андин на ўлғой ҳосилим?  
 Айлади жисмим маломат ўқи ҳар ёндин ҳадаф,  
 Қочингиз, аҳли маломат, ўт туюшти манзилим.  
 Тутмоғунг уммед домонин фано бўлмай даме,  
 Эй кўнги, найлай бу йўлда ўзлукумдур ҳойилим.  
 Ҳажр дашти узра саргардонлиғим ул навким,  
 Ўт солур оламға кўрган ҳолатимдин ноқилим.  
 Нағмадин бўлди қафас зиндониди булбул асир,  
 Кулфато, бошимға келтурғон бу офатлар — тилим.

\* \* \*

Танимда ашк ҳужумини солмағиндин раҳ,  
 Суяк кўрунди танимдин, тақи суяк аро чаҳ.  
 Далил ўлди таним ўлмоғи бало тоғи,  
 Ки ҳар қуруқ сўнгокимдур қуруқ таним аро шах.  
 Ҳазар қил, эй гули наврасанд, ишқ эли дамидин,  
 Анинг ҳароратина тоқат айламаз дўзах.  
 Кўнгулда сабр ила тўғени ишқдур, ҳайҳот,  
 Қарор айладиму бир маконда ўт била яҳ.  
 Бу ушб чиркати зойил этмадинг, эй шайх,  
 Магар ювулса хижолат суйи билан бу васаҳ.  
 Аёқчи, журъае май бирла заъфим эт зойил,  
 Сабухий ўлди шифобахши ҳар мараз баҳ, баҳ!  
 Бошимни дарғаҳина Кулфат ит каби қўйдум,  
 Вале қўшулмадим ул кўй итина юз оваҳ!

\* \* \*

Фироқинг ичра ҳар тун то саҳар анжум санайдурман,  
 Бале, ўзни овутоқ бирла ғамдин қўзғалайдурман.  
 Ичиб сен бодани лаълинг сўриб май нашъаси бирлан,  
 Етиб оғзимға жон, ҳалқум қуруб, мен лаб ялайдурман.  
 Тутоса ишқ ўти кўнглумни куйдурмоқға ҳар соат,  
 Забона урмоға ул ўт қуруқ жисмим қалайдурман.  
 Анингдек уйла бехудменки, кўйин орзу қилсам,  
 Юруга ҳолатим йўк, ҳар тарафга алдарайдурман.  
 На мумкин бори ишқингдин халос ўлмоқлиғим, жоно,  
 Кўнги бир сода жон асру нодонман, қулайдурман.  
 Магар тил очти зоҳид, таъна айлаб ишқ атворин,  
 Неча ҳазён деюр, ул аблаҳу мен англамайдурман.  
 Жавоб ўлмиш Навоийнинг сўзини бул ғазал, Кулфат,  
 Мани бедил санга жон ўйнамоқ бирлан ярайдурман.

\* \* \*

Муҳаббат риштаси қатъ айлаган ёримни соғиндим,  
 Фигон этмайинму, булбул янглиғ гулзорини соғиндим.  
 Қўлимдин кетти ул тарсонинг(нг) тори зулфи, ваҳ, найлай,  
 Манга раҳм, эй мусулмон аҳли, зуннорини соғиндим.  
 Қачон Лайлидин айру топқуси Мажнун ўти таскин,

Кўнглининг ноласин манъ айламанг, ёримни соғиндим.  
 Мазоқим захрина гар чарх қилса шаққарафшонлиғ —  
 Қачон суд этгуси? Лаъли шакарборимни соғиндим.  
 Кўзум фавворасидин борса сели ашк, тонг эрмас,  
 Суманбў, сарви дилжў, шўх рафторимни соғиндим,  
 Бели оғзи хаёли бирла Кулфат умр ўткардим,  
 Йўқу борим на бўлғай, ул йўқу боримни соғиндим.

\* \* \*

Баски, мандин кетдилар аҳбоб тузмай суҳбатим,  
 Даҳр аҳлига анинг-чун мойил ўлмаз улфатим.  
 Улмоғимда захмима қўйғон момуғ айланг кафан,  
 Чун тириклик зийнати ўлди бу янглиғ кисватим.  
 Истарамким, ҳам ўзумдин ваҳшат этсам бир нафас,  
 Тонг эмас олам элидин бўлса мундоқ ваҳшатим.  
 Шоми меҳнат, кунжи мотамхона ҳамраҳ, доғи ҳажр,  
 Эй кўнгул, кетгилки ағёр ила бўлмас хилватим.  
 Лаъл уза хати зумуррадгун чу ўлтурди мени,  
 Хушдурур лаъли замурраддин ёсосу турбатим.  
 Дедилар: «Ҳасратким айлар аҳли олам суҳбати»,  
 Лек суҳбат дутғоли юз мунга ортар ҳасратим.  
 Бода ичмоқдин недин ҳар лаҳза манъ этдинг мани,  
 Зоҳидо, сен қайдину билмоқ мани(нг) кайфиятим.  
 Булбул эрдим сайроғим эрди ҳар дам боғи қудс,  
 Чугзтек вайрона мискин қилди Кулфат ҳимматим.

\* \* \*

На мумкин ўлди кўзум бўлмоғи даме намсиз,  
 Нечук бўлур киши мотамсарода мотамсиз.  
 Ташаххус айла они насли одами эрмас,  
 Қаю кўнгилики эрур чарх даврида ғамсиз.  
 Қадди ниҳолинга мағрур ўлма, ғам елидин —  
 Жаҳон ҳадиқасида сарв кўрмадик ҳамсиз.  
 На ёр меҳри, на ҳамдам вафосин кўрдум,  
 Хуш ул дақиқаки, ўткарди ёру ҳамдамсиз.  
 Юзунг гули сўлимай ашк бирла зийнат бер,  
 Тароват ўлмади рухсори гулға шабнамсиз.  
 Бу даҳр боғини жаннатга бенгазинг, эй дил,  
 Вале не судки, бошдин аёғи одамсиз.  
 Бало хадангин бу Кулфат захмидин тузмаңг,  
 Ани(нг) жароҳатина лаҳза-лаҳза марҳамсиз.

\* \* \*

Уртанур девона кўнглум ҳирқати бирлан таним,  
 Уз-ўзумдин, оҳ, найлайким тутушти хирманим.  
 Ҳар ёнимдин асру кўп тегди маломат тошлари,  
 Не ажаб гар рўзгоримдек қаро бўлмоқ таним.  
 Жисмими ҳар ён тикиб пайконларинг қилди темур,  
 Ғам эмас ғам ўқидин бул нав бўлса жавшаним.  
 Кўп куларлар даҳр эли ҳар лаҳза атворим кўруб,  
 Дард элини йиғлатур ҳар кеча тузган шеваним.  
 Равшан айлар кўнглим ўйин новакинг қилғон шикоф,  
 Гўйиё кулбам ёрутқоли очилди равзаним.  
 Қонлу жисмим лолатек, ҳар ён бағир парголаси,  
 Эй кўнги, қилгин тамошо бир замоне гулшаним.  
 Ашк мавжи ҳар тараф элтар танимни хас каби,  
 Куймасинму Кулфатий мундоқ ўт ўлса масканим?

\* \* \*

Тугонди сабр, тугонмаз фалак жафоси ҳануз,  
 Нетайки, бўлмади кажравни(нг) муддаоси ҳануз.  
 Жафони жонима ҳар лаҳза қилди афзунроқ,  
 Ниҳоятига магар етмади жафоси ҳануз.  
 Нафас-нафас бошима чархдин бало доши —  
 Бу бир тарафда, жаҳон аҳли можароси ҳануз.  
 Дедим: «Жаҳон ғами не ман каби ситамзадага?»  
 Дедики «Келгани йўх дарди бедавоси ҳануз».  
 Хужуми ғам кўнгул ичра ҳар тарафдин ўлуб,  
 Бу турфароқ бошимда хўблар ҳавоси ҳануз.  
 Фироқ ҳасратидин уйла байтулаҳзанинг,  
 Кўзум оқорди, вале тушмади қароси ҳануз.  
 Дедимки: «Кулфатийни ғам ўтига куйдурдинг».  
 Дедики: «Бўлғоли йўқтур анинг сазоси ҳануз!»

Кулфатда:  
 Қуруб рағлар танимда ришта  
 янглиғ, ҳам бўлуб қаддим.  
 Қазо Кулфатни даф этмоқға  
 турлук чанги тор этмиш.

Яъни: «Созанда созининг тори  
 базм аҳлининг олдида узилса ҳечқи-  
 си йўк, Навоий жони ипини эшиб,  
 унинг чангига тор қилиб беради»,  
 дейди улўғ шоир. Кулфат Навоий-  
 дан бу мотивни олар экан, ундаги  
 ижтимоий руҳни кучайтиришга ҳара-  
 кат қилади, «Танимда томирларим ип  
 янглиғ қуриди, қаддим эгилди, қазо  
 мени дунёдан йўқотиш учун чанга  
 тор қилган», дейди.  
 Кулфат татзббулариди исёнкор-

лик, мавжуд тартиблардан норози-  
 лик, улардан қаноатланмаслик руҳи  
 кучли. У халқ турмуши билан боғ-  
 лиқ масалаларни, танқидий фикрлар-  
 ни кескин ва қатъий айтиши билан  
 ажралиб туради. Шоирнинг қуйидаги  
 мисралари шундан далолат беради:

Баски мендин кетдилар аҳбоб  
 тузмай суҳбатим,  
 Даҳр аҳлига анинг-чун мойил  
 ўлмаз улфатим.  
 Улмоғимда захмима қўйғон  
 момуғ айланг кафан,  
 Чун тириклик зийнати ўлди бу  
 янглиғ кисватим.

Кулфат ижодиди антиклерикал

руҳ кучли, бу борада у Навоий ва  
 Шарқнинг бошқа улўғ шоирлари  
 прогрессив аъёнларини давом эт-  
 тиради, зоҳид, шайх, риёкор дин  
 аҳлини танқид қилувчи, ғоявий-ба-  
 дийй моҳияти жиҳатидан журъатли  
 мисралар битади:

Гар бўлмаса кўнглумда ул шўх  
 таманноси,  
 Кофирман агар қилсам жаннатга  
 гузар ҳаргиз.

Умуман, Кулфат татаббуларига  
 хос антиклерикал мотив ва танқидий  
 кайфият шоир демократик тенден-  
 циядаги ижодкорлар билан адабий  
 алоқада бўлганидан дарақ беради.

Унинг:

Шоҳи мулки меҳнатим, андуҳу  
 ғамдур лашкарим,  
 Етмоқим гулхан кули, ёстонмоғим  
 синжобу кеш,—  
 байти Муҳаййирнинг:

Маснадим гулхан кули, кунжи  
 қаноат маҳзаним,  
 Бўрё тахту бузуқ вайрона  
 кишвардур манго,—  
 мисрларига мазмунан жуда ҳам-  
 оҳанглиги ҳам шунга ишорадир.

Мавжуда ҲАМИДОВА,  
 филология фанлари кандидати

# ЖАНГОВАР ҚУШИҚЛАР

Қушиқни тасвирий санъатда ифода бұладими? Бу саволга дафъатан, йўқ, деб жавоб бериш мумкин. Шеър ва оҳангдан таркиб топган туйғуларни расмда тасвирлаш осон эканми!.. Моҳир рассомлар эса, қушиқ ҳам турфа рангларга эга бўлади, бу лаҳзалик туйғуни бўёқлар билан боқий қолдириш мумкин, дейдилар. Уларнинг қушиқларга бағишланган асарлари эса, сўзларининг исботи бўлиб кўз олдимизда жилваланиб туради...

Рассом Мадад Қаҳҳоровнинг «Менин жанговар ҳамроҳларим» сериясидаги асарларини ҳарбий-ватанпарварлик қушиқлари дейиш мумкин. Ҳарбий хизматни ўтаётган солдатларнинг походларда, дам олиш пайтларида айтадиган лирик қушиқлари ўзининг жанговар руҳи, севги ва соғинч туйғуларига бойлиги билан жозибалидир. «Огонёк», «Землянка», «Тёмная ночь», «Соловьё», «Вернулся я на Родину» сингари рус қушиқларини Мадад Қаҳҳоровнинг ўзи ҳам ҳарбий хизматдалик йиллари полкдош дўстлари қатори зўр иштиёқ билан куйларди. Кейинчалик рассом худди ана шу қушиқлар таассуроти билан йўғрилган автобиографик расмлар чизди.

Соғиниш ва кўмсаҳ онларида яратилган асар одатда таъсирчан қуввати, табиийлиги билан ажралиб туради. Бу хусусият санъатнинг барча турларига ҳам бўлса керак. Мадад Қаҳҳоров ҳам мазкур сериядаги расмларида такрорланмас солдатлик йиллари соғинчини, дардини, ҳайратини рангларда ифодалаб бера олди. Рассом ана шу жозибали асарлари учун 1975 йили Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати бўлди.

Мадад Қаҳҳоровнинг биографияси ҳали унчалик бой эмас. Рассом 1940 йили Олмаота шаҳрида туғилди. Етти йиллик мактабни шу ерда тугатди. Икки йилча пионерлар уйдаги рассомлик тўғарагига қатнаб, Нина Афанасьевна Луферчикдан тасвирий ўрганди. 1954—1959 йилларда Гоголь номидаги Бадий билим юртида таҳсил кўрди. Сўнгра Москвадаги Олий бадий санъат билим юртида ўқиди. 1965 йили билим юртининг йўлланмаси билан А. Островский номидаги Тошкент Театр ва рассомлик институтига ўқитувчи бўлиб келди.

Мадад Қаҳҳоров педагоглик хизматини ижодий ишга ҳамоҳанг равишда қўшиб олиб бормоқда. Асарлари тез орада ҳамкасбларининг, санъатшуносларнинг назарига тушди. У 1970 йили СССР Рассомлар союзи аъзоллигига қабул қилинди.

Чинакам санъаткор ўз халқининг тарихини қизиқиб ўрганади, унинг келажаги ҳақида ўй суради. Мадад Қаҳҳоров жонажон уйғур халқининг ўтмишдаги бой маданияти, жанговар шўҳрати билан фахрланади. Шарқий Туркистон аҳолисининг айна пайтдаги аҳолини, фожиасини ўйлаганда юраги ўртаниб кетади.

— Бир кунни Фафур Гулом номидаги нашриётда менга уйғур ёзувчиси Зиё Самадийнинг китобига безаклар ишлашни таклиф этдилар,— деб ҳикоя қилади рассом.—Бу—адбийнинг «Мойимхон» романи эди. Асарни уйғур тилида ўқий олмаган эдим. Ўзбекчасини ўқидиму инқилобчи қиз Мойимхоннинг кечмишлари қалбимни тирнади.. Тарихий-инқилобий асарларни варақлаб, Ризвонгул, Нозигим сингари қаҳрамон уйғур қизлари ҳақида ҳам кўп нарса билдим.

Узимча фикрга толиб, уларнинг образларини тасвирда абадийлаштиришни кўнглимга тугиб қўйдим. Шундай кайфиятда юрарканман, санъатшунос Олег Апухтин менга инқилобчи ўзбек қизи Майна Ҳасанова тўғрисида сўзлаб берди. Майна Ҳасанованиннг жасоратли ҳаёти акс эттирилган материаллар топиб берди. Газеталардан бирида Майнаниннг ҳайкалтарош Вартан Оганесян томонидан яратилиб, Гузорга ўрнатилган ҳайкалининг фотоси ҳам босилган эди. Апухтин сўзларкан, Ҳасан мерганнинг қизи Майнаниннг ҳаёти, порлоқ образи кўз олдимидан ўтаверди... Оддий қишлоқ қизи 1917 йилдаёқ Бухоро инқилобчилари таъсирида амирнинг золим бекларидан Очилбекни ўлдирди. Сўнгра Қизил Армия сафида икки йил давомида Колчак ва Деникинга қарши жангларда қатнашади. 1921—1922 йиллари Қорақум ва Самарқандда босмачиларга қарши курашади, Зайнаб, Зоҳида, Зебо лақаби билан разведкачи сифатида бир неча бор душманнинг сирини билиб келади. Уратепада Майна босмачилар қўлига тушиб қолади. Босмачилар ваҳшийларча қаҳрамон қизнинг чап қўлини, тилини кесадилар, уни қийноққа солдилар. Қизил аскарлар полкдош дўстларини—жасур Майна Ҳасановани оғир аҳволдан қутқарадилар... Жасур қизнинг ҳаёти ҳақида ўйлар эканман, беихтиёр атоқли пролетар шоири Демьян Беднийнинг «Зийнатнинг қасами» поэмасида тасвирланган воқеалар ёдимга тушди. Шоир поэмда Майнаниннг жасоратини улуғлаганига ишонч ҳосил қилдим. Ишонсангиз, санъатшунос дўстимни кузатиб қайтдим у жасур Шарқ қизи ҳақидаги серияли асарларимни бошлаб юбордим...

Мадад Қаҳҳоровнинг Майна Ҳасановага бағишланган тетраптихи—тўрт қисмдан иборат автолиптографик расмлари Москвадаги бадий кўргазмалар ва панорамалар дирекцияси томонидан сотиб олинган Мазкур асарлар бир неча кўчма кўргазмаларда намойиш қилинди ҳамда томошабинларнинг ижобий баҳосига сазовор бўлди. Рассом дастлабки расмини «Майнаниннг ёшлиги» деб атади ва унда оддий ўзбек қизининг довурак бўлиб ўсишида отасининг мерганлиги катта роль ўйнаганлиги-

чи ифода этишга интилди. Иккинчи расм «Тутқунликда» деб аталади. Майна Ҳасанованиннг Советлар ҳокимиятини барқарор этиш йўлида кўрсатган чинакам қаҳрамонлиги навбатдаги—учинчи асар «Жасорат»нинг мазмунини белгилади. Рассом сўнги асарни шартли равишда «Хотира» деб атади. Унда Қизил Байроқ ордени билан мукофотланган фидокор инқилобчининг мажруҳ ҳолатда ҳам душманларга қарши курашда яна жонбозлик кўрсатишга тайёр эканлиги ўз ифодасини топди.

Ўрни келганда айтиш керакки, Мадад Қаҳҳоров ижодиде жанговар мавзулар катта ўрин эгаллайди. Шу нуқтаи назардан рассомнинг «Советлар Ватани учун» деб аталган киногравюралари Улуғ Ватан уруши ҳақида яратилган яхши асарлар сериясида киради. Сериядаги расмларни автор «Осойишта кун. Тўй», «Кузатиш», «Жанг олдида», «Хужум», «Фронтдан мактуб», «Номсиз тепаликда», «Галаба» деб атаган. Ана шу номларнинг ўзиёқ уруш йилларидаги шиддатли кунларни, изтиробу қувончларни томошабин кўз олдида гадалантира олади. Расмларнинг ҳар бири жанговар қушиқдек ажиб ҳис уйғотади томошабин қалбиде.

Билим юртларидаги таҳсилдан кейин ўтган ўн беш йил мобайнида ўз асарларини элликка яқин кўргазмада намойиш этиш, (улардан салкам қирқтаси Бутунитифоқ миқёсида ва чет элларда уюштирилган кўргазмалардир), саксонтадан ортиқ китобни нозик график расмлар билан безаш бир рассом ижоди учун озмунча иш эмас. Буларга офорт техникасида яратилган манзарали расмлар, ёғочга тасвир тушириш—ксилография усулида яратилган асарларни қўшсак Мадад Қаҳҳоровнинг ўзи севган мавзуга хос журъат билан ижод этаётганига қаноат ҳосил қиламиз.

Рассомнинг келажақдаги ниятлари улкан.

— Мойимхон, Ризвонгул ва Нозигим образларини яратишим керак,— дейди Мадад Қаҳҳоров.— Булардан бошқа режаларим ҳам кўп. Қисқаси, энг яхши асарларим, назаримда, энди дунёга келади.

О. ҲУСАНОВ

Мақсуда ЭГАМБЕРДИЕВА

## Кечикиш

Улгурмадим. Хотиржам эдим.  
Эй, вақтида келмаган дунё.  
Тушунмасдан «Ассалом», дедим,  
Тушунмасдан, айтдим: «Алвидо».  
Қайга кўяй сени, бемаҳал,  
Бевақт келган соғинч сезгиси?  
Эй, кўз ёшлар, сизга ким маҳтал,  
Аяр сизни кимнинг севгиси?  
Қайга кўяй?.. Йўллар, булоқлар  
Тушунарми мениннг тилимга?  
Қайга кўяй?.. Гуллар, япроқлар,  
Қорлар ёға бошлар дилимга.  
Қайга? Кўкни босар бағрига,  
Қалдирғочнинг баҳор сайроғи.

Мен беҳабар, ўхшаб парига  
Тизилибди юлдузлар, чоғи...  
Қайга кўяй? Бир юлдуз кўкдан—  
Дераздан ташлади ўзин.  
Унга кафтин ким тутди экан?  
Қутқардимиз ҳеч ким юлдузини?  
Энди менга кўшар янги дард  
Жульеттаниннг мангу саволи.  
Доҳил бўлар келиб йиллардан  
Ҳаётимга Кумуш хаёли.  
Энди сингиб бораман секин  
Мен Лайлининг дил зорига, хуш.  
Тутиб қўлда муҳаббат чекин,  
Қадим йўлда йўқотганча хуш.

## Куз кунлари

Хазонрезги. Ҳорғин, унсиз ҳавода  
Бемажол шуълалар. Қалқар япроқлар,  
Сузар, қанот қоқар сокин навода,  
Дув тўкилиб, муздек ерни кучоқлар.  
Узоқлар қадаминг мендан тобора.  
Унинг шарпасидек қисирлар хазон.  
Нурларин йиғолмай кўёш овора.  
...Уйларим йиғолмай турибман ҳамон.  
Ҳақиқат акс этар сувларда—тиниқ.  
Шаббода сесканар тегиб анорга.  
Қўқон

Япроқларга кўксин босади интиқ—  
Ҳаволар. Хаёллар бошлар сафарга.  
Хазонда нафармон гулларнинг иси.  
Кетмоқ керак боқмай на ўнг, на сўлга.  
Зинадан тушгандай, Қуёш кулгиси  
Япроқлардан тушиб келади йўлга.  
Шеър ҳамроҳ, бораман, ўйларга толиб,  
Бораман, кунларга баъзан юмиб кўз.  
Диллар кенглигига чиқади олиб  
Юракдай потирлаб турган тирик сўз.

Абдунаби БОЙҚУЗИЕВ

## Фожа

Қўлимда турибди оддий бир сурат,  
Икки бахтсиз дилнинг бахтиёр дами.  
Қўлимда турибди оддий бир сурат,  
Гуноҳкор муҳаббат,  
Сазойи журъат.  
Тақдирга тик боқиб топмаган омон,  
Икки ёрти ҳайрат—бир буюк армон.

## Нажот

Осмон чўка-чўка елкага етди,  
Туман депсинади киприқларимда.  
Бахт деб талпинганим ул шаффоф нидо,  
Билмадим қайларга саргардон кетди.

Қайда у фаришта, у суюқ сиймтан?  
Бетизгин туйғулар, қайдасиз бугун?  
Бўтана хаёллар занжирида банд,  
Мен бунда йўлсизман, мен бунда дилхун.

Мадад бер, муҳаббат, эй тубсиз маъбар!  
Дерларки, бисотинг имконга тўлиқ.  
Токи қўлаб кетмай беиз, бесамар,  
Қаҳрингга чилпарчин ҳайқириқ бўлиб...



МАЙНАНИНГ ЕШЛИГИ.



ТУТҚИНЛИҚДА.



ЖАСОРАТ.




ХОТИРА.

РАССОМ М. ҚАҲҲОРОВНИНГ  
МАЙНА ҲАСАНОВАГА БАҒИШЛАНГАН ТЕТРАПТИХИ



В. ПЕТРОВ. ЗАРДУЗЛАР.



С. РАХМОНОВ.  
ТИРАНДОЗЛАР.

# КАНДАКОР МОМО

Узининг саксон биринчи баҳорини қаршилаётган кандакор момо Жамолхон Саидова халқ санъати ҳақида шундай ҳикоя қилади:

— Ҳозирги хунармандлар ҳеч нимадан нолимасалар, армон қилмасалар бўлади. Нима учун деганда, замон яхши, одам одамнинг қадрига етади. Мисгарми, кандакорми, наққошми, ҳар бир хунарманд ўзи ясаган нарсга отини ёзиб қўяди. Шу билан номи қолади. Кўрганлар: «Э, бу фалон кандакор ишлаган кўза экан», «Фалон наққош ясаган эшик бу», дейди. Бизнинг ёшлигимизда бунақа гаплар қаёқда эди. Қанчадан-қанча мис идишларни қўлдан чиқарганимиз-у, биронтасига отимизни ёзмаганимиз. Буюмга хунарманднинг номини ёзиш расм эмас эди-да... Э, болам, у вақтларда хунармандлик кони азоб эди, оғир меҳнат эди. Ҳозир бўлса, хунармандни, санъаткор, деб эъзозлайдилар, унинг ясаган буюмини, санъат асари, дейдилар. Меҳнатнинг қадрини кўринди-да... Бундан ўн беш-йигирма йил аввал ўғлим Ҳамдамжон билан Масковга бордик. Жуда катта шаҳар экан. Зиёратгоҳ жойлари ҳам, музейлари ҳам кўп экан. Аллақайси музейда денг, ўзим нақшлаган кўрани таниб қолдим. Кўзимга оловдек кўринди. Лекин, буни қарангки, унда менинг номим ёзилмаган! Бизда номини ёзиш одати йўқ эди-да! Ҳамдамжонни ёнимга қақириб, кўранинг остига ёпиштирилган қоғоздаги ёзувни ўқиттирдим «Номалум кандакор ишлаган», деб ёзилган экан. Аввалига кўнглим чўкиб, ранжидим. Тагин ўзимга ўзим далда бердим. «Ҳой, Жамолбону, сен нақш берган кўра шундай шаҳри асимдаги музейда турса, нега хафа бўласан!» деб ўйладим.— Ҳар куни минг-минг одам кўради-ку буни! Ушаларнинг ҳеч бўлмаганда ўнтасидан биттаси, шуни ясаганнинг отасига раҳмат, демайди-ми?... Ҳа, дарвоқе, мен ясаган бир

неча хил буюмлар Тошкентдаги Санъат музейида ҳам бор...

Маълумки, Тошкент кандакорлик санъати XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида бутун Ўрта Осиё бўйлаб шуҳрат таратган эди. Мирзамутимхожи Мирзараҳимов билан унинг хотини Ибодатхон Ҳакимжонова ҳам ўша пайтларда моҳир мисгар сифатида ном қозонган эдилар. Мирзамутимхожи ўз санъатини боқий қилиб қолдириш ниятида ўғли Мирзаусмонни, божасининг қизлари Замира билан Жамолхонни шогирдликка олди. Жамолхон ўшанда ўн уч ёшли қизалоқ эди.

— Холамнинг ўғли Мирзаусмон акам ниҳоятда зеҳнли йигит эди,— дея ўз ҳикоясини давом эттирди Жамолхон момо.— У киши мис идишларни шундай бежирим гуллар билан безардики, кўрган одам ҳавас қиларди. Замира олам икковимиз ҳам кунт билан меҳнат қилиб, мис кўза, офтоба, лаъли баркаш, дастшу, қўшқулоқ сингари мис идишларга турфа нақш ўйишни ўрганадик. Тоғам Тожибой Ҳакимжонов мисгар эдилар, сарғиш, қизғиш мисдан ҳар хил идишлар ясар эдилар. Биз бу идишларга сумба қалам, қскана қалам, бигиз қалам, таноби қалам билан, паргар билан нақш туширар эдик. Шундан кейин идишлар жуда харидорғир бўларди. Тақдирнинг тақозоси билан Мирзаусмон ака икковимиз турмуш қурдик. У пайтларда биз кандакорликни санъат деб эмас, тирикчилик деб тушунардик. Лекин бора-бора ҳавас билан ишлайдиган бўлдик. Ҳар бир идишни бўйига, катта-кичиклигига қараб, ислими, шукуфт, турунж, барг-шобарг услубларида нақш билан безардик. Бир идишдаги безак иккинчисиникига ўхшамасди. Уруш йилларида ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида ҳаваскор кандакорларга хунар ўргатдим. Саккиз чоғли ўспирин мисга гул ўйиш сирларини дурустгина ўрганиб олишди. Урушдан



Йиллар ўтаверади, ҳамма қатори санъаткорлар ҳам кексаюди, аммо санъат асари қаримайди. Санъат умрининг боқийлиги ҳам шунда-да! Суратда: кандакор онахон Жамолхон Саидова бир вақтлар ўзи беазаган баркашни ўғли, ЎзССР Фанлар академиясининг академиги Ҳамдам Усмонов билан кўздан кечирмоқда.

А. ЖДАНОВ фотоси

кейинги оғир йилларда комбинатдаги машғулотлар тўхтаб қолди. Кандакорлик хунарига қизиқиш сусайгандек бўлди. Эндиликда партиямиз билан ҳукуратимиз халқнинг азалий хунарларига аҳамият бераётганини эшитиб хурсанд бўлдим...

Тошкент бадий кандакорлик мактабининг кекса вакиллари билан бири Жамолхон момо Саидованинг бу сўзлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1978 йил апрель ойида халқ амалий санъатини янада ривожлантириш тўғрисида чиқарган қарорига ишорадир. Мазкур

қарорга биноан Ўзбекистон Рассомлар союзи Бадий фонди қошида халқ санъати усталари бирлашмаси тузилди. Бирлашманинг Тошкент, Самарқанд, Қўқон ва Хива шаҳарларидаги марказлашган зонал участкаларида халқ амалий санъатининг барча турларини тиклаш ва ўстириш бўйича эзгу ишлар амалга оширилмоқда. Бу хайрли ишдан Жамолхон момо ҳам чексиз мамнун. Нуруний момонинг ниятига — халқ амалий санъатларининг боқий умр кечирishiга биз ҳам тилакдошимиз.

Илҳом РАСУЛЕВ

## Халқ оғзаки ижоди

### ОНА МАДҲИ

Халқ оммаси ўтмишда ҳам хотин-қизларни юксак қадрлар, эъзозлар эди. Меҳнатқаш халқнинг аёлларга нисбатан инсоний муносабатини фольклор асарларида, жумладан, дostonларда зўр маҳорат билан яратилган хотин-қизлар образлари Мисолида кўриш мумкин. «Гўрўглининг туғилиши» дostonидаги Биби Ҳилол ана шундай образлардандир.

Биби Ҳилол дostonнинг барча вариантларида Гўрўглини дунёга келтирган она сифатида меҳр билан гасвирланади. Айниқса, у Пўлкан шоир талқинида оналарнинг ўмул-лашма образи даражасига кўтарилган. Биби Ҳилол характери, хусусан, дostonдаги Равшан билан Гаждумбекнинг Ёвмит юртига отланиши эпизодида яхши очилган. Дostonчи кўпроқ қаҳрамоннинг руҳий кечинмаларини тасвирлашга эътиборини қаратади. Биби Ҳилол кутилмаганда айрилиқ гидробига дуч келади. Лекин акаси Гаждумбек билан Равшаннинг тулпорга эга бўлиш учун астойдил интилаётганликларидан юраги нималарнидир сезса-да, ҳали ўз

бошига келажакда тушадиган ташвиш ва мусибатларни ўйлаб ҳам кўрмайди. Шу сабабли Биби Ҳилолнинг дастлабки сўзларида меҳрибонлик, мунислик кўзга ташланади. Воқеалар ривожини кескинлашгани сайин қаҳрамоннинг ташвиш-ҳаяжонлари кучайиб боради. Бироқ ҳар қандай мушкул вазиятларда ҳам тўғри йўл топа билиш, ақл-фаросат билан иш кўриш Биби Ҳилол характерининг хос хусусиятлари бўлиб қолади. Қуйидаги парча қаҳрамон қалбига кечаётган туйғуларни айниқса ёрқин ифодалайди: «Бир кун ўлмоқ, бир кун туғилмоқ. Мен бир хизматкорим билан мингашиб борсам... Равшанбекнинг юзи тубан бўлар... Мен қариндошларимнинг маърака-ўлтиришларида юзини тубан қилганимдан, шу ерда ғариб бўлиб ўлганим яхши». Шу тарихда душман мамлакатидagi Биби Ҳилол ёстиқдошининг шаънига доғ туширишдан, ёмон отлиқ бўлишдан ўзгалар юрти — Заргарда қолиб ўлишни афзал кўради. Бироқ Биби Ҳилол вафот этса-да, маънавий жиҳатдан душмани устидан ғолиб чиқади.

Бу ҳолат дostonдаги бир эпизодда кўзга яққол ташланади. Шоҳдорхон подшо ўз амир-амалдорларига қарата шундай дейди: «Биби Ҳилолдан соҳиби қирон чиқади экан, ўлдирамай, кулини элакдан ўтказамиз, ундан кейин соҳиби хуруш йўқ бўлади, юрт бизларга қолади. Ҳамма юртга шоҳаншоҳ бўламиз».

Шоҳдорхоннинг сўзларидан шу нарсга англашиладики, у туғилажак Гўрўглининг ноҳақ жабрланган ўз

отаси Равшан учун ўч олишидан эмас, балки ўзининг ўрнига гўдакнинг ҳукмдор бўлишидан кўпроқ кўрқади. Шу сабабли ҳомилидор онани ўлдиришдек ёвузликдан ҳам тоймайди.

«Гўрўглининг туғилиши» дostonидаги Биби Ҳилол оилада ҳам, жамият ҳаётида ҳам тенг ҳуқуқли инсон сифатида кўрсатилган. Қаҳрамоннинг бундай образи дostonнинг Зоҳир Қўчқор ўғли вариантыда ҳам анча яхши тасвирланган. Биби Ҳилол акаси Аҳмад ва янгаси Холдоройимнинг гапларига кўнмайди — Райҳон арабга хотин бўлмайди, ҳар қандай қийинчиликда ҳам бахтини топишга ҳаракат қилади. Натихада ярим кеча бўлишига қарамай акаси Аҳмадникидан чиқиб кетади. Биби Ҳилолнинг бу пайтдаги ҳолати дostonда куйидагича ифодаланган:

Фалакнинг дастидан фарёд этарман,  
Бу элатдан бошим олиб ўларман,  
Бу золим подшога бориб кетарман,  
Бориб очиқ гўрга кириб теккунча,  
Бу дунёга келиб кўрдим ётарман,  
Олло олло бўлса ҳолимни нимарса,  
Зўрлик билан акам Райҳонга сўрса,  
Золимнинг қўлига бўйиним берса,  
Ғазаб дарёсига ўзим отарман... эккунча  
Акам бўлиб менга раҳм қилмаса,

Ажал етиб мен муштипар ўлмаса,  
Ҳилололни ўз тенгига бермаса,  
Номардларга бориб бўйиним эккунча,  
Бу Ватандан бошим олиб кетаман.

Бу парчада Биби Ҳилол эркаклар иродасига бутунлай бўйсунувчи иродасиз чўри ёки муте ожиза сифатида эмас, балки фидойи ёр, юксак фаросатли, ғамхўр инсон тарзида кўрсатилган.

Хуллас, Биби Ҳилол мустаҳкам иродали, ростгўй, қийинчиликлардан кўрқмайдиган, севгида пок, халқ назди ва тасавуридаги адолат, ҳақиқат учун курашган онадир. Шу ўринда бир нарсани ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, ўтмишда ҳоким синф вакиллари хотин-қизларни «ожи-за», «заифа» деб камситганликларини эпос тан олмайди. Бундай ҳол дostonдаги аёллар образларининг эпиклигини таъмин этади. Шу туфайли бу образлар асрлар давомида тилдан-тилга, дилдан-дилга кўчиб халқимиз ўртасида машҳур бўлиб келмоқда. Бинобарин, машҳур рус олими С. Толстов: «Эпосдаги хотин-қизлар эркаклар билан тенг вазиятда турадилар. Улар фақат тирикчилик ишларидагина эмас, балки жанг майдонида ҳам эркаклардан қолишмайдилар. Бу ҳол Ўрта Осиё эпосининг жуда характерли хусусиятидир», деб ёзганида тамомила ҳақ эди.

Жўрабой ҲОЛИҚУЛОВ Самарқанд

Эрамыздан 46 йил илгари Рим хукмдори Юлий Цезарь қадимги Рим календарини қонулаштирган эди. Бу календарь хукмдор шарафига Юлий йил саногги деб юритилди. 1582 йили Рим папаси Григорий XIII Юлий календарини ислоҳ қилади, чунки унда йил саногги ҳақиқий қуёш йилидан тахминан 11 минута 14 секунд узун эди. Григорий даврига келиб эса бу тафовут ўн кечаю кундузга етди. Шунинг учун папа 1582 йилнинг 5 октябрини 15 октябрь деб ҳисоблашни таклиф қилади. Лекин Юрий календарини саноггида гражддан йили — қуёш йилидан, юқорида айтганимиздек 11 минута 14 секунд узун бўлгани учун 400 йил давомида тафовут яна уч кундан ортди, кейинчалик эса бу фарқ 13 кунга етди.

1918 йилнинг 26 январиди Владимир Ильич Ленин имзоси билан бизда қабул қилинган Григорий йил саноггида мана шу фарқ ҳисобга олинган. Маълумки, Улуғ Октябр социалистик революцияси эски ҳисоб билан 25 октябрда ғалаба қозонган. Бу сана янги ҳисобда 7 ноябрга тўғри келади ва биз революция байрамини 25 октябрда эмас, 7 ноябрда нишонлаймиз.

Яна Умар Хайём календарини ҳам бор. 1079 йили Умар Хайём бошчилигидаги математиклар ва астрономлар янги календарь туздилар. Бу календарь бўйича 8 кабиса йили 32 йилда эмас, 33 йилда тақрирланади, бунинг натижасида ҳар йили 19 секунд фарқ қилиб, фақат 4 минг 500 йилда кеча-кундуз ошиқча чиқади. Григорий календарини эса 3 минг 300 йилда бир кеча-кундуз «хато» қилади. Умар Хайём календарини Григорий календарига нисбатан бир қадар аниқроқ.

Шу ўринда ойлар ҳақида маълумот бериб ўтайлик.

Ойларнинг номлари латин сўзларидан келиб чиққан. Дастлабки Рим календарини ўн ойдан иборат бўлиб, март ойидан бошланар эди. (Баъзи ойлари 30 кундан кўпроқ эди). Бу ой номи — Мартиус уруш худоси Марс номидан келиб чиққан. Априлис «аперире» сўзидан бўлиб, очилиш, куртак ёриш маъносига. Май — июн афсоналаридаги гуллаш маъбудаси Май номидан; Июниус ҳам июн афсонасида маъбуд номи; Июлиус — Юлий Цезарга атаб қўйилган; августус — император Август номидан Септемпер — тартиб бўйича еттинчи; октябрь — тартиб бўйича саккизинчи; ноябрь — тўққизинчи, декабрь — ўнинчи, деган сўз.

Эрамыздан 700 йил илгари ойлари сони яна иккитага оширилган эди. Янги ойлари март ойидан олдинга қўйиб, қуйидагича атадилар: януариус — Янус деган «очиқ эшик» маъбудаси номидан (йилни бошлайдиган ой), фебриус — «феврум» сўзидан, (марҳумлар олдига тиз чўкиш) ойидир.

Шундай қилиб, бир йил ўн икки ойдан иборат бўлди.

«Календарь» сўзи ҳам латинча. Асл маъноси «қарз китоби» демакдир. Қарздорлар ҳам оининг биринчи кунини қарзларнинг бирор қисмини тўлар ва бу «календ» деб аталар эди.

Узоқ муддатли вақт оралиқларининг кеча-кундузлар, ҳафталар, ойлари ва йиллар бўйича тартибга солинган системаси календарь дейлиб, уларни тузиш, осмон жисмларидан Қуёш, Ер ва Ойнинг айланма ҳаракатларининг даврларига асосланади. Бунинг мураккаблиги шундаки, эслатишга осмон жисмларидан биронтасининг даври иккинчисиники билан аниқ, яъни қолдиқсиз мос келмайди. Масалан, Ернинг Қуёш атрофида айланиш даври — бир йилни кеча-кундузларда ифодаласак, тахминан 365,25 сутка чиқади, яъни қолдиқ 6 соатга тенг бўлади. Бир йилнинг Ойнинг Ер атрофида айланиш (Қуёшга нисбатан) даврида ҳи-

соблаганда, у 12 ою ва 11 (айрим ҳолларда 10 ёки 12) кеча-кундуз қолади. Бир оининг ўзи суткаларда ифодаланганда эса 29 суткаю яна 12 соатдан кўпроқ вақт қолдиқ сифатида ортиб қолади. Шунинг учун ҳам календарлар, қайси осмон жисмининг айланиш даври асос қилиб олинишига кўра турлича бўлади. Ойнинг Ер атрофида айланиш даври 29,53 кеча-кундуз, календарь асос қилиб олинса, у Ой календарини дейилади. Борди-ю, календарь учун Қуёшнинг Ер атрофидаги ҳаракатининг (бу ҳаракат Ернинг Қуёш атрофидаги ҳаракати туфайли содир бўлади) даври асос қилиб олинса, бундай календарь Қуёш календарини деб аталади.

Францияда 1793 йил 5 октябрда Халқ Конвенти қарори билан «революцион календарь» қабул қилинди. Унинг ҳар бир қоида катolik черкови ва папа хукмдорлигига, диний ақидалар ҳамда эски урфларга қаршилик билдиришга қаратилган эди. Энг аввал йилни мелоддан бошлаш бекор қилинди. Янги йил 1 январдан бошланадиган бўлди. Республика эълон қилинган 1792 йилнинг 22 сентябридан эътиборан йил санаш одати таъсис этилди. Ушунда бу кун кеча-кундуз тепла-тенг бўладиган вақтга тўғри келган эди. Янги календарда 12 оининг ҳар бири 30 кундан иборат эди. Рим императорлари ва афсонавий персонажлар номларига доир терминларнинг барчаси ўзгартирилди. Янги ойларнинг номлари табиат ҳодисалари, метрологик ва иқлимий шароитларга доир сўзлар билан Франция воқелигига боғлаб қўйилган эди.

Шундай қилиб, инсоният тарихида календарлар кўп ва хилма-хил бўлган. Қуёш ва Ой календарини эски Миср ва янги Юлий календарлари, Умар Хайём ва Бобил, Муслмон ва Яҳудий, қадимги Хитой ва Ҳинд календарлари...

Умуман айтганда, турли даврларда уч хил календарь яратилган эди. Булар бош ёритгич — Қуёш ҳаракатига асосланган. Қуёш, Ой ҳаракатига асосланган. Ой ва ниҳоят Ой — Қуёш календарларидир. Ҳозирги кундаги деярли барча давлатлар Қуёш календаридан фойдаланадилар. Ой календарини қадимги динларда катта роль ўйнаган. У ҳозир ҳам Шарқ мамлакатларида сақланиб қолган. Унда ойлари 29 ва 30 кундан иборат бўлиб, кунлар сони ҳисобда алмашиб туради: келгуси оининг биринчи кунини айни ой янгиланган кундан бошланади. Ой календарини муслмонлар ёки Муҳаммад календарини дейилади. Ой календарини, Муҳаммаднинг Маккадан Мадинага кўчиб ўтган йилининг бошидан ҳисобланганидан, кўпинча ҳижрий календарь ҳам дейилади. («Ҳижрат» арабчада «кўчиб ўтмоқ» демакдир.) Ҳиж-

рий календарда бир йилнинг узунлиги 354 ёки 355 кун бўлганидан, унинг янги йилнинг бошланиши, биз қўллаётган календариникига мос келмайди. Шунингдек, Ой календарини йил фасллари ҳам маълум ойларга тўғри келмай, фаслларнинг бошланиши, бир ойдан иккинчисиникига силжиб юради. Бу календарларда йил ойлари қуйидагича номланади: 1. Муҳаррам (30 кун); 2. Сафар (29 кун); 3. Раби ул-аввал (30 кун); 4. Раби ус-соний (29 кун); 5. Жумод ул-аввал (30 кун); 6. Жумод ул-охир (29 кун); 7. Ражаб (30 кун); 8. Шавъон (29 кун); 9. Рамазон (30 кун); 10. Шаввал (29 кун); 11. Зулқайда (30 кун); 12. Зулҳижжа (29 ёки 30 кун). Муслмонлар календарининг эраси (йил ҳисобининг боши), эслатишга инди, Муҳаммад пайғамбарнинг Маккадан Мадинага кўчиб ўтган йилнинг бошидан ҳисобланиб, у биз қўллаётган Қуёш календарини бўйича 622 йилнинг 16 июль — жума кунига тўғри келади. Ҳижрий календарь бўйича янги 1401 йил 1980 йилнинг 9 ноябрга яқин кунга кунини бошланди. Ой — Қуёш календаридан яқиндир диний байрам кунларини аниқлаш учун фойдаланадилар. Албатта, бу календарларнинг ҳаммасида ўзига хос нуқталар томонлар ва нуқсонлар бор. Шунинг учун кейинги 100—150 йилдан буён жаҳондаги давлатлар

асосан икки хил фикр бор. Биринчиси — йилни 13 ойга, иккинчиси — йилни 12 ойга бўлиш. Йилни 13 ойга бўлиш ҳақидаги фикр янгилик эмас. Француз файласуфи Огюст Конт ҳам (1798—1857) йилни 13 ойга бўлишни таклиф этган эди. Унинг таклифига, ҳар бир ой 28 кундан иборат бўлиб, тўла тўрт ҳафтани ташкил қилади, ҳар ой душанба кунидан, йил эса 1 январдан бошланиши керак. Француз олимнинг бу календарини ойлари Гомер, Аристотель, Архимед, Цезарь, Шекспир, Данте каби машҳур сиймоларнинг номлари қўйилиши лозим. Бу йил аниқ 52 ҳафтадан иборат, ҳар бир ҳафтанинг маҳсус номи бўлади. Тарихий шахсларнинг номларини абадийлаштириш мақсадида, Конт, Будда, Сократ, Конфуций, Муҳаммад, Галилей, Бэкон, Уатт, Ньютон номли ҳафталарнинг бўлиши керак. Конт календарини 429 исм ишлатилган эди. Унда 24 иш кунини ва 4 дам олиш кунини мўлжалланган эди. Ҳар бири 28 кундан иборат 13 ой 364 кунни ташкил қилади. Агар бу календарь қабул қилинса, ҳақиқий йилдан бир кун ёки кабиса йилида икки кун фарқ қилиши керак. Бу икки куннинг номи ва числоси йўқ. Улар халқаро байрамлардан иборат бўлади. Биринчисини декабрнинг охирига қўйиб, бу кунни Халқларнинг тинчлиги ва дўстлиги кунини деб аташ таклиф этилади. Иккинчи кунини эса, июнь оининг охирига қўйиб, уни Кабиса кунини деб аташ кўзда тутилади.

Янги календарининг афзаллиги кўриниб турибди, албатта. Биринчидан, ҳамма ойларнинг кунлари баробар, иккинчидан, ҳафтанинг бир қисми бир ойда қолиб, иккинчи қисми бошқа ойга кўчмайди. Учинчидан, ҳамма ойларида иш кунини бир хил бўлади.

Лекин шундай бўлса ҳам, бу лойиҳанинг камчилиги бор: унда йилни тенг иккига бўлиш мумкин эмас. Шунингдек, тенг кварталларга бўлиш ҳам мушкул.

Ун икки ойли Халқаро календарь лойиҳасидаги асосий принцип қуйидагилардан иборат: йил иккига бўлинади, ярим йил 182 кунни ташкил этади ёки 4 кварталдан, квартал эса 91 кундан иборат бўлади. Ҳар бир квартал 3 ойдан: олдинги биринчи ой — 31 кун, қолган икки ойи — 30 кун. Йилнинг биринчи кунини доим яқин кунга тўғри келади. Ҳар бир квартал тўла 13 ҳафтадан иборат бўлади. Ҳар бир квартал яқин кундан бошланиб, шанба кунини билан тамом бўлади. Бу календарь лойиҳасини СССР, Ҳиндистон, Франция, Чехословакия, Югославия ва бошқа давлатлар қувватладилар.

Нима учун календарь реформаси тўхтаб қолган? 50-йилларнинг охирида календарь реформасини ўтказиш ҳақида катта тайёргарлик ишлари олиб борилди. БМТ секретариати ҳамма давлатларга, янги календарь лойиҳасини юбориб, ҳар давлат ҳукуматининг бу ҳақидаги фикрини билдиришни сўралган эди. Лойиҳани маъқуллашга келганда катта қийинчиликлар содир бўлди. Капиталистик давлатлар диний доираларнинг таъсири остида эски календарини сақлашни талаб қилиб келмоқдалар. Худди шундай талаб АҚШ, Англия, Нидерландия, Индонезия ва бошқа давлатларнинг ҳукуматлари томонидан олдинга сурилмоқда, улар ўзларининг «диний мулоҳазаларини» сабаб қилиб келмоқдалар.

Бошқа халқаро календарь лойиҳалари ҳам бор. Халқаро календарини барча давлатлар маъқуллаган тақдирдагина қабул қилинади.

Халқаро календарь ҳозирги календардан муайян афзалликка эга бўлиши шарт. Яқин орада шундай мукамал календарь қабул қилинажигига гувоҳ бўлишимиз мумкин.



олдида календарини рационал ислоҳ қилиш масаласи кўндаланг турибди. Шу мақсадда 1923 йили Женева шаҳрида Миллатлар Иттифоқи календарини ислоҳ қилиш бўйича Халқаро комитет тузди. Комитет шу вақтгача бир неча юз янги календарь лойиҳасини муҳокама қилди.


Янги халқаро календарь қабул этиш ё Григорий календарини ислоҳ қилиш ҳақида вақтни ҳисоблаш системаси ҳар хил бўлган давлатлар кўпроқ қайғурмоқдалар. Бундай давлатлардан бири Ҳиндистондир. Ҳинд олимлари янги Халқаро календарини тезроқ қабул қилиш ҳақида жуда кўп таклиф киритдилар.

Жавоҳирлаъл Неру ҳам бу ҳақда бир неча марта фикр билдирган эди. Унинг фикрича, «Умумий, ўзгармас янги календарь қабул қилишни тезлаштириш жуда зарур».


1953 йили Ҳиндистон республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилотига Халқаро календарь ислоҳи ҳақида меморандум топширди. Ҳиндистон вакили томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқтисодий ва ижтимоий масалалар кенгаши кун тартибига Халқаро календарь ислоҳи масаласини киритди. 1954 йил 28 июлда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бу кенгаши ана шу масалани муҳокама қилди. Кўпчилик давлатлар ёппасига бош қўшмаганлиги учун бу ҳал қилинмай яна кейинроққа қолдирилди.

Янги календарь лойиҳаси ҳақида

Рашид ОҚИЛОВ



# КУРАШЛАРДА БОҚИЙДИР ДУНЁ...



Муҳаммад Али 1973 йили «Боқий дунё» шеърӣ романининг биринчи қисмини эълон қилган эди. Утган йили «Шарқ юлдузи» журналида асарнинг сўнгги икки қисми босилиб чиқди<sup>1</sup>.

Муҳаммад Али романига халқимизнинг озодлик учун кураш йўлини — буюк Октябрга келиши тарихини асос қилиб олади. Асар марказида асримизнинг, янги замонанинг бунёдкори — коммунист образи туради. Инсон ва инсоният тақдири барча замонларда долзарб масала бўлиб келган. Жаҳон тақдирини ўзгартириб юборган Октябрь социалистик революциясининг ҳал қилувчи босқичи — Қишки саройнинг оли-

ниши учун тўрт ярим соат кифоя бўлган эди. Бироқ ана шу буюк дард инсоният кўксига минг йиллар мобайнида сақланиб келган. Курашчан, меҳнаткаш эллар оиласида ўзбек халқининг ҳам шонли озодлик тарихи бор. Бугунги нузли ҳаётимизнинг манбаи кўҳна тарихнинг олис қатламларига бориб тақалади. Бироқ ўтган асрнинг сўнггида ўлкамиз тарихида юз берган катта ҳодисалар, XX аср бошидаги буюк инқилобий ўзгаришлар халқимизнинг озодлик йўлида олиб борган курашини янги изга солиб юборди: кўҳна Туркистонда инқилоб юз берди. Озод ва ҳур социалистик Ўзбекистон бунёдга келди... Шарафли ва ҳаяжонли бу мавзу бугунги кунда ҳам ғоят катта тарбиявий ва маърифий аҳамиятга моликдир. Ғоявий муҳолифларимиз ҳамон Урта Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда содир бўлган инқилобга шубҳа билан қарайди-

лар, уни Россиядан «экспорт қилинди» деб сафсата сотадилар. Бинобарин, инқилобий озодлик мавзудидаги асарлар ўлкамизда Улуғ Октябрь ғалабасининг қонуний эканлигини бадийи далиллаб беришга ҳам хизмат қилади.

Роман ўтган асрнинг 90-йилларида юз берган воқеалар, хусусан, 1898 йилги Андижон қўзғолонидан бошланиб, 1925 йилнинг февралда Бухорода бўлиб ўтган Ўзбекистон Советларининг Биринчи таъсис съезди тасвири билан тугайди. Шоирнинг диққат марказида халқимизнинг уйғониши, эрк ва ҳуқуқ учун кураши, бу курашнинг самаралари туради. Ўзбекистон тарихидаги муҳим тарихий-революцион воқеалар асарга жалб этилган. Романда 1873—76 йилларда кўтарилган Пўлатхон қўзғолони, 1892 йилги «Тош отар» воқеаси деб ном олган Тошкентдаги вабо исёни, «Дукчи эшон» воқеаси, машҳур 1905 йил, 1912 йилги Тошкентдаги сапёрлар қўзғолони, Туркистонни ларзага солган мардикорлик воқеаси, Февраль буржуа революцияси, ниҳоят, Улуғ Октябрь социалистик революцияси, қисқаси, халқимиз тарихида из қолдирган кўп муҳим ҳодисалар қаламга олинади. Автор бу воқеаларга ёндашишда, уларни талқин этишда тарих фанининг энг кейинги ютуқларидан келиб чиқиб иш кўради. Маълумки, тарих фани сўнгги ўн беш-йигирма йил ичида бир қанча тарихий ҳодисаларга, шахсларга берилган баҳони қайта кўриб чиқди. Масалан, Пўлатхон қўзғолони, Андижон воқеаси бугунги кунда халқ озодлик ҳаракатининг саҳифалари сифатида қаралмоқда. 1916 йилги миллий-озодлик ҳаракатининг янги-янги саҳифалари инкишоф этилмоқда. Тарих фани эришган бу ютуқлар асарда бадийи ифодасини топган.

Муҳаммад Али ўзбек халқининг ижтимоий уйғониши, қаҳрамонона курашини кенг кўламда тасвирлашни мақсад қилиб қўяди. Бугунги кунда классикамизга айланган «Қутлуғ қон» романида 1913—16 йиллар воқеалари акс эттирилган эди. Асарнинг давоми «Улуғ йўл»да эса 1916

йилнинг охири — 1917 йил воқеалари ҳикоя қилинади. Тарихий-революцион мавзудоги «Инқилоб тонги» драмасида Бухоро инқилобий бадийи гавдалантирилади. Бир қанча биографик, автобиографик қисса ва романларимизда ҳам бу борада маълум тажриба орттирилган эди. 70-йилларда яратилган «Боқий дунё» шеърӣ романида адабиётимиз тўплаган ана шу ижодий тажрибалар шоирга қўл келганини сезиш қийин эмас. Лекин, айна пайтда, Муҳаммад Али мазкур мавзуну ишлашда, аввало, ижтимоий тарихимизнинг кенгроқ даврини кўздан кечиради. Халқимиз ижтимоий-озодлик ҳаракати тарихи ва босқичлари ҳақида ўз фикри, концепциясига эга. Унингча, халқимизнинг ижтимоий-озодлик ҳаракати тарихида уч муҳим босқич бўлган. Ана шу босқичлар ўзаро силсиланинг уч ҳалқасидек бир-бирига уланади. Бу «оқ пошшонинг» ҳам бошини қотириб қўйган 1898 йилги Андижон қўзғолони, 1916 йилги мардикорлик воқеаси ва, ниҳоят, Улуғ Октябрь революцияси. Асарнинг сюжет қурилишида, воқеа-ҳодисалар тасвирида, персонажлар тақдирини ёритишда автор ана шу асосий концепциядан келиб чиқади.

Роман уч қисмдан иборат. Ҳар бир қисм марказида юқорида тилга олинган уч ҳодисанинг бири туради. Сарлавҳаларнинг «Сукунат», «Шабда», «Бўрон» дея рамзий номланиши улардаги вобасталикка ишоратдир.

Асарнинг тасвир кўлами кенг. Унда ўнлаб қишлоқлар, юзлаб номларни учратамиз. Воқеалар асосан Шаҳрихон, Жиззах, Тошкентда бўлиб ўтса-да, гоҳо бир ёғи Верхоленску, иккинчи ёғи — Москва, Харьковгача боради. Персонажлар ҳам тўқсон кишидан ортиқ. Ун бешга яқин персонаж анча батафсил тасвирланган. Шулар орасида уч авлод тақдири батафсил ҳикоя қилинган. Асардаги кўплаб сюжет чизиқлари пухта ўйланган, ниҳоясига етказилган. Уларнинг ҳаммаси битта йўлга — халқимизнинг инқилоб йўлига туташади.

Романда Азимбой, Қудрат, Иवानов, Насриддин каби эса сақланиб



# ТАДҚИҚОТ МАВЗУИ — МЕҲНАТНОМА

Инсоннинг ақл-идроки, даҳоси ва зақоси билан барпо этилган жамики, хоҳ моддий, хоҳ маънавий бойлик бўлсин, барчасининг замини — меҳнатдир. Айна вақтда меҳнат одамзод туфайли шундай қудратга айланади, ўз моҳиятини намоён этди, фаолият манбаи бўлиб қолди, муайян мақсадга қаратилган ижтимоий фойдали жараён даражасига кўтарилди. Совет кишилари эса меҳнатга фойз бердилар, уни ҳаёт, тараққиёт ва гўзаллик гултожиги айлан-

тирдилар. Меҳнат ўз навбатида кишиларнинг ҳаётини безади.

«Навоий асарлари лугати»да «меҳнат» тушунчаси билан боғлиқ учтагина сўз келтирилган: «Меҳнат — машаққат, оғирчилик»; «меҳнатафзой — машаққат ортирувчи, қийновчи»; «меҳнатзада — бало урган, бахтсиз». Турган гап, мазкур лугат буюк мутафаккир даҳсининг барча жиҳатларини, шоир сўзларининг ранг-баранг маъно жилваларини тўлиқ акс эттиролмайд.



Чунончи, биламизки, жамият аъзоларини ижтимоий фойдали меҳнатга даъват этиб, ўзининг ажойиб меҳнатнома дostonи «Фарҳод ва Ширин»ни бунёд этган зот ҳам Алишер Навоийдир.

Умрни зое этма, меҳнат қил.  
Меҳнатни саодатинг калиди  
бил,—

деб башорат қилган ҳам улуғ Навоий эди. Бироқ, шу нарса муҳимки, Навоий сингари даҳоларнинг меҳнатни эъзозлаш ҳақидаги орзу-умидлари фақат бизнинг замонамизга келиб тўла кушойиш топди. Социалистик тузум шароитидагина меҳнат конституцион категорияга айланди, қонуний тарзда совет кишиларининг ҳуқуқи ва бурчи сирасидан ўрин олди. Эндилқда бизда меҳнат моддий ва маънавий бойликлар яратиш воситаси, шон-шараф ва қаҳрамонлик тимсолидир.

Асил Рашидов тадқиқотининг<sup>1</sup> қиммати ҳам шундаки, у меҳнатнинг тарихий категория эканини ҳисобга олган ҳолда иш кўради. Буни тарихий-лисоний ва адабий-эстетик дифференциация принципи деб аташ мумкин. Бундай фарқлаш эса

бир неча босқичда амалга оширилган. Чунончи, биринчидан, автор бунёдкорлик жаҳасида ҳаёт қаҳрамонлари билан адабиёт қаҳрамонларини бақамти қўйган ҳолда, совет тузumi шароитида маълум давр ўтиши натижасида уларнинг кўпайиши тафовутини чоғиштириб кўрсатади; иккинчидан, ўзбек классик адабиётининг турли даврлардаги ривожланиш босқичларида меҳнатнинг бадийи мадҳиясидаги жиддий фарқларни муқояса қилади; учинчидан, ҳаётда меҳнатнинг улкан иқтисодий, ижтимоий-сиёсий маъқеи билан адабиётда уни акс эттиришнинг ўзига хос талаблари, ҳусусиятлари, шартлари фарқлаб берилади. Кейинги қиёсий-дифференциал тип ўзининг мураккаблиги, турли баҳсларни туғдириши жиҳатидан чуқур назарий асослашга муҳтож бўлган муаммолардандир.

Меҳнат умумий бадийи тасвир аспектида ғоятда универсал, қамровли, шу билан бирга, ёзувчидан нозик дид, уқув, чуқур профессионал билим, катта ҳаётий тажриба ҳамда маҳорат талаб этувчи маъсулиятли, мураккаб мавзу. Кишилик жамиятининг илк тараққиёт босқичида, замонларки, ҳали одамзод насли табиатга жуда яқин турганида, она табиат қўйнида унинг саҳий синясидадан озиқланиб юрган гўдаклик кезларида, бадийи ижод куртаклари эндигина ғивир-шивир барг ёзаётган паллаларда дафъатан туғилган ибти-

<sup>1</sup> Асил Рашидов. Ўзбек қиссаларида меҳнат тасвири. «Фан» нашриёти, Тошкент — 1980; Ишчи — қиссаларимиз қаҳрамони. «Ўзбекистон» нашриёти, Тошкент — 1980.

қоладиган бир қанча образларга дуч келамиз.

«Боқий дунё» романининг бош қаҳрамони, шубҳасиз, Насриддиндир. У — содда, ҳатто хиёл тўпори, лекин ҳозил-мутойибага мўйил, озгина шоирлик завқи ҳам бор, қисқаси, халқчил асосдаги образ. У асарнинг бошидан охиригача қатнашадиган ягона образ. Насриддиннинг ҳаёт йўли анча мураккаб. Бу образда халқимиз кенг қатламларининг (авангард қисмининг эмас) инқилобга келиш йўли яхши ифодаланган.

Асар шундай бошланади: Азимбой туш кўрса, Москвага кетаётганимиш. Вагонга Дукчи Эшон чиқиб қолибди. Дастори чувалган, кийимлари лой. Бой туриб салом берай деса, туролмашиб. Эшон ўтириб хат ёзибди. Хатдан ўт чиқиб эшон ёниб кетибди. Эшоним хафа, деб, ўйлайди бой. Шу аснода дарвозадан Москвадаги гимназияси ўғли Қудрат кириб келади. Азимбой ўғли ва хизматқори Насриддин билан эшон ҳузурга йўл олади. Воқеалар мана шу тарзда тифиз, китобхонни жалб этадиган даражада қизиқарли бошланади. Ҳар бири йигирма сатрлик пухта, сиқик бандлар энгил ўқилади. Шoir бизни йўл-йўлақай асар қаҳрамонлари билан таништириб боради. Уларнинг хатти-ҳаракатини, воқеалар оқимини изчил тасвирлайди. Зарур ўринларда изоҳ беради. Инқилоб ҳақиқати билан унга келиш йўлларидаги қийинчилик ва мураккабликларни қиёслаб кўрсатади. Шу туфайли Насриддин тилсолида халқимизнинг инқилоб йўли мураккаблиги билан намойён бўлади.

Романининг бошланишига қайтайлик. Азимбой — файтунда, Қудрат, Насриддин — отда Дукчи эшонникига кетмоқдалар. Улар йўлда ҳовлижойи тортиб олиниб, кўчини судраб юрган. деҳқонлардан бири — Бойдарвишга дуч келдилар. Шалоғи чиққан арава. Қирчанги от. Арава йўл четидеги чуқурга тушиб қолган. Реал тарихий факт асосига қурилган бу деталнинг аҳамияти ҳаётдаги ҳақсизликни кўрсатиш билангина чекланмайди. Шоир уни бадий фактга айлантиради. Фактдан қаҳрамонлар

қиёфасини чизишқа, сажиясини кўрсатишқа муваффақият билан фойдаланади. Чунончи, хангоматалаб Насриддин гупчакка елкасини тираб бир сурадию аравани йўлга чиқариб қўяди. «Сендай полвонларимиз турганда ҳовли-жойдан қувилиб саргардон юрибмиз», дейди шунда Бойдарвиш. Эйтибор қилинг, Насриддин ҳаётдаги ҳақсизликни кўради, лекин унинг ҳақсизлик эканлигини пайқамайди, бунга ўйлаб ҳам кўрмаган.

Шoir Қудратнинг ҳам муносабатини кўрсатади. Москвада ўқийдиган бу бойвачча, зиёли йигит Бойдарвишга: «Шаҳристонга боринг, ер ҳам кўп, жой ҳам кўп. Бошпана ҳам топиб берамиз», дейди. Кўриниб турибдики, бу ҳамдардлик эмас. Бу — ўзидан, аҳволидан мамнун одамнинг гапи!

Ана, улар эшон ҳузурда. Гап Қудратнинг Москвада, «кофир»лар орасида ўқишдан бошланиб, «куфрий зулумот»нинг кучайганига кўчади. Эшон гапни узоқдан келтириб, яқин ўртадаги «жиҳод» — газовотга ишора қилади.

Фокусда уч персонаж турибди: Азимбой, Қудрат, Насриддин. Бойнинг кўз олдида давлати, мол-дунёси, Қудратнинг кўзига Пугачёв, Разин кўриниб кетади. Насриддинга эса дориломон бўлса кифоя. Мусулмонми, ғайридинми — бари бир. Бундай қараш халқнинг кенг қатламлари тушунчасига жуда мос.

1898 йилги Андижон кўзғолони халқимизнинг мустамлака зулмига қарши миллий-озодлик ҳаракати эди. Бироқ унинг раҳбарлигини феодал-клерикал кучлар ўз қўлларига олган, шу сабабли у халқнинг кенг қатламларини ўзига жалб этса-да, мағлубиятга учраган эди. «Тақдирнинг иши ўзгачароқ», ҳаққоний раҳнамо — одил партия ва унинг тарихни тонг қолдирган ишлари ҳали олдинда эди...

Андижон воқеаси «бир авлодни ҳазон этган» бўлса, иккинчи авлоднинг «кўзини очган» ҳам эди. Насриддин шериклари билан қамоққа олинади. У рус ишчиси Иван билан учрашади. Иваннинг ёрдамида Сибирь поезидан қочади. Ҳақ-ноҳақ

ни тушуна бошлайди. Ноҳақликлар уни ўйга толдиради. Суюкли Жаннатнинг ўлими, Бойдарвиш фожиаси, ўзига ўхшаган хизматқор-чоракорлар қисмати унда бойларга қаҳру газаб уйғотади. У Иван билан эрк ва озодлик ҳақида баҳс қилади. Лекин унинг тушунчалари ҳали жуда содда. Масалан, у Иваннинг «Илонинг бошини янчмоқ керак», «Оқ пошшони ағдармоқ даркор», деган фикрларини тушуниб етмайди, ҳазилга йўяди. Сўнгра Намозга кўшилади. Қанчадан-қанча бойларга қирон келтиради. Лекин у кутган ўзгаришдан дарак йўқ. Намознинг ўзи ҳам хиёнат қурбони бўлади. Бир кеч, Жиззахнинг ваҳимали тунида бойбосар Насриддин онаси ва қадрдонларига тўқнаш келиб қолади. Ўз уйига ўғирликка тушган ношуд фарзанддек изтироб чекади. Шабхунлики йиғиштириб, таъқибдан қутулиш, мақсадга эришиш муддаосида мишраб бўлиб юради. Яна Иванга дуч келади. Ундан Ленин ҳақида эшитади, ҳақиқат қаерда эканини тушуна бошлайди. Ўзининг ҳақиқат излаган саргардон кечмишини мушроҳада қилиб чиқади. Ҳақсизликнинг туб сабабини билмай, мохиятини равшан англамай, уюшмай курашиш «зимистонга тусмоллаб ўқ отиш» эканлигини англаб етади. Хуллас, 1916 йилдаги Жиззах воқеаларига қадар, «Пошшо бошқа, бу ўрис бошқа», деб ўзига ўхшаган камбағал Иванни кўзи қонга тўлган оломондан онгли равишда ҳимоя қилишгача бўлган катта йўлни босиб ўтади. Сўнг эса Харьковга мардикорликка жўнатилади: Ниҳоят, Октябр инқилобини амалга оширган, Советлар ҳокимиятини ўрнатган озодлик курашчиларининг олдинги асфиди Бутунроссия Советларининг тарихий VIII съездида иштирок этади, Ленини кўриб, суҳбатлашади. Совет Ўзбекистони бунёдкорларидан бири бўлади. Шу тарихга, Насриддиннинг мураккаб инсоний тақдири, ижтимоий қиёфаси кенг тасвирланган коммунист инсон сифатида ёдимизда қолади.

Уч авлод — Азимбой, Қудрат, Фарҳод тақдири ҳам романда кенг

ўрин эгаллайди, бадий талқини билан яхши таассурот қолдиради.

Азимбой — Шаҳристоннинг доврўқли бойи. Унинг бобоси Ражаббой бир замонлар Қува тарафдан Шаҳристонга келиб қолган. Ушанда Насриддиннинг катта бобоси Ражаббойнинг ишбошиси эди. Замонлар ўтиб, Умархоннинг «оқ уйлик»лари кучи билан Шаҳристондаги шаҳар тикланди. Азимбой эндиликда заводчи бой. Замонасининг дунёнинг борди-келдисидан хабардор бойи. Пушкинни эшитган, Москвада ўзига ўхшаш Пётр Юрьевич билан зиёфат-базмларда бўлган, вақти-хушлик қилган. Умуман, унинг фаолият майдони ҳам, фикрлаш доираси ҳам анча кенг. Рухий дунёси биз адабиётда, санъат асарларида кўп кўриб, кўниккан бойларникидан мураккаброқ. Аслини олганда, Азимбойнинг Москва саргузаштлари китобхонни ажаблантирмаслиги керак. Муқимий «масковчи» Ҳодихўжасини юз йил бурун таърифлаган, адресини ҳам кўрсатган эди. 1905 йили қақирилган биринчи Давлат думасида мусулмон бойлардан ўн беш киши қатнашган, 1906 йилги иккинчи Давлат думасида эса бу рақам ўттиз бешга етганлиги маълум. Улар орасида тошкентлик Абдулрауф қори, Фарғоналик Солиҳжон Муҳаммадзонов ҳам бор эди. Азимбойнинг ўғли Қудрат Москвада гимназияда, сўнграқ университетда ўқийди. Бунга ҳам асос бор. Марказий шаҳарларда ўқиган ўзбеклар анчагина эди. Узоққа бормасдан Москвадаги Лазарев номидаги Шарқ тиллари институтида ўқиган Муқимийнинг жиғини Рўзимухаммад Ўстматовни эслайлик. Майли, унинг тақдири бошқачароқ, истисно ҳол, дейлик. «Вақт» газетасининг муҳбири Ш. Муҳаммадёргов ўша газетада 1916 йили босилган «Туркистон мактублари» мақоласида Петербург Ҳарбий медицина академиясини тугатган самарқандлик олий маълумотли врач Абдурахмон Али ўғли ҳақида гапиради. Бундай фактларни яна келтириш мумкин. Гап, албатта, бирор қаҳрамоннинг марказда ўқиган-ўқимаганлигини таъкидлашда эмас, балки халқимизнинг маълум

доний, меҳнат қўшиқларидан бошлаб бугунги улугвор, салобатли меҳнатнома гимни тантанавор жаранглаётган давргача босиб ўтилган йўлни тасаввур қилинг-а!..

Асил Рашидов меҳнат мавзуини ёритишда ўзбек классик адабиётининг тадрижий такомил йўлини очиш, ҳар бир даврда мавзу замирига киришнинг ўзига хос талаб ва принципларини аниқлаш мақсадида фольклор намуналарига, Навоий, Бобир, Нодира, Гулханий, Махмур, Муқимий, Фурқат, Завқий ижодига мурожаат этади. Мана шу нуктада тадқиқотчининг барча мамлакатларда, ҳар бир тарихий босқичда, турли миллий адабиётларда ва алоҳида олинган ҳар бир адабий муҳитда, жумладан, ўзбек адабиётида ҳам «жаҳоншумул ҳодиса» бўлмиш чинакам демократлашув жараёни бир маромда текис кечмаганлиги ҳақидаги кузатишлари ҳам жуда муҳим. Шу тарихга, автор талқинида меҳнат бадий адабиёт арсеналидаги юзлаб мавзулардан биригина эмас, балки унинг турли даврларда ёритилиши тадрижини кузатиш орқали сўз санъатининг хусусияти, жанр, ритм, адабий-эстетик концепциялар, услуб, ёзувчининг ғоявий мавқеи, бадий тасвир воситалари, миллий адабиётлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва таъсир сирлари билан боғлиқ мураккаб масалаларга ойдинлик киритиш восита-

ларидан бири ҳам ҳисобланади.

Меҳнат туйғуси, унинг мохиятини чуқур идрок этиш ёзувчига нима бериши мумкин, деган саволга М. Горькийнинг мана бу сўзлари тўла жавоб беради: «Башарти, мен танқидчи бўлсаму Максим Горький хусусида китоб ёзсам, мен бу китобда Горькийни у қандай бўлса, кўз ўнгингизда шундай гавдалантирган бўлардим... Уни ёзувчи қилган куч шундаки... у рус адабиётида, эҳтимол, ҳаётда биринчи ўлароқ, меҳнатнинг, жаҳондаги барча бойликларни, барча гўзаллиқни, барча улугворликни бунёдга келтирувчи меҳнатнинг буюк аҳамиятини ўзи шахсан пайқайди, дердим».

Ана шу нуктаи назардан, яъни халқимизнинг яратувчилик фаолиятига индивидуал ижодий муносабат сирларини қидириш орқали ўзбек ёзувчиларининг портретларини яратиш, улардан ҳар бирининг ўзига хос тадбир ва усулларини аниқлаш ниятида А. Рашидов ўзбек адабиёти тараққийнинг узоқ тарихий даврларини эмас, балки, асосан, совет даврини ўрганишга эътибор беради. Шу мақсадда у Абдулла Қодирийдан — Ойбеккача, Ҳамза Ҳакимзодадан — Ғафур Ғулумгача, Садриддин Айнийдан — Одил Ёқубовгача... меҳнат тасвирининг ранг-баранг индивидуал услубларда давр талабига кўра нозиклашиб ва чуқурлашиб бо-ришини очишга ҳаракат қилган.

Асосий тадқиқот объекти меҳнат тасвири экан, мамнуният билан қайд этиш керакки, автор инсон руҳий олами бадий инкишофининг барча проблемаларини нуқул меҳнатга олиб бориб боғлабвермайди. Инсонни фақат меҳнат қўйнида намоиш этишнинг ўзига кифоя қилади, дейиш бирёқламалик бўлур эди, деб ҳисоблайди. Шунга кўра, совет кишини фаолиятини чизишда меҳнатни «хамма нарсаларнинг йиғиндиси», бадий асардаги «жамловчи марказ» деган нуқтаи назарга эътироз билдиради. Чиндан ҳам: мана, ишчи дастгоҳ олдида турибди, дейлик. Адиб ўша механизмнинг тузилиши, ҳаракати, ишчининг меҳнат унуми ва ҳоказоларни ҳарчанд ишонарли сўзлаб бергани билан ўша дастгоҳ унинг соҳиби — инсоннинг ҳаёти, камолоти, эҳтимол, тақдирда қандай аҳамият касб этганлигини бадий таъсирчан шаклда, китобхонни ҳаяжонга соладиган бир тарзда тасвирлай олмаса, ишчи ишчиликча, дастгоҳ дастгоҳликча қолаверади. Бу китобхоннинг на қалбига, на онг-шуурига озиқ беради.

Қўйилган масаланинг муҳимлиги шундаки, адабиётимизнинг турли босқичларида ижодкорларни ишлаб чиқаришга яқинлаштириш шиори остида ҳар қандай бадий жозиба, эстетик таъсир кучидан маҳрум, схематизм, ясама сюжетлар доирасида ёзилган хом-хотала асарлар

ҳам пайдо бўлган эди. Акмал Икромовнинг гувоҳлик беришича, ўша вақтларда бир театр ходимлари икки соат ичида пьеса «яратиб», уни бир ярим соат ичида саҳналаштирганлар ва бу «асар»га «Пахта экинни тўғрисида... рапорт» деб ном берганлар. «Асар» саҳнада кўрсатилганида томошабинлар ўзларини худди мажлисда ўлтиргандек ҳис қилганлар. Ёки, шоир Роиқ қуйидаги оддий мисраларни тўқигани учун «сентиментализмга берилиш»да айбланган: «Тонгнинг юмшоқ шабадалари улар билан ўйнашадир. Ипақ сочларни юзга тарқатадир». Бир танқидчи ана шу мисраларни рўқач қилиб: «Албатта, бундай ўхшатишлар пролетариат шоирларининг ўхшатишлари эмасдир», деб ёзади. Акмал Икромов ўша танқидчига жуда ўринли дашном берган эди: «Афтидан, (танқидчининг наздида) хотин сочини трактор занжирларига ўхшатиш керак. Шунда бу тўғри бўлиб чиқади».

Бузиш, барҳам бериш, тиклаш, қайта яратиш даври эди. Адабиёт майдонидаги кураш меҳнат мавзуига, қаҳрамонни қандай табақа ва ижтимоий муҳитдан танлаш муаммосига бориб тақаларди. Бир томондан, айрим адабий гуруҳлар мавзу танлашда «машинизм», «металлизм»га сажда қилсалар (ҳатто қулоқни қоматга келтирувчи шовқин-суронлар билан тўлиб-тошган

тарихий шароитдаги аҳволи, инти-лиш-савиясини ҳаққоний кўрсатишда. Юқоридаги фактлар шу жиҳати билан айниқса муҳим.

Азимбой образига қайтайлик. Шоир Азимбойнинг хатти-ҳаракатини психологик йўналишда очишга кўпроқ эътибор беради. У ўғли Қудратни Дукчи эшондан «тилаб олган» Шундан унинг бир умр ихлосманд муриди. Тақдирнинг тақозоси билан бу арзанда ўғил хизматкор Насриддиннинг онаси Ойчучукни эмиб катта бўлади. Қудрат ва Насриддин кўкалдош. Бинобарин, Азимбой Насриддинга ола қарай олмайди. Айниқса, Қудрат олдида. Қудрат ҳам Насриддин билан бирга ўсади. Насриддин тугайли Муса, Бойдарвиш каби камбағал чоракорлар даврасида кўп бўлади. Бу жиҳатлар Азимбойнинг Дукчи эшон ва Насриддинга муносабатини белгилловчи омиллардир. Шу сабабли Дукчи эшон кўзғолони кўндаланг бўлганда, унинг қалбида «давлат ва имоннинг шиддатли кураши кечади. Қизи Жаннат билан Насриддиннинг севгиси ҳақида эшитганда ларзага туша ҳам, гоҳ хизматкорининг шаддолигидан ғазабланса ҳам, бирдан туюқиб кетмай, ўзини босади. Зимдан иш юрилади. У Насриддин билан шеър ва шоирлик ҳақида дилкаш суҳбатлар ҳам қуради. Насриддиннинг кўнглига шеър ва шоирлик меҳрини, сўнроқ бутун умри давомида эзгу, муқаддас армон бўлиб келган «Туркистоннома»ни ҳам солган ўша. Айни пайтда беайб Насриддинни қаматган, қизи Жаннатнинг ўлимига сабабкор ҳам Азимбой. Лекин у ҳамиятдан, инсоф-диёнатдан тамом йироқ эмас. Масалан, у тергов пайтида ўзи жўнатган Насриддин бошлиқ ўттиз йигитнинг дарагини эшитганда қалқиб кетади. Сири очилишидан эмас, йўқ, уларнинг тақдирдан ташвишга тушади. Ҳатто айбни ўзига олиб, уларни бўшатишларини сўрайди. Бир юртга келиб, бош сиплаш ўрнига жабру жафо ёғдираётганларга қарши ўз фикрини очиқ айтиди. Элнинг бош кўтарганини табиий, қонуний ҳисоблайди. Булар бари қаҳрамоннинг синфий қиёфаси-

ни кўрсатишга ҳалал бермайди, аксинча, образнинг моҳиятини теранроқ очишга кўмаклашди. Шунинг эътибори билан керакки, Андижон кўзғолони миллий озодлик ҳаракати эди. Миллий мустақиллик учун кураш эди. Бундай курашдан маҳаллий бойлар манфаатдор эдилар. Азимбой даврининг пешқадам бойларидан. Дукчи эшон воқеасининг оқибатлари, вайрон бўлган хонадонлар, бадарга қилинган юртдошлар уни ўйлантирмай қўймайди. Улар учун ўзини ҳам айбдор ҳисоблайди. Виждони кўзғолади. Шу жиҳатдан унинг қамоқдаги ўйлари, поёздан ташлаб ўзини ҳалок этиши асосли ва таъсирчан чиққан.

Қудратнинг ҳаёти драматик воқеаларга янада бой. Уқимишли, лекин табиатан кўрқоқ бу йигит Мингтепа фожиасини жаҳолатдан кўради. Жадидларга қўшилади. Хотини ғунчақиз билан мактаб очади. Кейинроқ эса чинакам маърифатпарварга айланади. Ҳамза, Авлоний, Ажзий, Шакуррий билан ҳамкорлик қилади. Лекин Насриддин айтганидек, «мактаб ўзи ризки рўз бўлмас» эди. Қудрат ва Насриддин орасидаги эҳтиросли баҳсларда халқимиз озодлик йўлининг ўзига ҳослиги, мураккаблиги яхши ифодаланган. Биргина маърифатнинг кифоя эмаслигини Қудрат 1916 йилда, яна бир фожиадан сўнггина англайди. Жиззахлик машҳур Суёнбойнинг биттаун битта қизига уйланган Қудрат ўз оиласи бошига тушган бахтсизликлардан сўнг Шаҳрихондан чиқиб кетиб улар билан бирга турар эди. 1916 йил воқеасига у шу тариқа дуч келади. Жиззах халқи Қийли қўлига қувилган. Қудрат шу эл билан бўлишни чин юракдан истайди, уларга талпинади, лекин қайнатасининг юзидан ўтолмайди. Уни ташлаб кетолмайди. Қайнатаси эса ҳовли-жойи, мол-дунёсидан воз кечолмайди. Унинг ҳовлиси дахлсиз, подшоҳликнинг оқ туғи осилган. Бироқ 1916 йил алангаси ҳўл-қуруқни баравар ёндиради. Оқ туғли ҳовли ҳам таланади. Ғунчақиз булғаб ўлдирилади. Ногоҳ бу ҳодисанинг устидан чиққан Қудрат лол бўлиб қолади. Қўлида теша ушла-

ганча полковник ҳузурига жўнайди. Икки ўртоқ, икки душман — Петр Иванов ва Қудрат юзма-юз тўқнашадилар. Қонун ва адолат устида шиддатли, лекин шафқатсиз баҳс кетади. Қудрат қонунсизликдан иборат қонунни қош этади. Маҳаллий халқ — сартларнинг ҳам ўз уйида эркин яшашга ҳаққи бор эканлигини, у ҳам инсон эканлигини эҳтирос билан ҳимоя қилади. Романдаги голят ҳаяжонли, драматик воқеалардан бири — бу тўқнашув Қудратнинг ўлими билан тугайди. Уни Ивановнинг ўзи отиб ташлайди.

Учинчи авлод — Фарҳоднинг йигитлик йиллари инқилоб даврига тўғри келади. Қудрат бир вақтлар ўша манфур поручик Ивановга ўчакчи бўлиб ўғлини Тошкентдаги кадетлар мактабига берган эди. (Бундан у кейин қаттиқ афсусланди, албатта.) Ота-онасининг фожиали ўлимидан сўнг Фарҳод Қудратнинг дўсти Авлонийга суяниб қолади. У тугайли инқилобчиларга қўшилади. «Отаси ҳам, онаси ҳам инқилоб» бўлади. Авлонийнинг қизи Ситоранинг муҳаббатини қозонади. Севади, севилади. Туркистон инқилобини амалга оширишда иштирок этади. Инқилоб душманларига қарши мардона курашади. Сўнг Москвада ҳарбий командирлар мактабини битиради, чапдаст саркарда бўлиб танилади.

Романда бу хил ўз ҳаёти ва тақдирига эга, қиёфаси эъза сақланиб қоладиган образлар анчагина. Чунончи, Пётр Иванов, Иван Лапин, Валентина образлари ҳам ҳар томонлама пухта ишланган.

Биз кўпроқ асардаги бош масаланинг қўйилиши ва ҳал қилиниши, қаҳрамонларнинг ижтимоий қиёфаси ва уларнинг тарихий асосларига тўхталдик. Романда маший деталлар, қаҳрамонлар шахсияти, халқимизнинг урф-удумлари, хос жиҳатларига оид бадий топилмалар, нозик кузатишлар ҳам борки, улар ҳақида бир мақола доирасида тўхтаб ўтиш қийин, албатта. Шунингдек, романда соф поэтика нуқтаи назаридан ҳам янгиликларни учратамиз.

Асар мароқли ёзилган. Қўлланган йўл — гоҳ кенг эпик тасвир, гоҳ ли-

рик чекинишлар, гоҳ кинодраматургияга хос тарзда умумий манзарани бир сидра кўрсатиб, керакли лавҳани йирик планда бериш — китобхонни зериктирмайди. Реализм ва романтика уйғунлиги яхши таассурот қолдиради.

Кўпинча йирик асарлар, айниқса, шеърини асарлар ҳажми ошгани сайин жозибаси камайиб борарди. «Боқий дунё» романида бундай ҳолат деярли сезилмайди. 8000 сатрли салмоқли роман айрим истисноларни ҳисобга олмаганда, бошдан охиригача китобхоннинг диққатини тортиб туради. Бу, шубҳасиз, жуда катта меҳнатнинг самарасидир. Муҳаммад Али роман устида ўн йил ишлади. Уйлаймизки, асар устидаги иш яна давом этади. Шунга кўра, романдаги айрим мулоҳазали ўринларни ҳам кўрсатиб ўтишни истардик. Чунончи, III қисмда факт ва ҳодисалар ҳаддан ташқари зич. Уларнинг мушоҳада ва тадқиқи етарли эмас. Хусусан, XI бобда хроника жуда кучли. Бу асарнинг бадий қиммати га маълум даражада путур етказган. Айрим персонажлар эса такомиллаштириш нуқтаи назаридан сайқалга муҳтож. Масалан, Дукчи эшон портретида салобат етишмайди. Ҳолбуки, одамларга руҳий таъсир ўтказган, йўлга бошлаган одамда бу хислат бўлиши керак. Дукчи эшоннинг бойни қаршилаганда «Интиқ эдик, Азимбой тоға» (?) дейиши тўғри эмас, албатта. У ёшига кўра бундай дейиши мумкин, лекин обрў-мартабасига кўра айта олмайди, «бўтам», дейди. Шунингдек, Насриддин ҳам ўттиз йигит билан Мингтепага боришда қўлга тушиб қамалади-да, чиқибши билан бойларнинг қаттол душманига айланади. Буни ҳам асослаш керак. Назаримизда, тил, ифода нуқтаи назаридан ҳам «очун», «журм», «ҳавосат» каби унутилган сўзлар ўринсиз ишлатилган-дек. Шуларга қарамадан, Муҳаммад Алининг «Боқий дунё» шеърини романи адабиётимизнинг тарихий-революцион мавзудаги муваффақиятли тажрибаларидан бири, истеъдодли шоиримизнинг жиддий ютуғидир.

Бегали ҚОСИМОВ

## мақриз

асарлари «производстодаги иш жараёни... инъикос эттиришга уриниш деб мақтаб, китобхонларга уларни «паровоз филдираги оҳангида» ёки бошқа бирон паррак, босқон ва ҳоказолар тсвушига тақлидан «хониш қилишни» маслаҳат беришар эди!»<sup>1</sup>, бошқа тоифалар бунинг айнан аксича иш кўрар эдилар.

Бой тарихий маданий мерос, прогрессив классик аъналар асосида ривожланиб келган ўзбек адабиётининг шаклан миллий, мазмунан социалистик тарзга кўчишида, унда янги эстетик мезонлар, жанрлар, шакллар, мавзулар, қаҳрамонларнинг (жумладан, қисса жанри, меҳнат мавзуи, меҳнаткаш қаҳрамон образи) тўғилиши ва барқарорлашувида рус классик ва совет адабиёти, қардош халқлар адабиётлари ҳамда жаҳон тараққийпарвар адабиётининг ҳаётбахш таъсири баралла сезилиб туради.

Тадқиқотчининг қайд этишича, қиссаларимизнинг қаҳрамонлари пассив юмуш бажарувчилар, кўр-кўрона ижрочилар, мўмин-қобил, итоаткор дастёрлар эмас, балки ўз меҳнатларининг мазмунини чуқур англаб етган, унинг эғлигини кўрган фаол курашчилар янгилик изловчи-

лар, имони бутун тиниб-тинчимас кишилар образларидир.

«Мен ўз заводим тўғрисида ўз онам ҳақида гапиргандай, меҳр билан, ғурур билан узоқ гапира оламан» — дейди «Дарёлар туташган жойда» қиссаси қаҳрамонларидан Пугачёв. — Америка ишчисига, ўз заводинг ҳақида гапир, десангиз, нимани айта олади? Унда ғурурланиш қайда? Бу унинг заводи эмас. Мана бу завод-чи, — Василий Иванович деразага қараб кўлочини ёзди, — бу завод меники! У мени улғайтади, мен уни. Ундан ажраб бир кун яшай олмайман. Гудокдан кейин, мени, заводдан чиқиб кетади, деб ўйлайсизми? Йўқ, мен уйда мартен ҳақида китоб ёзмаман, худди печнинг алангаси юзимга уриб туради. Бу аланга менинг меҳнатим билан ёнган».

Ойбекнинг «Болалик», Фафур Гуломнинг «Тирилган мурда», «Шум бола», Садриддин Айнийнинг «Судхўрнинг ўлими», Абдулла Қаҳҳорнинг «Синчалак», Шароф Рашидовнинг «Ғолиблар», Асқад Мухторнинг «Дарёлар туташган жойда», «Қорақалпоқ қиссаси», Ҳамид Гуломнинг «Олмос қизи», Одил Ёқубовнинг «Муқаддас», Саид Аҳмаднинг «Хукм», Сарвар Азимовнинг «Камалак», «Кўзлари қўлпон», Раҳмат Файзийнинг «Чўлга баҳор келди», Пиримқул Қодировнинг «Қадрим» қиссалари ва бошқа бир талай асар-

лар таҳлил этилаётган жанр имкониятларидан усталик билан фойдаланган ҳолда замондошларимизнинг улғувор меҳнатини уларнинг ижтимоий-миллий муҳити, характери ва тақдир билан чамбарчас боғлаб тасвирлаш маҳоратининг яхши намуналари бўлиб қолди.

«Ўзбек қиссаларида меҳнат тасвири», «Ишчи — қиссаларимиз қаҳрамони» деган тадқиқотлар хийла узоқ вақт давомида яратилди. Шу давр мобайнида автор пухта назарий тайёргарлик кўрди, қиссачилик тарихи, жанр имкониятларини ўрганди, Чингиз Айтматовнинг ўнга яқин повестлари билан кўплаб ҳикояларини таржима қилиб, икки жилддан иборат Асарлар тўплами ҳолида нашрдан чиқарди. Мана, тадқиқот ниҳоясига етди. Маълум бўлдики, адабий жанр сифатида қиссачиликнинг, мавзу маъносиде меҳнатнинг, бугунги адабиётимизнинг бош қаҳрамони сифатида меҳнат аҳли образларини чиқишининг ижодий имкониятлари қанчалик кенг бўлса, уларнинг илмий талқини ва таҳлили ҳам шунчалик катта потенциал имкониятларга эгадир. Шундай имкониятлардан бири сифатида мавзу, танланган объектлар замирида рус ҳамда қардош халқлар адабиётлари билан ўзбек адабиётининг ўзаро ҳамкорлиги ва таъсирини янада кенгроқ ўрганиш истиқболини айтиш мумкин. Айтايлик, Бальзакнинг «Гобсек» ва Сад-

риддин Айнийнинг «Судхўрнинг ўлими», Гончаровнинг «Обломов» ва Фафур Гуломнинг «Тирилган мурда», Фёдор Гладковнинг «Цемент» ва Асқад Мухторнинг «Дарёлар туташган жойда», Ванда Василевскаянинг «Камалак» ва Абдулла Қаҳҳорнинг «Олтин Юлдуз», Чингиз Айтматовнинг «Бўтакўз» ва Пиримқул Қодировнинг «Қадрим» сингари асарларини қиёсий-типологик ёки ўзаро таъсир йўналишида махсус ўрганиб, оригинал илмий хулосалар чиқариш мумкин. Айни вақтда ўзбек қиссаларини ҳозирги хоржий Шарқ мамлакатлари адабиётлари асарлари билан чоғиштириб ўрганиш ҳам келажакда кенг истиқбол манзарасини очиб шак-шубҳасиздир.

Тарихда мисли кўрилмаган меҳнат шижоати билан республикамиз меҳнаткашлари 1980 йилда 6 миллион тоннадан зиёд «оқ олтин» тоғини барпо этдилар. Бу бутун мамлакат аҳамиятига эга бўлган реал моддий жамғарма, чинакам умумхалқ қаҳрамонлиги ўзбек ёзувчиларини яна кўплаб янгидан-янги жозибадор бадий қиссаларни яратишга ундайди, илҳомлантиради. Асил Рашидовнинг икки монографияси ижодий ва илмий меҳнат самараларининг уйғунлашуви контекстида ўзига хос маъно ва мазмун касб этади.

<sup>1</sup> «Туркистон» газетаси. 1922 йил, 22 сентябрь.

## ҲАМФИКРЛАР

Озиқ-овқат магазинида одам гавжум. Иккала сотувчининг қўли қўлига тегмайди: бири харидорларга сарёғ тортиб бермоқда, иккинчиси қанд-курс, печенье узатиб турибди. Қодир деган йигит ўзи харид қилган сарёғни қўлига олди-да:

— Тавба, ярим килодан эллик граммча уриб қолди-я,— деди.

Навбатда турган жиккак киши гапга аралашди:

— Э, ука, унақа дема, қўлингга тарозинг йўқ-ку, ахир?

— Унда менинг неча килолигимни ҳам айтиб берарсан,— дея кулди бақалоқ бир одам.— Сарёғ ўлчана-

ётганда қарадингми? Қарамагансан. Магазинчи қизга анграйиб туравергансан. Биламан, одам болалигида ширинликка ўч бўлади, йигитлигида қизларга ўч бўлади, қариганда, менга ўхшаб, пулга ўч бўлади...

Харидорлар кулиб юборишди. Қодир хуноби ошиб қўлидаги сарёғни улар томонга чўзди:

— Нега куласизлар, акалар? Мен ҳазиллашаётганим йўқ-ку. Улчаб кўринглар ишонмасаларингиз.

Навбатнинг сўнгида турган кўса чол гапга аралашди:

— Қани, бу ёққа бер-чи, ўлчасак ўлчайлик.

Хотиним ишчан, удабурро. Уй бекаси бўлса ҳамки, ишларини доимо ўзи битириб, жонимга ора киради. Идорамизининг ишларидан ортмай, уй-рўзгор ташвишларини унга ортмоқлаб қўйганман. Бир куни хотиним:

— Дадаси, бир илтимосим бор, йўқ деманг,— деб қолди.— Ўзингиз биласиз, саккиз фарзандингизни боғчадан тортиб институтгача ўзим жойладим. Ота бўлиб уларга бундоқ қайишмадингиз. Уйда ҳам идорадагидек буйруқ беришдан нарига ўтмайсиз. Энди бир мартагина район маорифига ўзингиз боринг.

— Ҳай, майли уриниб кўрай,— дедиму ҳужжатларни йиғиштириб район халқ маорифи бўлимига бордим. Мудирнинг қабулига кириш амри маҳол экан. Анча кутдим. Ниҳоят ҳузурига киришга муяссар бўлдим.

— Қулоғим сизда, эшитаман, бўшашмай тезроқ гапиринг, вақтимни олманг,— деди мудир.

Расми Н. ИБРОҲИМОВ чизган



Уҳ-хў... мен қаттиққўл бошлиқман десам, мендан ҳам ўтадигани бор экан-ку. Ўзингни қўлга ол, бўшашма, сўзи ўткир бошлиқсан-ку. Аммо областдаги «фалон идорада ишлайман», деб ўзимни таништиришни эп кўрмадим. Қаддимни ростлаб, кафтимнинг орқасини лабимга яқинлаштириб, секин йўталиб қўйдим.

— Биродар, кенжатоимни ижозатингиз билан яслига жойлаштиромоқчи эдим,— деб икки буклоғлиқ қоғозни олдига суриб қўйдим. У қоғозларни бирма-бир кўриб чиқди-да, тўнғиллади:

— Тўғилиш ҳақидаги гувоҳномаси кўринмайди-ку!

— Кечирасиз, беодоблик бўлса ҳам айтмай,— деб сўзимни давом эттиромоқчи бўлиб оғиз жуфтладим. Лекин негадир овозим чиқмади.

— Гапиринг, оғзингизга талқон солиб олдингизми? Ҳа, йўталиб,— деди мудир. У менга шундай тикилдими, гўё азёой баданимни тешиб юборгудек бўлди.

— Узр, кенжатоимимиз ҳали тўғилганича йўқ.

— Нима-нима?— деб бақириб юборди мудир.— Мени калака қил-яписизми? Тўғилмаган болага йўллан-мами?! Қани, кабинетни бўшатинг!— дея бориб эшикни қия очди. Қани бир тўғингизни шиқиллатиб қолингчи! Тавба, вазоҳатингиздан ажаб-товур одамга ўхшайсизу гапнингизнинг тутуруғи йўқ.

— Э, сал оғирроқ бўлинг биродар, бир тушган ишимиз эди, катта бошимни кичик қилиб ҳузурингизга келган эдим, ҳар ҳолда мен ҳам...

— Бу ер бозор эмас, мен билан савдолашадиган, қани, жўнанг!— деди у яна.

Қарасам иш чатоқ, мудирни тушмагур милиция чақиршдан ҳам тоймайдиганга ўхшайди. Обрў бориди

У Қодирнинг қўлидаги харидни олиб, нариги ёндаги тарозига қўйди. Тарозининг мили тўрт юз эллик граммни кўрсатиб титрарди. Қизиққанлар ўгирилиб тарозига тикилишди, афсусланиб бош чайқашди.

— Ана айтмадимми?— деди Қодир уларга.— Сизлар бўлсаларингиз ишонмадингизлар.

Шу пайт жиккак киши жиддий оҳангда уқтирди:

— Акт ёз, ука! Дарров ёз. Ҳаммамиз қўл қўямиз.

Қодир дарҳол акт ёзишга киришди. Бир-икки одам унга ҳамкор бўлиб турди. Шу ерда ҳозир бўлганлардан бир неча кишининг исм-фамилияси актга тиркалди. Улар актда айтилган гапни тасдиқлаб имзо чекишлари керак эди. Қодир актни ёзгач, ўрнидан турди-да, жиккак кишига қоғозни узатди.

— Нима бу?— деб сўради у хайрон бўлгандек.

— Қўл қўйинг, акт ёздим, айтганингиздек қилиб...

— Ия... Ия... Ҳа, майли... Энди гап бундай, ука... Шу... уйингга меҳмон келса, дастурхонга биринчи бўлиб ёши катта одам қўл чўзадими ёки сенми?

— Албатта, катта одам бошлаб беради-да,— деди Қодир хайрон боқиб.

— Ҳа, дуруст. Демак, ҳурматни

тушунар экансан. Бу ерда мендан катталар ҳам туришибди. Аввал ўшалар қўл қўйишсин, бизга кейин навбат келади.

Қодир актни кўса чолга олиб борди:

— Ота, сиз ҳаммадан каттасиз. Мана акт. Аввал сиз қўл қўйиб беринг, кейин бошқалар...

— А, ҳе... Жуда тўғри. Бу текин-хўрларни бошлаш керак... Майли, мен розиман, аввал бошқалар қўл қўйишсин... Ахир, ҳамманинг ҳуқуқи бир. Кейин, болам, кейин...

Қодир бақалоқ одамга бориб юзланди.

— Мана, ака, сиз ҳам гувоҳ эдингиз, қўл қўйиб юборинг.

— Э, ука,— деди бақалоқ селкиллаб,— бизни бунга ишлардан дариг тутинг. Оғриманган бошимга олтин таёқ сотиб олайми?... Қўйинг, мени тинч қўйинг. Ана бошқаларга қўл қўйдириверинг.

Қодир аланглаб атрофига қаради. Акт ёзишга ундаганлардан биронтасини ҳам кўрмади. Магазинда мутлақо бошқа кишилар ғимирлаб юришарди. Қодир теварак-атрофга яна бир марта аланглади-да, шанғиллаб чақирди:

— Ҳой, қаёққа кетдинглар, валламатлар!..

Зулфия ШОДИЕВА

## ТАНИМАСНИ — СИЙЛАМАС

жўнаб қолай, деб индамэй чиқиб кетдим.

Эшик олдида кутиб турган шофёр вазоҳатимни кўриб, ҳовлиққанча суриштирди:

— Хўжайин, тинчликми?

— Тинчлик... Кетдик. Уйга ҳайда.

Уйга бориб хотинимни роса койидим.

— Дадаси, бевақт борибсиз, кайфияти бузилиб турган бўлса керак-деб мени тинчлантиришга уринди хотиним.— Аслида ўзи жуда муомалали одам. Сизни танимаган. Танимасни сийламас деганларидек, таниганда шунчаликка бормасди. Охириги илтимосим, бирор ҳафта ўтказиб унга телефон қилинг. Бир уриниб кўринг, дадаси, зора ишимиз ўнгидан келса.

— Бошимни қотирма, гапингга кириб, мулзам бўлдим. Удда қилсанг, ўзинг тўғрила, мени тинч қўй.

— Жон дадаси, шу галча ҳам айтганимни қилинг, ҳўп денг, телефон қилақолинг, барака топкур. Мен ҳар гал болаларни ясли-боғчага жойлаштиришда, маориф мудирининг шахсан ўзига, Фармон Фозиловичнинг аёллари бўламан, деб телефон қиламан. Кейин ҳужжатларни кўтариб, ҳузурига тўппа-тўғри кириб бораман... Агар телефонда ишингиз битмаса, бетимга қараманг.

Уйланиб қолдим. Аслида эркакларга нисбатан хотинлар синчков бўлишади. Уларнинг билмаган сирини йўқ. Хотиним эса тўхтамай гапирарди.

— Э, бўлди-да, ҳадеб жаврайверасанми, майли, яна бир ҳаракат қиламан. Билиб қўй, агар шу сафар ҳам шарманда бўлсам...— дедим жаҳл билан.

Орадан бир ҳафта ўтгач район халқ маориф бўлимига телефон қилдим:

— Алло. Ассалому алайкум! Бе-

зовта қилганим учун кечирасиз. Фармон Фозилович бўламан. Менга Азиз Абдалович керак эдилар.

— О, Фармон Фозилович, мен Азиз Абдаловичман. Трубкадан мудирнинг мулоим товуши эшитилди.— Соғлиқлари дурустми? Болачақаларингиз! Қулоғим сизда, Фармон Фозилович. Бизга бирор топшириқ бўлса, бажонидил... Узлари билан шахсан таниш бўлмасам ҳам мана бугун сим орқали ғойибона танишганимиздан хурсандман.

— Уринтириб қўйганим учун узр,— дедим мен ҳам сертакаллуф оҳангда.— Узлари айтгандай, бир юмушимиз чиқиб қолувди. Қандоқ бўларкин-а? Айтишга ҳам ийманаман.

— Тортинмай айтаверинг, бир оғиз сўзингиз, сиз учун осмондаги юлдузни ҳам узиб беришга тайёрмиз,— деди Азиз Абдалович.

— Янгангизнинг ой-кўни яқинлашиб қолди, эрта-индин кўзи ёрса керак. Буни қаранг, янгангиз «кенжа фарзандингизни яслига жойлаш учун йўлланманинг ҳаракатига тушинг», деб ҳоли-жонимга қўймапти. Сизни шу ваздан безовта қилаётган эдим.

— Фармон Фозилович, янгам яхши маслаҳат берибдилар, Ҳозирдан ишни битириб қўйган маъқул. Олдиндан айтганингиз яхши бўлди. Сиздай ҳурматли зотнинг бир оғиз гапингиз. Бажонидил, битта эмас, ўнта йўлланма беришга ҳам қодирман. Қаторда норинг бўлса юкинг ерда қолмайди, Фармон Фозилович. Ошана-оғайни омон бўлсин, есть қиламиз,— деди мудир.

— Ҳузурига кирганимда кабинетдан қувиб чиқаргани эсимга тушиб,— ханг-манг бўлиб қолаётган эдим. Ана холос!.. Трубка қўлимдан тушиб кетаёзди.

— Алло! Фармон Фозилович, эшитяписизми, алло, сизга нима бўлди. Алло, алло,— деди.

— Эшитяпман, тобим қочиброқ қолди. Узр, сал қон босимим кўтарилганга ўхшайди. Катталиқ қияпти, деб кўнглингизга олмасангиз. Ҳужжатларни болаларнинг онасидан бериб юбораман.

— Саломатликни сақланг, Фармон Фозилович. Саломатлик — туман бойлик, дейдилар. Янгамга тайинланг, навбат кутмай тўппа-тўғри ҳузурига кириб келаверсинлар,— деди мудир. Трубкани қўйиб, энгил тортидим.

Анвар САИДУМАРОВ



— Ҳайрон бўлманг, атайин сиз учун ўстирганман, жонгинам!..



— Вой ўлай, танлаганинг шуми?.. Чолга ўхшайди-ку?  
— Янглишяпсан, кутавериб соқол-муйлови ўсиб кетган-да!



— Қойил, аёл боши билан шунча юкни кўтариб кетяпти-я!  
— Нима бўпти! Ичмаса, чекмаса..




— Хотинжон, дугоналарингиз билан келавринг, қулинг ўргилсин «ажабсанда» тайёрлаб қўйдим.




— Табриклай-м-и-зи!!



Таслим бўлди.



Сабаби — рашк.



— Бир вақтлар «севаман» деб ҳоли-жонимга қўймасдингиз! Энди ёқмай қолдингми?!



— Жонгинам, сизни бор вужудим билан севаман!.. Келинг, энди мени турғизиб қўйинг.

Расмларни А. ХОЛИҚОВ чизган

# Ёш олимларга «маслаҳат»

Олим бўлсанг, такрор сўзла,  
Гоҳ кўчада, гоҳ уйда.  
Сўзлашингдан мақсад кўзла,  
Ё банкетда, ё тўйда.  
Китобни кўп ўқийверма,  
Ҳақиқатни англарсан.  
Бор нарсани билиб олгач,  
Ўз ишингдан тонарсан.  
Мажлисларда айтилганини  
Қулогингга сирга қил.  
Пайти келса, лозим бўлса,  
Юришингни йўрға қил.  
Гар «иш»ингни танқид қилса,  
Раҳмат дегил, хўп дегил.  
Ой сингари чеҳранг очиб,  
Ҳилолдай қаддинг эгил.  
Гар мақола ёзар бўлсанг,  
Иқтибосни ўйлаб ол.  
«Устоз»инг ҳеч ранжимасин,  
Келмасин унга малол.

Гуруҳбозлик, тарафкашлик  
Майлингдан берар дарак.  
Иқтибосни энг аввало,  
«Устоз»дан бошлаш керак.  
«Устоз»инг гар қуёш бўлса,  
Атрофида сен ойсан.  
Дарё каби у тўлганса,  
Сен кичкина бир сойсан.  
«Устоз», «Домла» сўзларини  
Эшитсанг, қилгин сажда.  
Кўришсанг ўзини ҳис эт,  
Боргандек гўё ҳажга.  
Сило бўлсанг ҳеч гап эмас,  
Диссертация ёқлаш.  
Аммо бундай қондани  
Керакдир доим оқлаш.  
Қайтар дунё, дерлар ахир,  
Сен ҳам «олим» бўларсан.  
Ўзинг каби ҳаваскордан  
Бир куни ҳақинг оларсан!

Абдулла МАТЁҚУБОВ

## НЕМИС ЛАТИФАЛАРИ

«Азизим Мария, нима сабабдан ажрашиб кетганимизни тушунолмай га-рангман. Сенинг ўрининг-ни ҳеч кимса босолма-ётибди. Мени кечир! Сен-сиз менга дунё тор. Умр-бод фақат сенигина се-вувчи: Макс.

Дарвоқе, лотореядан машина ютганинг билан чин қалбимдан табрик-лайман, жоним».

\*\*\*

Бешинчи қаватда яшов-чи йигит тўртинчи қават-да турадиган қўшни қиз-ни учратиб, нечирим сў-раган бўлди:

— Кеча байрам куни чавандоз дўстлар йиғи-лишган эдик. Кечаси сизни безовта қилмадик-ми?

— Ҳечқиси йўқ, — деди қиз. — Лекин шунча отни тепага қандай қи-либ олиб чиқдинглар?

\*\*\*

— Айтинг-чи, ҳурмат-ли хоним, пули кўп аҳ-моқ билан турмуш қу-рармидингиз?

— Шошманг, ўйлаб кўрай-чи, саволингиз ме-ни шошириб қўйди.

\*\*\*

— Йигирма беш йил-гача хотиним ҳам, мэн

ҳам бахтли яшадик.

— Кейин-чи, кейин ни-ма бўлди?

— Кейин... инналамиз турмуш қурдин.

\*\*\*

— Қисқичбақа шўрва ичганмидиларинг ёки сабзавот шўрвами?

— Едимизда йўқ, ҳар қалай, овқатдан совун хиди келиб турган эди.

— Ундай бўлса қис-қичбақа шўрва ичган экансизлар. Сабзавот шўрвадан керосин хиди келади.

Немисчадан

Б. МАМАТҚУЛОВ таржимаси

## ҚУВНОҚ ХАНДАЛАР

\*\*\*

— Сен Шекспирнинг «Отелло»сини кўрганми-сан?

— Кўрганман. Нима эди?

— Асар нима билан тугайди?

— Охирида Шекс ҳам ўлади, Пир ҳам.

— Эйнштейннинг нис-бийлик назарияси билан танишмисан?

— Ҳозирча танишолга-ним йўқ, шу ҳақда кино чиқарилишини кутяпман.

\*\*\*

— Нега икки қўйди-

нгиз, домла? Шунча кўп янглишибманми?

— Йўқ, бир мартагина янглишдингиз: шпаргал-нани чўнтанка соламан деб ерга тушириб юбор-дингиз.

Э. МУЗАФФАРОВ

тўплаган


### МУҚОВАДА

Биринчи бет: Жиззах область, Дўстлик райони Маданият уйи ҳузуридаги «Дўстлик чамани» ансамбли санъаткор қизларининг маҳорати элга манзур.

Б. МИЗРОХИН фотоси

Тўртинчи бет: Ваҳор нафаси. (Тошкент область, Отасой — Оқбулоқ йўли.)

Е. СОНИН фотоси



## КРОССВОРД

Энига: 6. Халқ достони. 9. Тикув қуроли. 10. Буюк табиатшунос олим. 16. Адабий тур. 18. Тасвирий санъат соҳаси. 19. Рус классик шоири. 20. Бойлик. 21. Классик шеърый жанр. 22. Фан. 23. Субтропик мева. 27. Жо-нинвор. 28. Зид маъноли сўзлар. 29. Спорт ўйини. 32. Кечирма. 34. Овқат. 37. Таниқли ўзбек селекциялари.

Бўйига: 1. Бошқариш дастаси. 2. Машгулот. 3. Франциядаги шаҳар. 4. Марказий Осиёдаги саҳро. 5. Тесқари тасвир. 7. Уй ҳайвони. 8. Классик озарбойжон шири. 11. Ҳаракатлантирувчи механизм. 12. Бинокорлик со-ҳаси. 13. Полиграфия корхонаси. 14. Пластик материал. 15. Машина ўқи-даги қисм. 17. Европадаги тоғ. 19. Аёл исми. 24. Грузиядаги дарё. 25. Ўз-бекистондаги меъморлик ёдгорлиги. 26. Йигини. 30. Мато. 31. Атоқли совет шахматчи аёлларидан бири. 33. Гиёҳ. 35. Айний асари. 36. Қадимий Шарқ чолгу асбоби.

Тузувчи Ф. МАЪРУПОВ

### 2-СОНДА БОСИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

Энига: 7. Нафосат. 8. Резавор. 11. Войқўнғир. 12. Бриллиант. 14. Чилла. 15. Маҳалла. 16. Қовоқ. 19. Ҳарорат. 20. Мушоира. 21. Паустовский. 26. Парвона. 27. Димлама. 30. Конго. 31. Галилей. 32. Равиш. 35. Дастурхон. 36. Рефлектор. 37. Олмаҳон. 38. Раққоса.

Бўйига: 1. Қашқалдоқ. 2. Тонна. 3. Капитан. 4. Февраль. 5. Галла. 6. Конибодом. 9. Ромитан. 10. Андорра. 13. Кардиология. 17. Ҳусайни. 18. Ку-либин. 22. «Тановар». 23. Двигатель. 24. Алдарқўса. 25. Имтиҳон. 28. Па-роход. 29. Реферат. 33. Урдак. 34. Алоқа.

Самарқанд шаҳри кўрнам бадий буюмлари билан азалдан машҳур. Шаҳардаги «Аёллар меҳнати» фабрикаси сўнгги йилларда халқ ҳунар-мандчилигининг қадимий анъаналари бўйича тайёрланган сўзаналар, дастурхонлар, пойондозлар ва белбоғларни кўплаб ишлаб чиқармоқда.

Фабрика ишчиси, III даражали Меҳнат шўхрати орденининг нишондо-ри коммунист Салима Луқмонова ўтган йилнинг август ойида бир йўла уч беш йиллик топширигини адо этди. Уз меҳнат фаолияти давомида уч юздан ортиқ ҳаваскор ёшларга устозлик қилган Салима опа — Самарқанд шаҳар Сиеб район партия комитетининг аъзоси. Яқинда мазкур районда икки беш йиллик планни бажарган илғорлар учун Салима Луқмонова но-мидаги мукофот таъсис этилди. Суратда: илғор ишчи Салима Луқмонова.

В. МОЛГАЧЕВ фотоси

Бош редактор Асқад МУХТОР  
Редколлегия: Чингиз АХМАРОВ, Абдулла БОБОҲОНОВ, Воҳид ЗОҲИДОВ, Наримон ИБРОҲИМОВ, Ваҳоб РУЗИМАТОВ (бош редактор ўринбосари), Саид ШЕРМУҲАМЕДОВ, Комил ЯШИН, Ислиддин ҲАЙДАРОВ.

«Гулистон» — ежемесячный общественно-политический, литературно-художественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Техредактор А. САИДУМАРОВ

Корректор Н. ЙУЛДОШЕВА

Адресимиз: 700000, Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41. Редакция телефонлари: бош редактор — 33-35-20; бош редактор ўринбосари — 33-35-90; масъул секре-тарь — 32-58-33; ижтимоий-сиёсий, фан ва маданият бўлимлари — 33-36-59; адабиёт ва санъат бўлими — 33-36-02; рассомлар бўлими — 32-58-32.

Босмаҳонага туширилди 21.04.81 й. Босишга руҳсат этилди 24.02.81 й. Р — 02811. Қоғоз 70×108<sup>1</sup>/<sub>8</sub>. Ботиқ усулда босилди. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоғи 7,80. Тиражи 267190. Вуюртма 38. Нашр А — 110.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмаҳонаси. 700000, Тошкент, ГСП, «Правда Востока» кўчаси, 26.



